

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

4 (88) — 2020

Бош муҳаррир:
Акмал САИДОВ

Халқаро таҳрир кенгаши:
Танзила НАРБАЕВА
(Ўзбекистон)

Қудратилла РАФИҚОВ
(Ўзбекистон)

Аслан АБАШИДЗЕ
(Россия Федерацияси)

Акира ФУЖИМОТО
(Япония)

Уильям БАТЛЕР
(АҚШ)

Тадеуш БОДИО
(Польша)

Марғуб БУТ
(Ислом Ҳамкорлик ташкилоти)

Рейн МЮЛЛЕРСОН
(Эстония)

Татьяна МОСКАЛЬКОВА
(Россия Федерацияси)

Сергей УДАРЦЕВ
(Қозоғистон)

Таҳрир ҳайъати:

Мирзатилло Тиллабаев —
юридик фанлар доктори, доцент
Халим Бобоев — юридик фанлар
доктори, профессор, Ўзбекистон
Республикаси фан арбоби

Омон Оқюлов — юридик фанлар
доктори, профессор, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган юрист

Асқар Ғафуров — юридик фанлар
номзоди, доцент

Музаффар Мамасиддиқов
— юридик фанлар доктори,
профессор

Михаил Гасанов — юридик
фанлар номзоди, доцент

Елизавета Кутыбаева — юридик
фанлар доктори, профессор

Хайдарали Мухамедов — юридик
фанлар номзоди, профессор

Бош муҳаррир ўринбосари:
Эркин ЭРНАЗАРОВ

Масъул котиб:
Севада ИШМУРАТОВА

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг
саккизинчи курултойи иштирокчиларига 2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида 5

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИДАН

Инсон қадри ортаётган юрт 6

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Янгича шароитда ишлашни ўрганиш йўлида 8

Қудратилла Рафиқов. Ассалом, янги Ўзбекистон! 14

Исмоил Саифназаров. Замонавий таълим — янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили ... 17

Камила Олимова. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг
миллий стратегияси: инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим босқичи 20

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ

Асқар Ғафуров. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда
конституциявий назорат институтининг роли ва аҳамияти 25

Алишер Саъдуллаев. Ёшларга эътибор — давлат сиёсатининг устувор йўналиши 30

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ВЕБ-ФОРУМИ

“Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари”
мавзусида ўтказилаётган инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми иштирокчиларига 33

БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг инсон ҳуқуқлари бўйича

Самарқанд форуми иштирокчиларига мурожаати 35

Ёшлар келажакка катта ҳавас билан қарамоқда 36

“Ёшлар-2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” 37

Ёш авлод сайёраимизда фаровон ҳаёт ва юксак тараққиёт барқарор бўлишини
амалга оширадиган бекиёс кучдир 39

ЖАМИЯТ ВА ҲУҚУҚ

Робохон Маҳмудова. Маъмурий судлар жамият ва фуқаролар ҳимоясида 42

Акбар Саидқосимов. Фуқаролик масъулияти — жамиятда қонун устуворлигини
таъминлашнинг муҳим шарти 44

Олим Файзиев. Халқ билан мулоқотда оммавий қабулларнинг ўрни ва аҳамияти 49

Мурод Турғунов. “Авесто”да оила ва никоҳ муносабатларининг тартибга солиниши
ҳамда инсон ҳуқуқларининг таъминланиши масалалари 55

Қодирбек Мусаев. Битимлар ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари 61

Сирожбек Султанов. Ижтимоий адолат тушунчаси: тарихий-фалсафий талқин 65

ИНСОН ВА ҚОНУН

Мавлон Ғафуров. Жиноят процессида далилларни тўплаш институтининг тутган ўрни 70

Тоирхон Аббосхонов. Қонун лойиҳаларининг илмий-ҳуқуқий экспертизасини
ўтказиш тушунчаси ва унинг аҳамияти 74

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Жўрабек Расулов. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва хорижий мамлакатлар қонунчилигида
мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жавобгарликнинг айрим масалалари 80

Фарида Бегбутаева. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг одил судлов бўйича ҳуқуқлари 85

АНЖУМАНЛАР. ТАДБИРЛАР. ТАҚДИМОТЛАР 88

МУАССИС:



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

ҲАММУАССИСЛАР:



ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ



ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
БЎЙИЧА ВАКИЛИ
(ОМБУДСМАН)

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING САККИЗИНЧИ ҚУРУЛТОЙИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа – Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг саккизинчи қурултойи очилиши билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чексиз эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Сизларга яхши маълумки, **дунёдаги ҳар бир давлатнинг миллий тараққиётида аввало инсон меҳнати ва салоҳияти беқиёс аҳамият касб этади.**

Шунинг учун ҳам республикамизда меҳнат муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш, фуқароларимизнинг меҳнат соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, бандлик масаласини ҳал этиш, камбағалликни қисқартиришга катта эътибор берилмоқда.

Ана шундай ёндашув асосида кейинги тўрт йилда ушбу йўналишдаги миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш, аҳолининг қонуний даромад топиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қулай имкониятлар яратиш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шу борада биз эришган натижалар жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ каби нуфузли халқаро тузилмалар томонидан тан олинмоқда.

Буларнинг барчасида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек олижаноб мақсад йўлида 14 та тармоқ ва 14 та ҳудудий бўлинмани, 5,5 миллиондан ортиқ аъзоларни бирлаштирган, жамиятимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг муносиб ҳиссаси борлигини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Дарҳақиқат, сизларнинг бевосита иштирокингизда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, ижтимоий ёрдам ва адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг фаоллигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида аҳоли ва иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларимизни амалга оширишда мамлакатимиздаги энг йирик фуқаролик институти бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари чинаяк жонбозлик кўрсатмоқда.

Ушбу тизим ривожига сўнги йилларда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилингани, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси ва бошқа халқаро тузилмалар билан яқин алоқаларни йўлга қўйганимиз, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси аҳолининг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлашда Ҳукуматнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорига айланиб бораётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Айни шу асосда халқ билан самарали мулоқот олиб боришда касаба уюшмалари энг халқчил ва демократик тузилма сифатида ўзини яққол намоён этиб, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича умуммиллий ҳаракатимизда фаол қатнашмоқда.

Буюк Амир Темур бобомизнинг **«Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ – вазифангиздир»**, деган даъватига амал қилиб келаётган ташкилот фаоллари сўнгги йилларда мамлакатимиздаги 2 миллион 160 мингта оиланинг турмуш шароити билан чуқур танишиб, 650 мингта муаммони аниқлагани ва уларнинг 556 мингтаси ўз ечимини топгани, касаба уюшмалари иштирокида 7 мингта уй-жой тўлиқ таъмирлангани эътиборга моликдир.

Шунингдек, 1400 та оила янги уй-жойлар, 28 минг оила маиший техникалар билан таъминлангани, эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2400 нафар беморга бепул тиббий ёрдам кўрсатилгани айниқса диққатга сазовордир.

Касаба уюшмалари федерацияси ташкил этган хайрия акцияси доирасида моддий аҳволи оғир бўлган 642 минг нафардан ортиқ киши ишга жойлаштирилгани, қарийб тўрт мингта тўйлар ўтказиб берилгани ҳам ана шундай эзгу ва хайрли ишлар қаторига киради.

Бундан ташқари, Федерация томонидан ишчи-ходимларнинг 35 мингдан ортиқ мурожаат ва шикоятлари кўриб чиқилиб, 13 минг 500 нафарга яқин фуқаронинг қонуний ҳуқуқлари тикланди, аризачилар фойдасига 13 миллиард сўмлик маблағ ундириб берилди.

Пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб куну тун фаолият юритиб келаётган Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг «ишонч телефони»га келиб тушган 50 мингдан зиёд мурожаатнинг аксарияти ижобий ҳал этилгани ҳам ушбу тизимда фуқаролар муаммолари билан ишлаш бўйича салоҳият ва имкониятлар катта эканини кўрсатади.

Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган табиий ва техноген офат оқибатларини бар-тараф этишда касаба уюшмалари фаоллари аҳолига биринчилар қаторида елкадош бўлганларини таъкидлаш лозим.

Юртимизда гендер тенгликни таъминлаш тобора устувор аҳамият касб этиб бораётган ҳозирги пайтда касаба уюшмалари ҳурматли аёлларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтиришда ўрнатилган ва намуна кўрсатмоқда.

Шунингдек, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш масалалари ҳам ушбу тизим вакилларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Сизларнинг ташаббусингиз билан ички ва ташқи туризм ҳамда тиббий сайёҳликни ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Турли ташкилот ва муассасалар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, кекса авлод вакиллари, эҳтиёжманд оилаларга мансуб аёллар ва болалар, шунингдек, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, жами 800 минг киши турли йўналишлар бўйича саёҳатга олиб борилганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Албатта, ўзининг эзгу ғоялари, амалий ишлари билан жамиятимиз ҳаётига ғоят яқин бўлган ушбу халқчил тузилманинг эътибор ва ғамхўрлигини бугун юртимизда ҳар бир жамоа, ҳар бир меҳнаткаш ҳис қилиб яшамоқда. Бу – касаба уюшмалари фаолиятининг энг муҳим натижаси, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, республикамызда тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат ва саховат, ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссангиз, фидокорона меҳнатингиз учун сизларга ўз номидан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Муҳтарам юртдошлар!

Жонажон Ўзбекистонимиз янги Уйғониш ва тараққиёт даврига қадам қўйган, ана шу юксак мақсад йўлида буюк ишлар амалга оширилаётган ҳозирги кунда халқимизни янада катта марралар сари сафарбар этишда касаба уюшмаларининг роли ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Ишончим комил, мазкур қурултой касба уюшмалари фаолиятини чуқур танқидий таҳлил қилиб, олдинда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш, иш самарасини янада ошириш бўйича янги таклиф ва ташаббусларни илгари суриш учун муҳим мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади.

Ушбу анжуман ўз сафларида миллионлаб одамларни бирлаштирган касба уюшмалари тарихида янги даврни бошлаб беради, деб умид билдираман.

Шу муносабат билан қурултой қатнашчиларига бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман: Ўзбекистон касба уюшмаларининг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги улкан ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, республикамызда 11 ноябрь санасини **Касба уюшмалари кuni** деб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шу билан бирга, мазкур соҳа учун замонавий билим ва малакага эга бўлган, ижтимоий муносабатлар назарияси ва амалиётини, бу борадаги халқаро тажрибани пухта биладиган етук кадрларни тайёрлаш мақсадида **Касба уюшмалари академиясини** ташкил этиш масаласини ҳам кўриб чиқишни таклиф этаман.

Ҳурматли қурултой иштирокчилари!

Халқимизда «**Одам қадрин меҳнат оширар**», деган чуқур маъноли мақол бор.

Ҳақиқатан ҳам, ҳалол ва олижаноб меҳнат инсонни улўғлайди, унинг оила ва жамиятда, эл-юрт ўртасида муносиб обрў-эътибор топишига хизмат қилади.

Аминманки, ўз ҳаётини шарафли вазифага — меҳнат ва меҳнат эгаларининг ҳуқуқлари муҳофазасига бағишлаган юртдошларимиз ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир.

Сизларнинг тимсолингизда биз ана шундай жонкуяр ва фидойи инсонларни кўрамиз, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли таъминлашда сизларни давлат идораларининг яқин ҳамкори ва кўмакчиси, деб биламиз.

Барчангизни бугунги анжуман билан яна бир бор қутлаб, масъулиятли ва серқирра фаолиятингизда сиҳат-саломатлик, омад ва зафарлар, қурултой ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ УЧУН” КЎКРАК НИШОНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 22 июндаги ПФ – 6012-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда катта ҳисса қўшган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 22 июндаги ПФ – 6012-сон Фармони билан “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони таъсис этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони 10 декабрь – Халқаро инсон ҳуқуқлари куни арафасида топширилади;

“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони билан мукофотлаш Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори буйруғи асосида амалга оширилади;

“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

4. “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг буюртмасига асосан “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси белгиланган тартибда тайёрлашни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Х.Саидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А.Арипов

*Тошкент шаҳри,
2020 йил 3 ноябрь
685-сон*

ИНСОН ҚАДРИ ОРТАЁТГАН ЮРТ

Кейинги йилларда мамлакатимизда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз “Янги Ўзбекистон” иборасида ўз ифодасини топмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бу ҳақда, **“Халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, аини ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”**¹, деб алоҳида таъкидлади.

Пандемия даврида халқимиз том маънода қудратли кучга айланди. Бутун дунёни таҳликага солган коронавирус пандемиясига қарамасдан юртимизда саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш бўйича бошланган кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Шу йилнинг ўзида биргина саноат соҳасида умумий қиймати 11 миллиард долларлик, қишлоқ хўжалигини модернизация қилишга йўналтирилган 1 миллиард 200 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Улкан қурилиш майдонига айланган мамлакатимизда кўплаб янги-янги корхона ва турар-жойлар, йўл ва кўприklar, инфратузилма объектлари, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Биргина ижтимоий соҳанинг ўзида 2400 га яқин объектда қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Тошкент шаҳрида янги ер ости ва ер усти метро линиялари, Ғалаба боғи, Адиблар хиёбони сингари мухташам мажмуалар, Сардобада сув тошқинидан жабр кўрганлар учун янги кўркам турар жойлар фойдаланишга топширилди.

Ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, камбағалликни камайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, ижтимоий нафақа билан таъминланадиган аҳоли сони қарийб 1,5 баробар оширилди. Кейинги пайтда уйма-уй юриб ўрганиш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашнинг ўзига хос янги тизими

шакллантирилди. Шу асосда, умумий ҳисобда, моддий ёрдам кўрсатиш учун 417 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноятга оид қонунчиликни либераллаштириш, тўғри йўлдан адашган инсонларни соғлом ҳаётга қайтариш юзасидан тарихий қадамлар ташланди. Халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварликка амал қилинган ҳолда жазони ўтаётган шахсларга нисбатан афв институти кенг қўлланилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, қатъий тузалиш йўлига ўтган 73 нафар шахс жазони ўташ муассасаларидан озод қилиниб, ўз оиласи бағрига қайтарилди. Шунингдек, 40 нафар фуқаронинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Инсон ҳуқуқларининг энг муҳим шарт бўлган шахснинг фуқаролигини тиклаш бўйича ҳам салмоқли қадамлар қўйилди. Кўп йиллар давомида юртимизда яшаб келаётган бўлса-да, фуқаролик ололмай юрган, бу юксак мақомни узоқ вақт интиқиб кутган 50 мингдан зиёд кишига Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилди.

“Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”². Мамлакатимиз Бош қомусининг 13-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ушбу қоида кейинги йилларда ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

Бунини Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги тарихда биринча марта ўзбек тилида баён этган нутқида, “Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди”³, деб алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича янги халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббускори сифатида эътироф этилмоқда. Президентимиз томонидан ушбу халқаро ташкилотнинг 73-сессиясида илгари сурилган ташаббус асосида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг қабул қилиниши бунини яққол исботлаб турибди. Шу билан бир-

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // ЎЗА. 2020 йил 31 август.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 7-бет.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // ЎЗА, 2020 йил 23 сентябрь.

га, 2020 йил 13 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига кўпчилик овоз билан тарихда биринчи марта уч йиллик муддатга сайланди.

Бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ҳам ишлаб чиқилди ва тасдиқланди⁴. Миллий стратегия халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг устав органлари ва шартномавий кўмиталарининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси, халқаро ва миллий маслаҳатлашувлар натижасида ишлаб чиқилди. Ушбу тарихий ҳужжатда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилган.

Миллий стратегия билан бирга яна иккита муҳим ҳужжат – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ҳамда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий кўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди.

Шуниси эътиборлики, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотлар БМТнинг олти тилида нашр этилди ва Бош Ассамблея 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш мақсадида Миллий стратегия доирасида 53 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, 37 та чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда 8 та халқаро шартномани ратификация қилиш белгиланган. Бу йўналишда дастлабки амалий қонун ижодкорлигига киришилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 17 августда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун имзоланди. “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ҳамда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунлар

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди ва Сенат томонидан маъқулланди.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, БМТ ва ЕХХТнинг тегишли норматив ҳужжатларига таянган ҳолда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. Ушбу қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида муҳокама этилиб, биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекс, Фукаролик кодекси, Жиноят-ижроия кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги таҳрирда ишлаб чиқилмоқда. “Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида” ҳамда “Бепул юридик ёрдам тўғрисида”ги янги қонун лойиҳаларини тайёрлашга киришилган.

Миллий стратегия ижроси доирасида шу йил 12-13 август кунлари нуфузли халқаро, минтақавий ва нодавлат натижорат тузилмалар – БМТ ва унинг агентликлари, хусусан, ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Миграция бўйича халқаро ташкилот, ЮНИСЕФ, БМТ Аҳолишунослик фонди (ЮНФПА), БМТ Тараққиёт дастури, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Парламентлараро иттифок, ЕХХТ, ЕХХТнинг Парламент Ассамблеяси, Европа Кенгаши, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Осиё Парламент Ассамблеяси, Африка иттифоқи, ШХТ, МДХ вакиллари иштирокида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларига бағишлаб Самарқанд веб-форуми ўтказилди.

Халқаро анжуман якунида “Ёшлар-2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” номли Самарқанд резолюцияси қабул қилинди. Самарқанд резолюцияси БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тақдим этилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитларини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланди. Инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли Миллий стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й., 06/20/6012/0953-сон.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ЯНГИЧА ШАРОИТДА ИШЛАШНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИДА*

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов пандемия даврининг мураккабликлари, унинг мамлакатимиз ва хорижий давлатлар сиёсати ҳамда иқтисодиётига таъсири каби бугунги куннинг долзарб масалалари тўғрисида интервью берди.

— *Бугунги кунда жаҳон миқёсидаги ва миллий даражадаги сиёсий мунозараларнинг асосий мавзуси глобал пандемия инқирозининг дунё давлатлари сиёсати таъсири бўлиб қолмоқда. Кўплаб экспертлар мамлакатларнинг инқирозгача бўлган ривожланиш суръатлари ва давлатлараро муносабатларнинг аввалги даражасини қайта тиклаш ва уларни сақлаб қолиш учун ресурслари ва имкониятлари йўқлиги ҳақида фикр билдирмоқда. Сиз шундай нуқтаи назар ҳақида нима дея оласиз?*

— Коронавирус пандемияси кенг миқёсли ва, кўриниб тургандек, узоқ муддатли таъсир кучига эга, бир кеча-кундузда тугамайдиган глобал ҳодиса сифатида аллақачон замонавий дунё жараёнларининг барча соҳалари — сиёсат, иқтисодиёт, маданият, экология, инсон тараққиётида сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлди. Кўплаб мамлакатларда соғлиқни сақлаш инқирози шу пайтгача мавжуд бўлган иқтисодий муаммолар, ижтимоий ва гендер тенгсизликни янада кучайтирди, бугун қатор минтақалар дуч келаётган табиий офатларнинг салбий таъсирини оширди. Шунингдек, у давлатларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва халқаро фаолиятнинг устувор йўналишларини ўзгартиришга ёки тузатишлар киритишга мажбур қилди. Бундай шароитда инсониятнинг турмуш тарзи ҳам ўзгариб бормоқда.

Шу сабабли атрофимиздаги тез ўзгараётган дунё ҳақида гапирганда унинг нафақат “пандемик ўлчови”, балки ўзаро боғлиқ бўлган янги ҳодисаларнинг бутун бир жамланмасини назарда тутиш керак. Улар турли мамлакатларнинг ички ҳаётини, халқаро сиёсат, дунё иқтисодиёти, жаҳон ҳўжа-

лик муносабатларини, шунингдек, глобал ахборот, технологик ва ижтимоий-гуманитар алоқаларни камраб олмоқда. Умуман олганда, сўз шаклланаётган сифат жиҳатидан янги халқаро муносабатлар тизими, эҳтимол тубдан ўзгарган янги дунё тартиби ҳақида кетмоқда.

Ушбу муносабатлар нафақат сиёсий, иқтисодий асосларни, балки, эътибор қаратмоқчиманки, замонавий дунё тартиби қадриятларини жиддий қайта кўриб чиқиш жараёнида шаклланмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, буни, масалан, айрим давлатларнинг миллий эгоцентризм, деб аталмиш хусусиятлари кучайишида, кўплаб ҳукуматларнинг, авваламбор, ўз мамлакатлари ёки ҳатто уларнинг алоҳида сиёсий доираларининг манфаатларини таъминлашга интилишида кўриш мумкин. Шундай ҳам ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, гуманитар ривожланиш босқичи жиҳатидан сезиларли даражада фарқ қиладиган давлатларнинг тенгсизлиги тобора кучаймоқда. Айрим давлатлар ўртасидаги зиддиятлар чуқурлашиб, ахборот, технологик, санкциявий урушларнинг янада кескин босқичларига айланиб бормоқда. Биз дунёнинг турли минтақаларида зўравонлик ва ҳарбий инқирознинг авж олишига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Афсуски, буларнинг барчаси дунёнинг етакчи давлатлари муносабатларидаги тизимли кескинликлар муҳитида содир бўлмоқда. Бирор бир давлатни четлаб ўтмаган пандемия шароитида ушбу кескинлик умумжаҳон муаммоларига ечим топишга, жумладан, камбағаллик, қашшоқлик ва очлик, хавфли касалликлар ва иқлим ўзгариши оқибатларига қарши курашишга салбий таъсир кўрсатиши

*“Янги Ўзбекистон” газетаси, 23.10.2020 й. №203 (203).

мумкин. Covid-19нинг чегара ёпилиши, карантин зоналари белгиланиши, таъминотнинг узилиши ва бошқа кўринишдаги тўғридан-тўғри таъсири билан бирга, турли глобал “ўйинчи”лар ўртасидаги халқаро сиёсий номутаносибликлар дунё миқёсидаги ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш занжирларининг бузилиши, эркин савдога зарар етиши, инвестициялар оқими ва иқтисодий алоқаларнинг сусайишига олиб келмоқда.

Халқаро майдондаги қоидалар янада қатъийлашиши мумкин. Биз давлатлараро муносабатлардаги сиёсий эгоизм ортда қолиб, дунёнинг барча етакчилари томонидан пандемияга қарши курашиш ва бошқа умумий муаммоларни ҳал қилиш жараёни савий-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ҳамжиҳатлик ва бирдамликни талаб қилаётганини англатишига умид қиламиз.

Шу маънода Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи ва БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш бўйича ташаббуси алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро шериклар олдидаги мажбуриятлари акс этиши керак.

Президентимиз сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликнинг юзага келаётган масалаларини ўз вақтида ҳал қилиш ва пандемияни бартараф этишда тизимли алоқаларни амалга ошириш учун хорижий мамлакатлар, дунёнинг етакчи давлатлари раҳбарлари билан мунтазам алоқаларни йўлга қўйганини таъкидлашни истардим.

Ушбу янги шароитларда Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари халқаро майдонда рўй бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини чуқур аниқлаш ва уларни ўз фаолиятида ҳисобга олиши керак, деб ҳисоблайман.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати фақат дунёдаги воқеаларга муносабат билдириш билан чегараланишдан ёки халқаро муносабатлар оқимида ҳаракатланишдан иборат бўлиши керак эмас. Ташқи сиёсат пухта ўйланган, амалий, фаол ва ташаббускор мазмун касб этиши зарур.

Шу муносабат билан, айниқса, ахборот-таҳлилий ва прогнозлаш ишларининг амалий аҳамияти ортиб бормоқда. Бу йўналишда зарур чоралар кўрилмоқда, соғлиқни сақлаш ва иқтисодиёт соҳа-

сидаги инкирозли ҳодисаларга қарши курашишдаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда ва дунёдаги эпидемиологик вазият доимий равишда таҳлил қилинмоқда. Ташқи ишлар вазирлиги бошқа идоралар билан биргаликда жаҳон сиёсати ва иқтисодиётининг муҳим муаммоларини ўрганмоқда, замонавий шароитларда шериклар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, миллий экспортни қўллаб-қувватлаш, туризм соҳасини тиклаш ва бошқа долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқмоқда.

— Айтинг-чи, пандемия ташқи сиёсат идораси фаолиятининг ташкилий жиҳатларига қандай таъсир ўтказди?

— Дарҳақиқат, пандемия мамлакатлар ҳаётининг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказди, давлат органлари, шу жумладан, ташқи ишлар маҳкамалари фаолиятини ташкил этишни жиддий равишда ўзгартирди. Табиийки, биз ҳам ўз ишчимизни кўп жиҳатдан, авваламбор, сиёсий ва дипломатик алоқалар, давлатлараро ҳамкорлик ва сиёсий маслаҳатлашувларни амалга оширишнинг янги механизмларидан самарали фойдаланган ҳолда қайта куришимизга тўғри келди.

Айтиш мумкинки, пандемия бизга маълум бўлган салбий оқибатлари билан бир қаторда инсониятни алоқаларнинг янги шакллариини излаб топишга ундади, рақамлаштириш жараёнлари ва янги технологик асрга яқинлашишни тезлаштирди. Ҳеч бир давлат бу жараёндан четда қола олмайди. Ўзбекистон ҳам тўлақонли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ташқи сиёсатдаги устувор вазифаларни бажаришда замонавий технологиялар имкониятларидан фаол фойдаланмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев замонамизнинг янги талабларига риоя қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратмоқда: **“Ҳаётимизни нормал изга солиш, иқтисодиётимизни тиклаш учун пандемия шароитида яшаш ва меҳнат қилишга ўрганишимиз, барча эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда, бу борада бошлаган ишларимизни темир интизом билан давом эттиришимиз керак”**.

Акс ҳолда иқтисодиётимизнинг узлуксиз ривожланишини, шу жумладан, жамиятнинг барқарор ҳаёти учун энг муҳим шартлардан бири бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаб бўлмайди.

Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари ўз фаолиятини янги шароитларга мослаштириб, турли даражадаги халқаро учрашувлар ва музокаралар, иқтисодий тадбирларни ўтказишда, консуллик хизматлари кўрсатишда, шунингдек, халқ дипломатиясини кенгайтиришда электрон алоқа воситаларидан самарали фойдаланмоқда. Бошқача айтганда, халқаро сиёсатда рақамли дипломатияни ривожлантиришнинг глобал тенденцияларидан ортда қолмасликка ҳаракат қилияпмиз.

— *Бу аввалги йилларда бўлгани каби жорий йилда ҳам халқаро тадбирлар фаол ўтказилаётганини аниглади. Шунга қарамай, белгиланган баъзи режалар дунёдаги оғир эпидемиологик вазият туфайли бажарилмай қоляпти, дейиши мумкинми?*

— Мен яқинда оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон ташқи сиёсатининг долзарб масалалари ҳақида батафсил сўзлаб берган эдим. Фикрларимни такрорламаган ҳолда пандемия шароити билан боғлиқ баъзи масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман. Бевосита юзма-юз учрашувлар сони, албатта, камайди, баъзиларининг муддатини эса кейинроққа қолдиришга тўғри келди. Гап, эътибор беринг, бу тадбирларни бекор қилиш эмас, балки кейинги муддатларга кўчириш ҳақида кетмоқда. Шу билан бирга, шерикларимиз билан ташқи сиёсий мулоқот сусайгани йўқ, аксинча, у жадал давом эттирилмоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг жорий йил Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислиги доирасида режалаштирилган кўплаб тадбирларни бекор қилмасдан, уларни эпидемиологик хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда бевосита ҳамда видеоконференция шаклида муваффақиятли ўтказдик. МДХ доирасида ва Ҳамдўстликка аъзо давлатлар билан икки томонлама даражада 200 дан ортиқ тадбир ташкил этилди. Улар орасидан турли тузилмаларнинг куйидаги йиғилишларини эслаш мумкин. МДХ Иқтисодий кенгаши — улардан бири (13 март) Москвада бевосита шаклда, иккитаси (30 июнь ва 15 сентябрь) видеоалоқа воситасида, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши (12 май), Ҳукумат раҳбарлари кенгаши (29 май), Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик бўйича кенгаш (30 июль), Бизнес ташаббуслари ҳафталиги (9-15 сентябрь), МДХ Иқтисодий фо-

руми (9 сентябрь), Минтақалараро ва чегараолди ҳамкорлик кенгашининг йиғилиши (10 сентябрь) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йил 24 июнь куни Буюк ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қатнашиш учун Москвага ташриф буюрди. 12 октябрь куни Бухорода Россия Федерацияси билан ҳукуматлараро комиссиянинг 21-йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир доирасида сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш истикболлари, ишлаб чиқариш, энергетика ва соғлиқни сақлашнинг турли секторларида инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, миграцияга оид ва мамлакатларимиз учун муҳим бўлган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

МДХ Ҳукумат раҳбарлари ва Давлат раҳбарлари кенгашларининг йиғилишлари, Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари раҳбарлари қўшма комиссиясининг иккинчи йиғилиши, Ҳамдўстлик давлатлари Президентларининг норасмий саммити ва бошқа муҳим тадбирлар кун тартибида турибди.

Яқинда Марказий Осиёнинг беш мамлакати ва Россия ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг учинчи йиғилиши виртуал учрашув шаклида бўлиб ўтди.

Бошқа устувор йўналишларда ҳам ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқалар фаол амалга оширилмоқда. Жорий йил 27 май куни ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг Ўзбекистон-АИР-АҚШ уч томонлама учрашуви ҳамда қўшни Афғонистонда иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш ва барқарорликни тиклаш бўйича шу форматдаги қатор амалий учрашувлар ташкил этилди. 30 июнь куни Марказий Осиёнинг беш мамлакати ва АҚШ вазирлари учрашуви (C5+1), Америка делегациялари билан иқтисодий ташрифлар ва икки томонлама даражадаги музокаралар ўтказилди.

Ўзбекистон жорий йил бошқа кўп томонлама минтақавий форумларда фаол иштирок этди. Уларнинг бош мавзусини Covid-19га қарши курашишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва тажриба алмашиш масалалари ташкил қилди. Мен “Бир макон, бир йўл”, “Марказий Осиё – Хитой” видеоконференциялари, “Япония+Марказий Осиё” мулоқотини назарда тутаяпман.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги олий даражадаги алоқалар натижасида ташкил этилган Икки томонлама лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва амалга оширишни рағбатлантириш бўйича

Ўзбекистон – Ҳиндистон қўмитасининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Покистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шу жумладан, Ўзбекистоннинг Товарларни транзит қилиш бўйича тўрт томонлама (Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Покистон) келишувга қўшилиши бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Биз Европа мамлакатлари, шунингдек, бошқа анъанавий шерикларимиз билан муносабатларда ижобий динамикани сақлаб қолишга муваффақ бўлдик. Эпидемиологик инқироз Европа Иттифоқи билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли шерикликни чуқурлаштириш мақсадида юқори даражадаги мулоқотни изчил фаоллаштиришга тўсқинлик қилмади. Ўтган йили Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш бўйича бошланган музокаралар давом эттирилмоқда. Бугун уларнинг 7-турига тайёргарлик кўрилмоқда.

Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Европа Иттифоқининг “GSP+” – “Преференциялар бош тизими”-нинг манфаатдор давлати мақомини олиш бўйича ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда.

Covid-19нинг жаҳон, шу жумладан, Европа иқтисодиётига салбий таъсири шароитида Европадаги шерикларимиз пандемия оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистонга 30 миллион евродан ортиқ маблағ ажратди. Норвегия, Финляндия ва Европа Иттифоқи Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича қўп томонлама шериклик асосида Траст фондига молиявий ёрдам кўрсатди.

Яқин Шарқ ва Форс кўрфази давлатлари билан ўзаро муносабатлар Ўзбекистон ташқи сиёсий ҳамкорлигининг изчил ривожланаётган йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Қўплаб долзарб халқаро масалалар, авваломбор, мусулмон дунёси давлатларининг барқарор ривожланишини таъминлаш, маърифий ислом ва бағрикенглик ғояларини тарғиб қилиш нуқтаи назаридан бизнинг ёндашувларимиз жуда яқин.

Яқин Шарқ давлатлари раҳбарияти билан олий ва юқори даражадаги мунтазам алоқалар ўрнатилган, сиёсий маслаҳатлашувлар амалга оширилмоқда. Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистонга коронавирусга қарши курашишда бирдамлик ва ҳамжихатлик ифодаси сифатида ўпкани сунъий шамоллатиш аппаратлари, кислород

концентраторлари, ПЗР-лабораториялар ва бошқа тиббий асбоб-ускуналар шаклида инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.

Жорий йил 13 октябрь куни Ўзбекистон 2021-2023 йилларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани узоқни кўзланган режаларимиз глобал инқирозга қарамасдан амалга оширилаётганидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси сайловда халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланди ва Осиё минтақаси номзодлари орасида энг қўп овоз олди. Бу муваффақиятга эришишда мамлакатимиз раҳбариятининг демократик ва бозор ислохотларини давом эттириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳисса қўшишга содиқлиги асос бўлди.

— Ташқи ишлар вазирлиги, дипломатик ваколатхоналар ва консулик идораларининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий манфаатларини таъминлашга ёрдам беришдан иборат. Бугун ушбу йўналишдаги фаолият қандай аниқ мақсадларга қаратилган ва дунёдаги мавжуд қийин вазият унинг самарадорлигига қандай таъсир кўрсатди?

— Ўзбекистон иқтисодий дипломатияси изчил мустаҳкамланмоқда. Қизиғи шундаки, пандемия даври синовлари мазкур жараён самарадорлигининг асосий сабабларидан бири бўлди. Covid-19 миллий компаниялар экспортини қўллаб-қувватлаш, инвестициялар ва технологияларни жалб қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни жадаллаштиришга ундамоқда. Бу янги иш ўринлари яратиш, инқироздан тикланишга амалий ёрдам демакдир.

Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Маҳаллий корхоналар томонидан экспорт шартномалари тузиш, тадбиркорлар дуч келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича биргаликда ҳаракат қилинмоқда.

Карантин чекловлари сабабли чегаралар ёпилган ва транспорт алоқалари бузилган бир шароитда мамлакатимиз тадбиркорларига хорижга маҳсулот етказиш ёки чет элдан юк олиб келишда транспорт ва логистика масалаларини ҳал қилишда яқиндан ёрдам берилмоқда. Янги транспорт коридорларини очиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш доирасида республикага замонавий ускуналар ва хорижлик мутахассисларни олиб келишга қўмак

кўрсатилмоқда. Хусусан, бугунги кунгача иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган 3 минг 500 дан ортиқ чет эллик мутахассиснинг Ўзбекистонга олиб келиниши ташкил қилинди.

Мамлакатимизга сармоялар жалб қилиш, шу жумладан, чет элда истиқомат қиладиган ватандошлар томонидан инвестициялар киритиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бугун 818 миллион долларлик 120 дан ортиқ лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Чет эл инвесторлари, халқаро ташкилотлар ва компанияларда ишлайдиган ҳамда Ўзбекистон тараққиётига ўз ҳиссасини қўша оладиган юртдошларимизнинг исмлари жамланган “Олтин дафтар” шакллантирилди.

Шу ўринда Ўзбекистон коронавирус эпидемияси халқаро кўламда тарқала бошланган дастлабки кунларданоқ барча асосий ташқи сиёсий шериклар билан ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бундай саъй-ҳаракатларсиз нафақат турли давлатлар ва шерик ташкилотлар билан кўп қиррали алоқалар, балки оддий инсонлар, фуқароларимиз тақдири билан боғлиқ масалаларни ҳал этиб бўлмаслигини қайд этмоқчиман. Хорижда бўлиб турган юртдошларимизнинг кўпчилиги эпидемия муносабати билан жорий қилинган чекловлар натижасида қийин шароитга тушиб қолди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, республиканинг бошқа вазирлик ва идоралари ҳамда хорижий шериклар томонидан 300 мингдан ортиқ юртдошимизни Ватанга қайтариш бўйича пухта мувофиқлаштирилган ишлар ташкил этилди. Ўзбекистоннинг чет мамлакатларда вақтинча бўлиб турган кўплаб фуқароларига элчихоналар ва консуллик идоралари орқали молиявий маблағлар тақдим қилиш, яшаш жойи ва озиқ-овқат билан таъминлаш шаклидаги беғараз ёрдам кўрсатилмоқда. Шу билан бирга, 15 мингдан ортиқ чет эл фуқаросига Ўзбекистондан ўз юртига қайтишига қўмак берилди. Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши самарали курашиш ва илғор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида Германия, Жанубий Корея, Туркия, Хитой ва Россиянинг етакчи тиббиёт мутахассислари жалб қилинди. Улар республикамизнинг турли минтақаларида фаолият юритди.

Пандемия оқибатларига қарши курашиш жараёнида АҚШ ҳукумати ва Америка инсонпарварлик ташкилотлари ва компанияларининг гуманитар ёрдами жалб қилинди. Бундан ташқари,

америкалик шериклар Сирдарё вилоятида рўй берган фавқулодда ҳодисадан зарар кўрган аҳоли, “Соғлом авлод учун” жамғармасига ёрдам кўрсатди.

— *Ўзбекистон олиб бораётган фаол минтақавий сиёсат дунё ҳамжамияти диққатини жалб қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари формати яратилди ва иккита саммит бўлиб ўтди. Улардан бири 2019 йил Тошкентда ташкил этилди. Қирғизистонда ўтказилиши режалаштирилган олий даражадаги учрашувга тайёргарлик қандай кечмоқда?*

— Ўзаро келишувга биноан, Марказий Осиё давлатларининг Маслаҳат учрашувлари минтақа давлатлари раҳбарларининг шахсий иштирокида ўтказилиши керак. Президентларнинг шахсий учрашувлари саммитлар самарадорлигининг муҳим омили ҳисобланади. Олий даражадаги мазкур учрашувлар давомида Марказий Осиё мамлакатларининг долзарб муаммоларни ҳал қилиш ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ҳамкорлигининг барча қирралари кўриб чиқилмоқда.

Афсуски, коронавирус билан боғлиқ вазият ва пандемияни бартараф этиш билан боғлиқ санининг ноаниқлиги сабаб жорий йил охиригача учинчи Маслаҳат учрашувини ўтказиш учун имконият бўлмаслиги кўзга ташланиб қолди.

Лекин бу ҳолат қўшни давлатлар режалаштирилган минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлида “секинлашгани”ни англатмайди. Марказий Осиёнинг барча беш давлати учун кўп томонлама ҳамкорлик савдо алоқаларини мустаҳкамлаш, инвестиция оқимларини жалб қилиш, минтақа мамлакатларининг глобал таъминот занжирларига фаол қўшилиши учун янги имконият ва имтиёزلарни шакллантириш омили сифатида устувор аҳамиятга эга. Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари аввалги учрашувларида минтақавий савдони ривожлантириш, энергетика соҳасидаги салоҳиятни ошириш, истиқболли транспорт коридорларини шакллантириш ва ўзаро манфаатли бўлган бошқа масалаларни ҳал қилишда биргаликдаги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича келишувларга эришган. Марказий Осиё ҳамкорлигини мустаҳкамлаш минтақамизнинг барқарор ривожланиши ва хавфсизлигини таъминлашнинг калити бўлиб қолмоқда ва бунда қўшни давлатлар

Президентларининг қарашлари бир-бирига тўлиқ мос келади, деб таъкидлаш мумкин.

Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг Қирғиз Республикасидаги воқеалар юзасидан қўшма баёноти ушбу масалалардаги яқдилликка ёрқин мисол бўлди. Унда “Қирғизистоннинг равнақи минтақавий хавфсизлик ва бутун Марказий Осиё барқарор ривожланишининг муҳим омили” экани яна бир бор таъкидланди. Минтақа давлатлари раҳбарлари, шунингдек, “Марказий Осиё бирдамлигини янада мустаҳкамлаш йўлидан борар эканмиз, биз Қирғизистон халқини унинг ҳамжиҳатлик, тинч, мустақил тараққиёт ва фаровонлик борасидаги интилишида доимо қўллаб-қувватлаймиз”, деб қайд этдилар.

Шу муносабат билан Туркменистон умумминтақавий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда келгуси йил минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини меҳмондўст туркман замида ўтказишни таклиф қилмоқда. Саммит дастурига қатор муҳим иқтисодий ва маданий тадбирларни киритиш ҳам таклиф қилинди.

Биз, Маслаҳат кенгашининг ҳамраиси сифатида Туркменистоннинг ушбу таклифини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз ва навбатдаги Маслаҳат учрашуви кенг ва сермазмун дастур асосида ўтишига умид қиламиз. Туркменистондаги саммитдан сўнг қирғиз дўстларимизнинг Маслаҳат учрашувини Бишкекда ташкил этиш бўйича таклифига яна қайтишимиз мумкин.

Ташқи ишлар вазирлиги ташқи сиёсий фаолиятни халқаро вазиятга мослаштирибгина қол-

масдан, уни мунтазам такомиллаштираётганига эътиборингизни қаратмоқчиман. Зеро, ҳар қандай инқироз, жумладан, инсоният ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган пандемия инқироzi оддий шароитларда сезилмайдиган муаммоларни очиб беради. Ушбу таҳдидларга муносиб жавоб бериш учун ўз ишимизни доимий равишда такомиллаштириб боришимиз керак.

Шу муносабат билан иккита асосий хулоса чиқариш мумкин. Биринчидан, ташқи сиёсат идораси фаолиятига танқидий баҳо бериш, янги захираларни излаб топиш учун барча кучларни сафарбар этиш зарур. Иккинчидан, Covid-19 пандемиясига қарши муносиб курашиш учун қатъий сиёсий, иқтисодий, эпидемиологик шароитда ишлашни ўрганиш керак.

Хулоса шуки, бугунги кунда технологик тараққиёт ва илмий, шу жумладан, тиббиёт соҳасидаги билимлар жуда тез ва жадал ривожланмоқда. Айнан тиббиёт юқори интеллектуал тармоқлардан бири ҳисобланади. Пандемияга қарши курашишга энг илғор интеллектуал кучлар сафарбар қилинган, етакчи илмий-тадқиқот марказлари изчил фаолият юритмоқда ва дунёнинг турли минтақаларида салмоқли ресурслар ажратилган. Яқин келажакда ушбу муаммога муносиб жавоб топилиши ва инсониятни ана шундай қийин синовлардан ишончли ҳимоя қилиш мумкин бўлишига ишончимиз комил

— *Ҳурматли Абдулазиз Ҳафизович, қизиқарли ва сермазмун суҳбатингиз учун катта раҳмат.*

Салим ДОНИЁРОВ
суҳбатлашди

АССАЛОМ, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН!

Қудратилла РАФИҚОВ*

Буюк тарихий ҳодиса – Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида сўзлаган нутқини тинглаб...

Туркияда чиқадиган «Жумҳурият» газетаси ўзининг 21 сентябрь сониди «Ўзбек тили БМТда» сарлавҳали мақола эълон қилди. Савол туғилиши табиий: Бу шунчалик аҳамият қилиниши керак бўлган ҳодисами? Унинг ижтимоий-сиёсий мақоми нақадар муҳимми?

Масалага юзаки ёндашилса, бунга БМТ иш тартибига истисно тарзида киритилаётган ўзгариш, деб ҳам қараш мумкин. Чунки белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ, мазкур халқаро ташкилот одатда дунё бўйича олти тилдан фойдаланади. Ўзбек лидери тарихда илк бор ўз она тили – буюк Навоий, Соҳибқирон Темур, Бобур, Жалолиддин Мангубердиннинг тилида сўз айтиши, албатта, тарихий воқеа.

Моҳиятан қараганда, мустақил бўлганимизга қарийб ўттиз йил бўлмоқда. Ўтган даврда иқтисодий-сиёсий, ҳарбий ва жўғрофий жиҳатдан эгаменлигимизнинг кучли асослари яратилгани айна ҳақиқат. Бироқ орадан шунча вақт ўтса-да, бошқарув механизми, давлат тизимидаги иш юритиш, жамият, айниқса, сиёсий элита тафаккуридаги эски қолипларни синдириш қийин кечди. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, бунга истак ва хоҳишнинг ўзи ҳам бўлмади. Бу эса давлат ва жамият ҳаётида сунъий – гибрид кадриятни шакллантирди. Собиқ шўро даврида шаклланган, таъбир жоиз бўлса, қўлтиғига сув пуркаб турилган коммунистик консерватизм ва ёшлар орасида оммалашган космополитизм мустақил Ўзбекистон – маъжозий тилда айтганда, ўзбек жамиятини миллий ўзлик-идентитетидан хийла нари суриб келди. Бу, энг аввало, мамлакатда расман давлат тили, деб эълон қилинган ўзбек тилининг «оёққа» туришини чеклаб ташлади. Ўтган 30 йил ичида расмий мақомдаги ўзбек тили аҳолисининг 80 фоизини

ўзбеклар ташкил этадиган жамиятда сиёсат ва фан тилига айланолмади.

Албатта, бу омил миллатнинг том маънода эски мафкуралардан, маънавий қарашлардан ҳалос бўлмаганини англатади. Бошқача айтганда, бу миллат руҳияти ва тафаккури «парвариш»га муҳтож эканидан далолатдир. Ҳар бир миллатнинг этник ўзлигини энг ёрқин ифода этадиган, белгилайдиган восита унинг тили ҳисобланади. Шу маънода Президентимизнинг БМТ минбаридан туриб тарихда илк бор ЎЗБЕК тилида нутқ ирод қилиши мустақиллик йилларида қўлга киритган, биз гувоҳи бўлиб турган энг улўғ ғалабалардан биридир. Чунки тил бугун биз учун маънавий асос баробарида сиёсий масала ҳамдир. Эҳтимол, айна шундай фикр-у ўйлар турк қардошларимиз қалбига ҳам чўғ солган бўлса, ажаб эмас.

«Туркий тилнинг тамал тошларидан бўлган чигатой лаҳжасини адабий тил ҳолига етказган Алишер Навоий айна вақтда Амир Темур давлатининг забардаст вакилларида бири эди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг эртага бошланадиган Бош Ассамблеясида ҳамкорлик марралари, умидлари ва мамлакатининг тинчликпарвар мақсадлари ҳақида илк бор Навоий тилида дунёга хитоб қилади» деб ёзди Туркияда чоп этиладиган нуфузли «Жумҳурият» газетаси.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги бу галги чиқиши унинг мазкур халқаро ташкилот ишидаги иккинчи иштироки ҳисобланади. Мамлакатимиз раҳбари бундан олдин 2017 йил 12 сентябрда БМТнинг Нью-Йоркдаги бош штаб квартирасида чиқиш қилган эди. Уч йил олдинги нутқда Юртбошимиз дунё

* Қудратилла Рафиқов – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

минбаридан туриб минтақа ва жаҳон ҳамжамияти учун муҳим саналган умумсиёсий масала ва таклифларни ўртага ташлаган эди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини йўлга қўйиш, БМТнинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюциясини қабул қилиш, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенциясини ишлаб чиқиш, Оролбўйи муаммосига эътиборни ошириш ва Афғонистон муаммосини ҳал этиш шулар жумласидандир. Эътиборлиси шундаки, ҳозиргача ушбу таклифларнинг 4 таси амалга ошди. Хусусан, минтақа давлатлари (Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон) раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари мунтазамлик мақомини олди. 2018 йилда БМТ Бош Ассамблеяси «Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюциясини тасдиқлади, шу йили Оролбўйи минтақасида инсонлар ҳавфсизлиги бўйича кўп шериклик асосидаги Траст фонди иш бошлади.

Айни пайтда БМТнинг ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияси лойиҳасини яратиш жараёни қизғин паллада. Айнан шу форматда инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумларининг ўтказилаётгани мақсад сари жиддий қадам ташланганини англатади, албатта.

Ўтган гал ўртага ташланган масала ва таклифлар ичида алоҳида бир масала бор эдики, бу нафақат минтақа, балки дунё ҳамжамияти тинчлиги ва барқарорлиги учун ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Бу – «Афғон муаммоси».

2018 йилнинг мартда Тошкентда Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференция ташкил этилиб унинг якунлари бўйича махсус декларация қабул қилинди. Бугун ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, пойтахтимизда ўтказилган «Тинчлик жараёни, ҳавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзuidaги халқаро конференция Ўзбекистоннинг афғонлараро тинчлик жараёнини фаоллаштиришга қўшган ҳал қилувчи ҳиссаси бўлган эди. Ўзбекистон ва Афғонистон Президентлари, БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган мамлакатлар, минтақанинг етакчи давлатлари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган йиғинда Ўзбекистон Президенти чиқиш қилар экан, Афғонистондаги можарони ҳал қилиш йўлларининг аниқ стратегик ёндашувларини кўрсатиб, «афғон сиёсати»га доир устувор йўналишларни белгилаб берганди. Улар бугунга келиб

Афғонистонда тинчликни қарор топтириш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш асосига айланди.

Тошкент декларацияси асосида қарийб икки йил давом этган халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатлар натижасида 2020 йилнинг 29 февраль санасида Қатар пойтахти Доҳада Америка Қўшма Штатлари ва «Толибон» ҳаракати ўртасида тинчлик битими имзоланди.

Мазкур анжумандан сўнг дунёнинг ривожланган «ақл марказлари», нуфузли экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ўз тахминларини баён қилишди. Таҳлилчилар Президент Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси ўз вақтида бўлгани ва долзарб аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди. Бунинг натижасини кечагина Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида Афғонистон ҳукумати ва «Толибон» гуруҳи ўртасида узоқ кутилган инклюзив музокаралар бўлиб ўтгани ва бу учрашувлар моҳиятан афғонлараро умуммиллий ярашувга мустаҳкам пойдевор яратиши билан ниҳоятда аҳамиятли, дея эътироф этилганида ҳам кўриш мумкин. Чунки бунгача ушбу ўлкада ўтган 40 йил мобайнида тинчлик ўрнатиш бўйича бирор-бир самарали музокара ўтказилмаган.

Давлатимиз раҳбари бу сафарги нутқида ҳам халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик қатор масалалар юзасидан муҳим ташаббуслар билан чиқди. Хусусан, минтақа ва глобал миқёсда тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиёт, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, конструктив мулоқотни кенгайтириш, шунингдек, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат ҳавфсизлиги муаммоси, қашшоқликка барҳам бериш ва камбағалликни қисқартириш масалаларини ўртага ташладики, улар бугун бутун инсониятни ўйлантирмоқда. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари муҳим масала сифатида қайд этган қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка барҳам бериш бугун барча давлатлар ва жамиятлар учун бир хил долзарблик касб этаётгани бор гап. «Фуқаролар адолатсизликдан шикоят қилиши ва улар бир минтақада бошқасидан фарқ қилиши кутилмаган нарса эмас. Ушбу муаммоларга иқтисодиёти бой мамлакатлар ҳам, ривожланган демократик давлатлар ҳам дуч келади», дейди Марказий Осиёда ислом дини тадқиқотчиси Ной Таккер Жорж Вашингтон университети қошидаги Европа, Россия ва Евроосиё

тадқиқотлари институтининг «Марказий Осиё» дастури вебсайтида босилган «Худосиз терроризм: Марказий Осиёдаги радикаллашув ва радикаллашувга қарши кураш моделларини қайта кўриб чиқиш» деб номланган тадқиқотида. Ҳақиқатдан ҳам бугун патакка тушган қуртдай инсоният хотиржамлигини кемираётган халқаро терроризм ва радикализм мотивида фақат диний ёки ирқий-этник эмас, балки иқтисодий «бўёқ»лар, яъни мўмай пул ишлашга бўлган иштиёқ кўзга бўртиброк кўриниб қолганини кўпчилик тан олмоқда.

Ной Таккер террорчилар орасига тушиб қолган, адашган минтақадорларимизнинг катта қисмини тирикчилик илинжида иш излаб хорижга чиққанлар ва тенгсизликдан аламзада бўлганлар, дея тамсиллайди. Шу маънода Президентимизнинг ушбу глобал хавф – камбағалликни қисқартириш масаласини ўртага ташлаши ва унинг ечимлари юзасидан берган таклифлари замонавий дунёни қийнаётган масала ўлароқ жаҳон афкор оммасининг эътиборини тортди, десак адашмаймиз.

Маърузада Юртбошимиз бугун бутун инсоният бошига тушган, ҳаммани бирдай хавотирга солаётган коронавирус пандемияси, унга қарши биргаликда курашиш ва касаллик тарқалишининг салбий оқибатларини енгиб ўтиш масалаларига ҳам эътибор қаратди. Ушбу офат ҳозирда инсоният олдида турган, энг биринчи ҳал этилиши зарур бўлган муаммолардан бирига айланди. Негаки, ёш, жинс, миллат ва давлат танламайдиган ушбу вируснинг тарқалиш суръати жуда тез, талофати ҳалокатли. Шу ўринда мамлакатимизда Президентимиз кўрсатмаси билан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар касаллик келтириши мумкин бўлган хавфни камайтириш имконини берганини алоҳида эътироф этиш зарур.

Президентимизнинг мазкур маърузасидан келиб чиқиб, қайд этиш керак бўлган яна бир жиҳат бор. Маълумки, давлатимиз раҳбари шу йил бошида Олий Мажлисга қилган мурожаатида 2021-2023 йиллар мобайнида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиш масаласини баён этган эди. Тан олиш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда ушбу жабҳада дадил қадамлар ташланди. Диний ва сиёсий сабаблар билан ҳибсда ушлаб турилган маҳбуслар сонининг кескин қисқариши, матбуот ва сўз эркинлигининг таъминланаётгани, эркин сайловлар йўлидаги ислохотлар шулар жумласидандир.

Сўзимизни Туркиянинг «Жумҳурият» газетасида чиққан мақола ва турк матбуоти алоҳида эътироф этган омил – буюк миллатимиз томирларида қон мисол гупириб турган, бироқ узок йиллар мустамлака жабрини тортиб, рўзгор ва маиший мавзулар тилига айланиб қолган ОНА ТИЛИМиз ҳақидаги мулоҳазалардан бошлаган эдик.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг ўз маърузасини она тилимизда баён этиши юз йиллик тарихимиздаги нафақат ижтимоий, балки чуқур сиёсий ҳодиса ҳамдир. Моҳият-эътибори билан бу ҳаракат чин маънодаги миллий давлат барпо этиш йўлидаги шахд ортга қайтмас эканини кўрсатади. Бу эса давлатимиз ва миллатимизнинг тожи, энг олий нишони бўлган она тилимизнинг қадрини янада баланд қилади.

Бугун миллат учун тарихий кун. Чунки кўп баёларни бошидан ўтказган, камситилган, хўрланган, буюк Навоий, Темур, Жалолиддин-у Бобурларни «эркалаб», «суяб» улғайтирган тилимиз яна ўз шавкатини тикламоқда. Ўзбек қайта дунёга келмоқда, янги Ўзбекистон дунё сахнасидаги ўз ўрнини эгалламоқда!

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Исмоил САИФНАЗАРОВ*

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда учинчи Ренессанс — Уйғониш даврига асос солишда инсон капиталининг асоси — таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш стратегиясининг моҳияти таҳлил қилинган. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, рақамли иқтисодиётни шакллантириш режаларини амалга ошириш учун мактабгача таълим, умумтаълим ва олий таълимнинг ўрни, ўқитувчиларнинг малакаси ва мавқеини ошириш, замонавий, юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг муҳимлиги асосланган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс, таълим, инсон капитали, ахборот-коммуникация технологиялари, ўқитувчилар.

Кейинги йилларда мамлакатимиз тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ана шу босқичда: “Халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда”¹, деб алоҳида таъкидлади.

Яхши маълумки, Ренессанс, яъни Уйғониш атмаси илм-фан, маданият, санъат ва адабиётнинг жадал ривожланиши даврига нисбат берилишидир. Агар Биринчи Ренессанс Европада XIV асрда бошланиб, XVI асрда чўққисига қўтарилган бўлса, Шарқда илк Ўрта асрлар Уйғониш даври номини олган илмий ва маданий тараққиёт VIII-IX асрлардаёқ ўз оламшумул кашфиётлари билан оламни ўзгартирган эди. Ана шу инқилобий юксалиш асосчилари буюк алломаларимиз Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий ва бошқа алломаларимиз билан ҳақли равишда фахрлана оламиз.

Давлатимиз раҳбари ҳақли равишда Шарқда иккинчи Уйғониш даврини ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат бошлаб берганлигини, бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али

Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиққанлигини кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессансга демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали пойдевор қўйилиши мақсад қилиб қўйилди. Президентимиз, “Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз”², дея алоҳида уқтирди.

Жаҳон олимлари томонидан ҳам ана шу фикр инсон капитали назарияси орқали асослаб берилган. Америкалик иқтисодчи олим Стэнли Фишер таърифа қўра, “Инсон капитали одамда даромад келтириш қобилиятида мужассамлашган мезондир. Инсон капитали туғма қобилият ва истеъдодни, шунингдек таълим ва эгалланган малакани қамраб олади”³.

Тадқиқотлар натижасида ҳозирги пайтда жаҳоннинг жами бойлиги 550 триллион долларга тенглиги аниқланган. Бунда ер юзи аҳолиси жон бошига тўғри

* Исмоил Саифназаров — фалсафа фанлари доктори, профессор.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // ЎзА, 2020 йил 31 август.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // ЎзА, 2020 йил 30 сентябрь.

³ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономическая теория. — М., Юнити, 2002.

келадиган бойлик 90 миллион долларни ташкил этиши кўрсатилади. Бу бойликнинг 55 миллиони инсон капитали, 18 миллион доллари табиий ва 17 миллиони жисмоний бойликка тўғри келади⁴.

Кейинги йилларда юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда. Зеро, жамият тараққиёти, миллий фаровонлик ҳамиша ёш авлоднинг таълим-тарбияси, замонавий билимларни чуқур эгаллаган янги кадрлар, уларнинг юксак малакаси билан боғлиқ бўлиб келган.

Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий талабларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари ҳамда “Мақтабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Замонавий мақтаб”ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва бошқа қарорлари мазкур соҳадаги ислохотларнинг янги босқичининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўйди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ҳамда олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари қабул қилинди.

Таълимнинг юқори сифатини таъминлашда давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида нодавлат таълим хизматлари кўрсатишни лицензия асосида амалга ошириш тартиби жорий қилинди.

Кейинги тўрт йил ичида республикада боғчалар сони 3 баробарга – 5200 тадан 14200 тага ошиб, болаларни қамраб олиш даражаси 28 фоиздан 54 фоизга етди. Мақтабгача таълим соҳасига давлат-хусусий шериклик механизми жорий этилиши туфайли

223 мингдан ортиқ ўринга эга бўлган 7400 та хусусий боғча ташкил қилинди. Бу мақсадлар учун 1 триллион 850 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилди.

Ота-оналар, жамоатчиликнинг истаклари инобатга олиниб, юртимизда 11 йиллик мақтаб таълими тизими тикланди. Сўнгги уч йилда юртимизда 157 та умумтаълим мақтаби янгидан қурилди. Коллежлар негизида профессионал таълим муассасаларининг янги тармоғи шакллантирилди. Ушбу муассасаларда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлана бошланди. Ўқитиш муддатлари зарур билим, малака ва қўникмаларнинг мураккаблигига қараб турлича белгиланди.

Мамлакатимизда Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаси шаклидаги Президент мақтаблари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузурида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мақтаб, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мақтаб-интернати ва Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мақтаб-интернати, Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий органлари ҳузурида Абдулла Орипов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Муҳаммад Юсуф, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Ризо Эрнотбек ўғли Оғахий, Ҳалима Худойбердиева ва Абдулла Қодирий номидаги ижод мақтаблари, шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Исҳоқхон Иброт номидаги ижод мақтаби ташкил этилди.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш, ахборот-коммуникация технологияларини барча соҳаларга кенг татбиқ этиш стратегик режаларини муваффақиятли амалга ошириш учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга пухта замин тайёрланмоқда. 2020 йилда – 14 та, 2021 йилда – 82 та, 2022 йилда – 64 та, 2023 йилда эса 45 та ахборот технологиясига ихтисослашган мақтабларнинг ташкил этилиши ана шу мақсадларга йўналтирилган.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш, ёш истеъдодларни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлаш ва нашр этишдаги муаммоларни бартараф қилиш ишларини сифат

⁴ Корчагин Ю. Человеческий капитал как фактор роста и развития: Монография. — Воронеж: ЦИРЭ, 2016.

жиҳатидан янги босқичга кўтариш, шунингдек, умумтаълим муассасалари фаолиятини бошқариш ва ташкил этишнинг махсус тизими – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги тузилди.

Мамлакатимизда сўнгги икки йил ичида 556 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 77 та янги мактаб қурилди, 1930 та мактабда қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Шу билан бирга келгуси икки йил давомида мактабларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш харажатларини 2 баробар ошириш, уларни замонавий жиҳозлар ва кўргазма қуроллари билан тўлиқ таъминлаш белгилаб берилди.

2030 йилга бориб ўқувчиларнинг таълим даражасини аниқлаш бўйича халқаро дастур (PISA) рейтингда Ўзбекистоннинг жаҳондаги етакчи 30 та мамлакат қаторидан жой эгаллаши мақсад қилиб қўйилган.

Кейинги тўрт йилда мактаб ўқитувчиларининг ойлик маоши бир ярим баробар кўпайтирилди. Узоқ туманларга бориб ишлаётган педагог кадрлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича аниқ мезонлар белгиланди. Уларга 50 фоизгача қўшимча ойлик устамалар тўланмоқда. Бу олис ҳудудларда етишмаётган мингдан зиёд ўқитувчини жалб этиш имконини берди. 2020 йил 1 октябрдан бошлаб эса 242 минг нафар синф раҳбари учун қўшимча тўлов миқдори бир ярим баробар оширилди. Мазкур мақсадлар учун йилига 400 миллиард сўмдан зиёд қўшимча маблағ йўналтирилади.

Таълим-тарбия ишларини самарали олиб боришда эркак ўқитувчиларнинг алоҳида ўрни ва таъсири борлиги ҳисобга олиниб, қўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида халқ таълими тизимига 12 минг нафардан ортиқ эркак ўқитувчи қайтди. Нафақа ёшида фаолиятини давом эттираётган ўқитувчиларга пенсияси тўлиқ миқдорда берилмоқда. Узоқ қишлоқлардаги мактабларга ўқитувчиларни жалб этишни янада рағбатлантириш учун уларга уй-жойлар, автотранспорт учун кредитлар бериш амалиёти жорий қилинди. Ўқитувчи тайёрлайдиган ҳисобот-

лар, қоғозбозликлар сони кескин камайтирилди.

Шу билан бирга Президентимиз мамлакатимиз тараққиёти нуқтаи назаридан ўқитувчи ва муаллимларнинг ҳаётимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш мақсадида уларнинг мақомини қонун даражасида белгилашни таклиф қилди. Ушбу қонунда ёшларга таълим ва тарбия бериш жараёнида ўқитувчилар ўзларининг салоҳиятини тўлиқ намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий, ҳукукий, моддий қўллаб-қувватлаш чоралари кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилади.

Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони кескин ортмоқда. Сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда 47 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, олий ўқув юр்தларининг сони 125 тага етди. Натижада мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан 2020 йилда 25 фоизга етди. Университетлар ва институтлар профессор-ўқитувчиларининг хориждаги олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот масканларида малака ошириши ва амалиёт ўташини таъминлайдиган механизмнинг яратилиши замонавий юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бу йил биринчи марта абитуриентларга тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси ҳамда фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган бештагача бакалаврият таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш ҳукуқи берилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига эга бўлган хотин-қизлар учун бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча 4 фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилди⁵.

Мамлакатимизнинг порлоқ келажаги, равнақи ва барқарорлиги, дунё давлатлари ўртасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши энг замонавий инновацион билимларни эгаллаган, инсон капитали юқори бўлган мутахассисларга боғлиқдир. Бевосита улар юртимизда Учинчи Ренессанс шаклланишини таъминлайди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги қарори // ЎЗА, 2020 13 июнь.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Камила ОЛИМОВА*

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган ислохотлар, мазкур ислохотларнинг мантикий давоми сифатида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ҳамда бу соҳада қонунчиликдаги муҳим ўзгартиришлар ҳақида фикр юритилган. Муаллиф томонидан судьялар ҳамжамияти атамаси юзасидан фикрлар билдирилиб, МДҲ давлатларининг бу борадаги тажрибаси баён этилган.

Калит сўзлар: Миллий стратегия, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, Ҳаракатлар стратегияси, Судьялар олий кенгаши, судьялар ҳамжамияти, Судьялар конференциялари.

Resume. The article examines the reforms aimed at ensuring human rights in the country, the role of the National Strategy of the Republic of Uzbekistan in the field of human rights protection as a logical continuation of these reforms, as well as important changes in legislation in this area. The author draws some conclusions about the term «judicial community» and examines the experience of the CIS countries in this area.

Key words: national strategy, international human rights standards, human rights and freedoms, strategy of action, high judicial council, judicial community, conferences of judges.

Аннотация. В статье рассмотрены реформы, направленные на обеспечение прав человека в стране, роль Национальной стратегии Республики Узбекистан в области защиты прав человека как логического продолжения этих реформ, а также важные изменения в законодательстве в этой сфере. Автором делаются некоторые выводы по поводу термина «судейское сообщество» и рассматривается опыт стран СНГ в данной сфере.

Ключевые слова: национальная стратегия, международные стандарты по правам человека, права и свободы человека, стратегия действий, высший судебный совет, судейское сообщество, конференции судей.

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилот-

лар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, улар-

* Камила Олимова – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг бош мутахассиси, юридик фанлар номзоди.

нинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Бундан ташқари, миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг мантикий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг 268-бандида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси (кейинги ўринларда – Миллий стратегия)ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси белгиланди¹.

Мазкур вазифани бажаришга асосий масъул идора сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ қатор ташкилотлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда Миллий стратегияни ишлаб чиқишда жонбозлик кўрсатди.

Миллий стратегия лойиҳаси жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинди. Жорий йилнинг 13 май куни Миллий стратегия лойиҳасининг видеоконференцалоқа шаклидаги халқаро муҳокамаси бўлиб ўтди. Миллий стратегия лойиҳасига жамоатчилик муҳокамаси доирасида 30 дан ортиқ миллий электрон сайтларда, 10 дан ортиқ хорижий сайтларда ижобий муносабатлар билдирилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги мазкур соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланиши, юртимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада

ошириш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинглар ва индекслардаги мавқеини яхшилашга тўсқинлик қилиб келаётган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2020 йилнинг 22 июнь куни “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармоннинг² имзола-ниши юқорида келтирилган барча муаммолар ечимини таъминлаш баробарида Давлат дастурининг тегишли банди ижросини ҳам амалга оширди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2018 – 2020 йиллар давомида мамлакатимизда давлат ва жамият соҳасидаги муҳим ислохотларни амалга оширишга қаратилган қатор стратегиялар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, 2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси, Ядро-энергетика дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш стратегияси, 2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси, 2019 – 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси, Ўзбекистон Республикасида узоқ муддатли истикболга мўлжалланган йўл қурилишини ривожлантириш стратегияси, Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси шулар жумласидандир.

Бироқ Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг юқоридаги стратегиялардан фарқи ундаги масалаларнинг кенг қамровли, узоқ муддатли ва ўта муҳимлиги билан изоҳланади. Зеро, инсон ҳуқуқлари олий қадрият саналар экан, инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон; 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й., 06/20/6012/0953-сон.

хурмат муносабатининг шаклланишида, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишида ушбу Миллий стратегиянинг алоҳида ўрни ва роли мавжуд.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши:

- ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига;
- мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига;
- Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади.

Миллий стратегияда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинг ва индекслар бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Миллий стратегия:

- Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш;
- 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси** ижросини таъминлаш;
- шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги **Олий Мажлисга Мурожаатномаси**да белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

“Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармон билан мазкур Миллий стратегияни амалга ошириш бўйича 78 банддан иборат “Йўл харитаси” тасдиқланди. Йўл харитасида тадбирларнинг номланиши, уларни амалга ошириш шакли, аниқ муддати, масъул ижрочилар ҳамда кутилаётган натижалар, яъни индикаторлар аниқ белгилаб берилди.

Йўл харитаси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- Шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги устувор йўналишлар.
- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳамда барқарор ривожланиш соҳасидаги устувор йўналишлар.
- Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш ҳамда мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлар.
- Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, жумладан бу борада ахборот тарқатиш, таълим бериш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича устувор йўналишлар.
- Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар, хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар.

Миллий стратегия ўзида **7 та янги таҳрирдаги муҳим Кодексларни** ишлаб чиқишни назарда тутди. Улар қуйидагилар: Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекс, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Уй-жой кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят-ижроия кодекси.

Шунингдек, муқаддам мавжуд бўлмаган **6 та янги кодекс ишлаб чиқиш** ўз ифодасини топган. Булар: Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс, Тадбиркорлик кодекси, Соғлиқни сақлаш кодекси, Экология кодекси, Ахборот кодекси ва Ахлоқ кодекси.

Миллий стратегияда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ва “Таълим тўғрисида”ги қонунларнинг янги таҳририни ишлаб чиқиш, “Жамоатчилик назорати тўғрисида” ва “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларга ўзгартишлар киритиш белгиланган. Шунингдек “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида оммавий тадбирлар тўғрисида”, “Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида”, “Тенг муомала

килиш ва камситмаслик тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида”, “Бепул юридик ёрдам тўғрисида”, “Хусусийлаштириш тўғрисида”, “Ижтимоий тадбиркорлик асослари тўғрисида”, “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”, “Меҳнат миграцияси тўғрисида”, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”, “Ижтимоий суғурта тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси тўғрисида” ҳамда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам назарда тутилган.

Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш мақсадида “Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш, унинг субъектлари доирасини кенгайтириш мақсадида “Конституциявий суд тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳам мазкур Миллий стратегияда ўз ифодасини топган.

Миллий стратегияда жами **31 та қонун лойиҳалари** назарда тутилган.

Шу ўринда Миллий стратегия билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 40-бандида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича белгиланган чора-тадбирларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Йўл харитасининг ушбу бандида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, лойиҳада судьялар ҳамжамияти тушунчаси, судьялар ҳамжамияти органларининг суд тизимидаги ўрни; судьялар ҳамжамияти органларининг вазифалари, функциялари ва ваколатлари; судьялар ҳамжамияти органларини шакллантириш, шу жумладан ушбу органларга номзод кўрсатиш тартиби; судьялар ҳамжамияти органларининг суд

ҳокимияти мустақиллигини таъминлашдаги роли назарда тутилиши белгиланди.

Бизга маълумки, 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга қўмаклашиши қайд этилган³. Бироқ мазкур қонунда судьялар ҳамжамияти қандай органилиги, унинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми, тузилиши, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вазифалари, функциялари ва ваколатлари нималардан иборат бўлиши мавҳум бўлиб қолган. Қолаверса, мазкур қонунда “Судьялар ҳамжамияти” атамаси фақатгина бир мартаба ишлатилган (2-моддада). Шунингдек, ушбу атама Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонунда умуман ишлатилмаган⁴.

Хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси шуни кўрсатадики, аксарият давлатларда судьялар ҳамжамияти, унинг органлари фаолияти алоҳида қонун билан тартибга солинади. Масалан, Россия Федерациясида 2002 йил 14 март куни “Россия Федерациясида суд ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги Федерал қонун қабул қилинган бўлиб, ушбу қонунда суд ҳамжамияти ҳақида тушунча берилган. Унга кўра, Россия Федерациясида суд ҳамжамияти барча турдаги ва даражадаги федерал судларнинг судьялари, Россия Федерациясининг суд тизимини ташкил этувчи Россия Федерациясининг субъектлари судларининг судьялари томонидан ташкил этилиши, судьялар ҳамжамияти органлари суд ҳокимиятининг таркибий қисми сифатида судьяларнинг манфаатларини ифода этиш учун федерал конституциявий қонунлар ва федерал қонунларга мувофиқ шакллантирилиши ва фаолият юритиши белгилаб қўйилган⁵.

Қозоғистон Республикасининг 2000 йил 25 декабрдаги “Қозоғистон Республикаси суд тизими ва судьяларининг мақоми тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 37-моддасида судья-

³ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-427-сонли қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/68532>.

⁵ Федеральный закон от 14.03.2002 N 30-ФЗ (ред. от 20.07.2020) “Об органах судебской системы в Российской Федерации” // <http://www.consultant.ru>.

лар ҳамжамиятининг умумий манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш мақсадида судьялар жамоат бирлашмаларини тузиш ҳуқуқига эга эканликлари назарда тутилган. Мазкур конунга кўра, суд уюшмалари, зарурат бўлганда, қонунда белгиланган тартибда ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилади ҳамда одил судловни амалга оширишга таъсир ўтказишга ҳақли эмас ва сиёсий мақсадларни кўзламаслиги керак⁶.

Юридик адабиётларда ҳам судьялар ҳамжамияти органи ҳақида фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Хусусан, судьялар ҳамжамиятининг органи бу махсус мақомга эга бўлган давлат органи ҳисобланиши, суд ҳамжамияти органи суд ҳокимиятининг ташкилий-бошқарув аппарати тизими ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириши, улар суд бошқарувининг ички тизимидаги бошқа субъектлари билан бирлашган ҳолда судлар олдидаги судлар мустақиллигини таъминлаш ва судларни бошқаришга оид умумий вазифаларни ҳал қилиши ҳақида фикрлар илгари сурилади⁷.

Ҳуқуқшунос олим Ж.Абдурахмонхўжаев ўз тадқиқот ишида судьялар ҳамжамиятига аниқ таъриф бериб ўтмаган бўлса-да, бироқ унинг куйидаги фикридан судьялар ҳамжамияти органи сифатида Ўзбекистон Судьялари ассоциациясини эътироф этгани англашилади: “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, раис ўринбосари, Олий суди раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари ҳамда бошқа куйи судлар раислари ва раис ўринбосарлигига энг муносиб номзодларни Судьялар олий Кенгашига кўрсатишда судьялар ҳамжамияти органи сифатида Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси, тегишли малака ҳайъатлари ва Ўзбекистон Адвокатлар палатаси

иштирокига оид тартиб-таомилларни қонун даражасида мустаҳкамлаш зарурияти изоҳланди”⁸.

Суд ҳамжамияти органи жамоат ташкилоти (фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси) эмас. Чунки судьяларнинг ушбу ҳамжамиятга аъзолиги ихтиёрийликка асосланмаган. Суд ҳамжамиятига аъзо бўлиш шахснинг судья лавозимида тайинланиши факти билан белгиланади ва қасамёд қабул қилинган пайтдан бошлаб, судья автоматик равишда ушбу ҳамжамиятга аъзо бўлади.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, судьялар ҳамжамиятининг олий органи **Судьялар конференциялари** ҳисобланади ва суд ҳамжамияти фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади, қонунда белгиланган судьяларнинг малака ҳайъатлари ва имтиҳон комиссиялари ваколатларига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

Судьялар конференциялари (айрим давлатларда Судьялар Конгресси деб ҳам юритилади) Судьяларнинг ахлоқ кодексини ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

Судьялар конференциялари (Судьялар конгресси) қарорлари кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Бир сўз билан айтганда, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида назарда тутилган масалалар, улар қайси соҳага тааллуқли бўлмасин, пировардида халқаро ҳуқуқ нормалари асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутати. Ўзининг аҳамияти ва салмоғи билан Миллий стратегия Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси каби муҳим тарихий ҳужжатдир.

⁶ Конституционный закон Республики Казахстан от 25 декабря 2000 года № 132-III “О судебной системе и статусе судей Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.02.2019 г.) // https://online.zakon.kz/document/?doc_id=1021164#pos=10;-196

⁷ Бурдина Е.В. Правовая природа, организация и деятельность органов судебной системы в судебной системе России // Дисс. соиск. учен. степ. доктора юрид. наук. -Москва. 2016. -132, 150 с.

⁸ Абдурахмонхўжаев Ж.Х. Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантиришни такомиллаштириш ва улар мустақиллигини таъминлаш //Юрид. фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер.автореферати. – Тошкент, 2018. – 19 б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ИНСТИТУТИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Асқар ҒАФУРОВ*

Аннотация. Мақолада “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан конституциявий назоратни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Конституциявий шикоят институтини жорий қилиш, фуқаролар ва юридик шахсларга Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш масалалари атрофлича кўриб чиқилган. Муаллиф конституциявий шикоят институтини жорий қилиш борасида хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилган, шунингдек конституциявий шикоятни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтган. Хусусан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари муайян ишда қўлланилган қонун билан бўзилган ва бу масала суд томонидан кўриб чиқилган ҳолларда конституциявий шикоятни амалга ошириш тўғрисида таклиф берилган.

Калит сўзлар: конституциявий назорат, конституциявий шикоят, фуқаролар мурожаатларининг мақбуллиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди.

Abstract. The article analyzes the issues of improving constitutional control in connection with the upcoming adoption of the law "The Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan" in a new edition. The issues of introducing the institution of constitutional complaint, granting citizens and legal entities the right to apply to the Constitutional Court were considered. The author claims that when introducing a constitutional complaint, the analysis of the experience of foreign countries is especially relevant. The article describes the features of the application of a constitutional complaint. In particular, it is proposed that the appeal of citizens is permissible provided that the constitutional rights of citizens are violated by the law, which is applied in a specific case, the consideration of which in court has been completed.

Key words: constitutional control, constitutional complaint, admissibility of citizens' appeals, the Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan.

Аннотация. В статье анализируются вопросы совершенствования конституционного контроля в связи с предстоящим принятием закона «О Конституционном суде Республики Узбекистан» в новой редакции. Рассмотрены вопросы внедрения института конституционной жалобы, предоставления гражданам и юридическим лицам право обращаться в Конституционный суд. Автор анализирует опыт зарубежных стран по внедрению института конституционной жалобы. Описываются особенности применения конституционной жалобы. В частности, предлагается, что обращение граждан допустимо при условии, если конституционные права граждан нарушаются законом, который применён в конкретном деле, рассмотрение которого в суде завершено.

Ключевые слова: конституционный контроль, конституционная жалоба, допустимость обращений граждан, Конституционный суд Республики Узбекистан.

* Асқар Ғафуров – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва конституциявий қонунийликни мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди алоҳида ўрин тутди. Зеро, академик А.Х.Саидов таъкидлаганидек, “Замонавий давлат ва жамиятда инсон ҳуқуқларини судлов йўли билан ҳимоя қилишнинг энг самарали институти конституциявий одил судлов ҳисобланади”¹.

Маълумки, Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи суд ҳокимияти органидир. Унинг вазифаси қонунлар ва Олий Мажлис палаталари қарорларининг, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

2017 йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун қабул қилинган эди. Мазкур қонунда Конституциявий суднинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ролини кучайтиришга қаратилган муҳим нормалар ўз аксини топган. Жумладан, Конституциявий судга конституциявий қонунлар, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланганига қадар ўрганиш каби янги ваколатлар юклатилди. Конституциявий судга кўриб чиқиш учун масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) киритилди. Бу янгиликлар конституциявий назоратни такомиллаштириш ва Конституциявий суд томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини кучайтиришга қаратилган.

Шу билан бирга, мамлакатимизда конституциявий назоратни янада такомиллаштиришни тақозо қилувчи, ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Бугунги кунда конституциявий назорат институти самарали дейиш қийин. Хусусан, конституциявий назорат субъектларининг фаол эмаслиги, конституциявий назоратни амалга оширишнинг ҳуқуқий ме-

ханизмлари етарлича тартибга солилмаганлиги, конституциявий шикоят институтининг мавжуд эмаслиги конституциявий одил судловнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида: “Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур. Бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, кадр-киммати, мол-мулкнинг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради,”² – деб таъкидлаган эди.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 22-бандида конституциявий назоратни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Чунончи, қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш, унинг субъектлари доирасини кенгайтириш, Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига фуқаролар ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини киритиш назарда тутилган.

Ҳозирги кунда Давлат дастури ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳасининг муҳим янгилиги конституциявий шикоят институтининг киритилиши бўлди. Яъни фуқаролар Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари Конституцияга зид бўлган

¹ Саидов А.Х. «Контроль за конституционностью нормативно-правовых актов законодательной и исполнительной власти – важный механизм защиты прав и свобод человека» // Ҳокимият тармоқларининг бўлиниш принципини амалга ошириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда конституциявий суднинг роли: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Baktria press, 2016. – 37-бет.

² Мирзиёев Ш.М. “Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир” / <https://uz.uz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019>.

қонун ҳужжатлари билан бузилган ҳолларда бевосита Конституциявий судга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини Конституция нормаларига зид бўлган қонун ҳужжатлари билан бузилган деб ҳисоблаганда бевосита Конституциявий судга қилган мурожаати адабиётларда “конституциявий шикоят” деб юритилади.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш фуқароларнинг конституциявий одил судловга бўлган ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига боғлиқ. Хорижий мамлакатлар конституциявий судларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, конституциявий шикоят институти фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқароларнинг конституциявий одил судловга бўлган ҳуқуқлари билвосита таъминланган. Яъни фуқаролар Конституциявий судга масала киритишга ваколатли бўлган субъектларга мурожаат қилиш орқали ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини талаб қилишлари мумкин. Шунингдек, фуқаронинг мурожаатида келтирилган вазият билан камида уч нафар Конституциявий суд судьяси келишса, судьялар ташаббуси билан ушбу масала суд мажлисида қўриб чиқилади.

Конституциявий судга мурожаат қилишнинг пировард мақсади қонунни Конституцияга мувофиқ эмас деб топишдан иборат. Конституциявий шикоят институтининг мазмуни ва моҳияти фуқаронинг конституциявий назорат органига ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлигини текшириш талаби билан мурожаат қилишдан иборат. Шикоят предмети у ёки бу давлат органи ёки мансабдор шахснинг ҳатти-ҳаракати эмас, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Конституциявий судда конституциявий шикоят доирасида ўрганилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция принциплари ва нормаларига мувофиқлиги нуктаи назаридан текширилади. Демак, муайян ишда қўлланилган қонун ёки унинг бир қисми конституциявийлигини текшириш тўғрисидаги фуқаро ёки юридик шахснинг талаби шикоят предмети ҳисобланади. Мурожаатчининг қонун ҳужжати Конституцияга зидлиги бўйича ноаниқлик мавжудлиги тўғрисидаги фикри конституциявий шикоятга асос бўлади.

Конституциявий шикоятни қўриб чиқиш бўйича конституциявий судлов ишини юритишда тарафлар – фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларини бузаётган

қонуннинг ижросини таъминлаш учун масъул бўлган давлат органи тимсолида давлат ҳамда фуқаро бўлиши мумкин.

Конституциявий суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади. Тарафлар қўриб чиқилаётган иш юзасидан далиллар тақдим этиш, илтимосномалар баён этиш, фикрлар билдириш, ўз нуктаи назарини ҳимоя қилиш бўйича тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиши белгилаб қўйилган.

Шундай қилиб, фуқаролар ўзларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари Конституцияга зид бўлган қонун билан бузилган тақдирда қонуннинг конституциявийлигини текширишни талаб қилиш ва бу талаб асосли деб топилганда қонун ҳужжатини бекор қилишга эришиш имкониятига эга бўладилар.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, конституциявий шикоят институти мавжуд бўлмаган конституциявий назорат тизими самарали бўла олмайди. Россиялик олим В.А.Кряжковнинг фикрича, «Бундай тартибнинг мавжудлиги кўп жиҳатдан Конституциявий суд мавжудлигининг моҳиятини белгилайди, ва аксинча, унинг йўқлиги конституциявий одил судловни сезиларли даражада қадрсизлантирган бўлар эди»³.

Ривожланган демократик давлатлар конституциявий одил судлов тизимида конституциявий шикоят институти фуқаролар конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳим бир кафолати сифатида намоён бўлади ҳамда конституциявий одил судловга бўлган ҳуқуқни амалга ошириш воситаси ҳисобланади.

Конституциявий назорат институти мавжуд бўлган аксарият давлатларда фуқаролар ва юридик шахсларга ўз конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Германия, Испания, Польша ва Россия каби давлатларда фуқаролар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини текширишни сўраб Конституциявий судга шикоят қилиши мумкин. Масалан, Германияда “ҳар бир фуқаро – ҳуқуқмат унинг асосий ҳуқуқларининг камситилганлиги тўғрисида ваколатли судларга қилган мурожаати беҳуда кетганидан сўнг – мазкур судга конституциявий шикоят билан чиқиш ҳуқуқига эга”⁴.

Бельгия Конституциявий суди судьяси Жан-Поль Моэрманнинг таъкидлашича, Конституциявий суд томонидан амалга ошириладиган назоратнинг ак-

³ Кряжков В.А. «Российская модель конституционной жалобы». Конституционное и муниципальное право. 2012. №5, с.65-71. С.71.

⁴ Саидов А.Х. “ГФР Асосий Қонунининг ғоявий қадриятлари ва анъаналари”. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. №2 (82) 2019. Б.20-30, Б.26.

сарияти фуқароларнинг фундаментал ҳуқуқларига риоя қилиш масаласига тааллуқли⁵.

“Индивидуал мурожаатлар механизми ҳуқуқий тизимимизга киритилгандан сўнг, – деб таъкидлайди Туркия Конституциявий суди раиси Зухту Арслан, – конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишда янги давр бошланди. Конституциявий суд 2012 йил 23 сентябрдан бошлаб индивидуал мурожаатлар қабул қилиш бошланганидан сўнг инсон ҳуқуқлари бузилиши юзасидан 2450 та қарор чиқарган”⁶.

Германия, Испания, Бельгия, Венгрия, Россия, Корея ва Туркия каби давлатларда конституциявий судлар томонидан кўриб чиқилган ишларнинг аксарият қисми конституциявий шикоятлар асосида кўрилади. Масалан, Германия Федерал Конституциявий судида кўрилган ишларнинг қарийб 96 фоизини фуқароларнинг конституциявий шикоятлари ташкил қилади⁷. Бу, ўз навбатида, конституциявий шикоятларни “филтрлаш” тартибини ишлаб чиқишга олиб келган. Кўп давлатларнинг конституциявий судлари амалиётида фуқаро Конституциявий судга мурожаат қилишдан олдин ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин бўлган қонунда белгиланган барча ҳуқуқий механизмлардан фойдаланган бўлиши талаб этилади. Масалан, Литвада Конституциявий судга мурожаат қилишнинг муҳим шартларидан бири – шахс ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг барча ҳуқуқий воситаларидан фойдаланган бўлиши кераклигидир⁸.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқсак, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини Конституциявий судда дастлабки тарзда кўриб чиқиш тартибини жорий қилиш ва бундай тартиб қонунда аниқ ўз ифодасини топган бўлиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, конституциявий шикоятнинг мақбуллиги мезонлари аниқ белгиланиши зарур.

Айрим давлатларда барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича эмас, балки фақат қонунларнинг конституциявийлиги юзасидан конституциявий шикоят бериш тартиби жорий этилган. Жумладан, Украина ва Россия Конституциявий судида конституциявий шикоят институти айнан шу тартибга асосланади.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоят муайян ишда қўлланилган қонунларнинг конституциявийлигини аниқлаш юзасидан бўлиши лозим. Бунда қонун фуқаро ёки юридик шахснинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётганини ҳамда муайян ишда қўлланилган ва ишнинг судда кўриб чиқиши тугалланган бўлишини эътиборга олиш лозим. Судда ишнинг кўриб чиқилганлиги фуқаро томонидан Конституциявий судга мурожаат қилгунга қадар барча ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланганлигини билдиради.

Конституциявий шикоят институтини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, айниқса, Европа ва МДХ давлатларининг бу борадаги тажрибасини ўрганиш Ўзбекистонда конституциявий шикоят институтини жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши қўйидаги омиллар билан аҳамиятлидир, деган хулосага келиш мумкин:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади;

иккинчидан, конституциявий одил судлов органининг фаоллашуви ва самарадорлиги ошади;

учинчидан, қонун ҳужжатларининг Конституцияга тўлиқ мувофиқлиги ва Конституция устуворлиги принципи амалда реал таъминланади;

тўртинчидан, фуқароларнинг конституциявий одил судловга бўлган ҳуқуқларининг таъминланиши орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини яхшилашга эришилади.

⁵ Жан-Поль Моэрман. «Опыт Конституционного суда Бельги как органа судебной власти» // Ҳокимият тармоқларининг бўлиниш принципини амалга ошириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда конституциявий суднинг роли: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Baktria press, 2016. – 49-бет.

⁶ Зухту Арслан. “Роль конституционных судов в поддержании демократического правового государства: на примере Турции” // Роль и значение конституции в построении демократического правового государства: материалы международной научно-практической конференции, 30 ноября – 1 декабрь 2017 года. – Т.: Baktria press, 2018. С.51-56, С.52.

⁷ ГФР Федерал Конституциявий судининг расмий веб-сайти: https://www.bundesverfassungsgericht.de/DE/Verfahren/Jahresstatistiken/2019/statistik_2019_node.html.

⁸ Aušra Kargaudienė. «Individual Constitutional complaint in Lithuania: Conception and the legal issues». Baltic Journal of Law & Politics. Volume 4, № 1 (2011). <https://content.sciendo.com/view/journals/bjlp/4/1/article-p154.xml>.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини кучайтиришга қаратилган бошқа нормалар ҳам ўз аксини топган. Чунончи, Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасига Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Бола ҳуқуқлари бўйича омбудсман киритилган. Бу, шубҳасиз, инсон ҳуқуқларини, айниқса, бола ҳуқуқларини ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янги даражага олиб чиқишга хизмат қилади.

Шу ўринда, «Бошқа давлат органлари Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкинми?» деган савол туғилади. Албатта, у ёки бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлиги тўғрисида бошқа давлат органлари ҳам ташаббус билан чиқиши мумкин. Фақат бундай ҳолда улар юқорида кўрсатилган субъектлар орқали Конституциявий судга мурожаат қилиши лозим. Масалан, ижро ҳокимияти тизимида қирадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар муайян қонун ёки қонуности ҳужжатининг конституциявийлиги тўғрисидаги масалани Вазирлар Маҳкамаси орқали Конституциявий судга киритиши мумкин.

Маълумки, Конституциявий суд сўнгги конституциявий назоратни амалга оширади. Яъни конституциявий назорат қонуний кучга кирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан амалга оширилади. 2017 йил 31 майда «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилиниши билан назоратнинг янги, дастлабки назорат тури киритилган. Бинобарин, Конституциявий судга конституциявий қонунлар, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангунига қадар ўрганиш ваколати берилган ва бу дастлабки назорат амалга оширилишини англатади.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни бир ойлик муддатда имзолаши ва эълон қилиши керак. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонунга мувофиқ суд етти кундан кечиктирмай ишни кўриб чиқишга қабул қилади ва уч ой муддат ичида кўриб чиқиб, қарор қабул қилади. Яъни Президент томонидан конституциявий қонун ёки халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонун имзоланишидан олдин

унинг конституциявийлигини текширишни сўраб Конституциявий судга мурожаат қилинган тақдирда қонунни имзолаш муддатлари бузилиши эҳтимоли юзага келади. Кўриниб турибдики, икки қонундаги муддатларни бир бирига мувофиқлаштириш талаб этилади.

Шунга қўра, Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар конституциявий қонун ва халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонуннинг конституциявийлигини текшириш тўғрисидаги сўров билан Конституциявий судга Ўзбекистон Республикаси Президенти мурожаати келиб тушганда Конституциявий суд мурожаат келиб тушган кундан бошлаб кечи билан 15 кун ичида қарор қабул қилишни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди коллегиял орган бўлиб, 7 нафар судьядан иборат. Конституциявий суд ваколатига тааллуқли масалалар барча судьяларнинг иштирокида суд мажлисида кўриб чиқилиб, ҳал қилинади. Конституциявий суд қарор қабул қилиши учун унинг мажлисида судьялар умумий сонининг камида тўртдан бир қисми иштирок этиши шарт. Конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши, судьяларнинг иш ҳажми ортисини эътиборга олиб Конституциявий суд таркибини 9 нафар судьядан иборат этиб белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда конституциявий назорат институтини такомиллаштириш бугунги кундаги ҳаётий зарурат тақозосидир. “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши, конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши, конституциявий назорат субъектлари қаторига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг киритилиши билан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги механизми жорий қилинмоқда. Бу, ўз навбатида, конституциявий назоратни кучайтириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, Конституция ва қонун устуворлиги принципини қарор топтириш, мамлакатда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлашга, конституциявий одил судловни амалга оширишни такомиллаштиришга ва пировард мақсадда фуқароларнинг Конституция билан қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Алишер САЪДУЛЛАЕВ*

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук авлод бўлиб
вояга етишлари учун яратилган шарт-шароитлар хусусида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ёшла-
римизнинг турли соҳа ва йўналишларда эришган ютуқлари ҳамда ушбу ютуқларнинг ижтимо-
ий-сиёсий ва ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ёшлар, ёшларга оид давлат сиёсати, БМТ, Ёшлар ишлари агентлиги.

Annotation. This article dedicated to the analysis of the conditions created in our country for
the formation of harmonious developed generation. It examines the achievements of youth in
different spheres and directions, as well as analyzes the socio-political and legal foundations of
these achievements.

Key words: youth, state youth policy, UN, Agency for Youth Affairs.

Аннотация. Данная статья посвящается анализу условий, созданных в нашей стране для
формирования гармонично развитого поколения. Рассматриваются достижения молодёжи в
различных сферах и направлениях, а также анализируются социально-политические и право-
вые основы этих достижений.

Ключевые слова: молодёжь, государственная молодежная политика, ООН, Агентство по
делам молодёжи.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳа-
ётнинг барча соҳаларини тубдан янгилаш ва жаҳон
тараққиёти тажрибалари асосида бойитиб боришга
қаратилган туб ислохотлар амалга оширилмоқда.
Жумладан, ёшлар масалаларига оид сиёсат давлат-
нинг бош ислохотчи сифатидаги фаолиятида алоҳи-
да аҳамият касб этмоқда. Зеро, ҳар бир мамлакат-
нинг бугунги ва эртанги тараққиёти ўсиб келаётган
ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етуклигига кўп
жиҳатдан боғлиқ.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳолининг умумий
сони 34 миллионга яқинлашиб қолган бўлса, шун-
дан, 60 фоизга яқин қисмини, яъни 18,5 миллион
нафарини ёшлар ташкил этади. Айнан мана шунинг
учун, ёшлар сиёсати мамлакат тараққиётининг да-
вомийлигини таъминлашга қаратилган барча давлат
стратегияларида намён бўлади. Бугун Ўзбекистонда
ёшлар ўз мақсадларини ҳаётга татбиқ этишлари, таъ-
лим, спорт каби бир қатор соҳаларда ўз имкониятла-
рини намён қилишлари учун босқичма-босқич, ти-
зимли равишда барча шароитлар яратиб берилмоқда.

Ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида
эътибор қаратилиши жаҳонда кечаётган глобалла-
шув, интеграциялашув, ахборотлашув ва универ-
саллашув жараёнларининг жадаллашуви, ижтимо-
ий-иқтисодий, маънавий-маданий муносабатлар ди-
намикасига узвий боғлиқ.

Бу эса умуминсоний манфаатларни таъминлаш-
нинг ижобий тажрибаларини умумлаштириш асо-
сида миллий манфаатларни умуминсоний манфаат-
лар билан уйғунлаштириш ҳамда бу жараёни янги
босқичга олиб чиқишни долзарб муаммо сифатида
кун тартибига қўймоқда.

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўли-
дан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муай-
ян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши
ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига
бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, “2017–2021 йиллар-
да Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг
бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стра-
тегияси”да ҳам бу масала алоҳида ўз аксини топган¹.

* Алишер Саъдуллаев – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стра-
тегияси тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/3107036>.

Жумладан, мазкур ҳужжат билан ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилган:

биринчидан, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

иккинчидан, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

учинчидан, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш.

Шунингдек, мамлакатимизда ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олган бешта муҳим ташаббус амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланган. Дастурда белгиланган вазифалар ижроси доирасида Ўзбекистон ёшлари портали ташкил этилди ва унда ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индекслари ҳамда ёшларга оид қонун ҳужжатлари базаси шакллантирилди.

Айтиш ўринлики, 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишда ўзига хос бурилиш йили бўлди. Жорий йилда ёшлар муаммоларини ҳал этувчи, уларга яқиндан мадад берувчи қўллаб-қувватлов муҳим тузилмалар ташкил топди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида ҳамда Қонунчилик палатасида “Ёшлар парламент”лари фаолият бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги қарорига асосан Ёшлар ишлари агентлиги тузилди².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ёшлар ҳаёти, орзу-интилиш ва муваффақиятларини кенг ёритиш, уларни ўйлантираётган муаммолар ечимига қаратилган кўрсатув, мақола ва эшиттиришлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида ушбу йўналишда фаолият юритувчи оммавий ахборот воситалари ва нашриётлардаги улушларини Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигига бериш ҳамда Агентлик томонидан улар негизда акциядорлик жамияти шаклидаги “Yoshlar media holding”ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлар қўллаб-қувватланди³.

Ёшларнинг тарбияси, иш билан бандлиги, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ниҳоятда долзарб вазифа. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас”⁴.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда ишсиз ёшлар рўйхатлари шакллантирилиб уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган манзилли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, “Фидойи ёшлар гуруҳлари”ни тузиш орқали ишсиз ёшларни ҳақ тўланадиган жамонат ишлари ва мавсумий ишларга жалб этиш; “Ёшлар қурилиш гуруҳлари”ни ташкил этиш ва олий таълим муассасалари талабаларини ёзги таътил вақтида ҳақ тўланадиган қурилиш ишларига жалб қилиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ёшларни ёт мафкуралар, хуружлардан асраш, уларда турли ғоявий таҳдидларга қарши кўникмаларни шакллантириш

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/4880129>.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/4880189>.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. 2017 йил 15 июнь // <http://uza.uz>.

саналади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан топа олмаса, бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излай бошлайди”⁵. Мафкуравий ва ғоявий таҳдидлар ҳозирги даврда асосан глобал тармоқ – интернет тизими орқали тарқалаётганини инобатга олсак, ахборот-коммуникация воситаларидан мақсадли, тўғри ва эркин фойдаланадиган ёшларни тарбиялаш муҳимлиги ойдинлашади.

Шу мақсадда юртимизнинг барча ҳудудларида ёшларни интернетдаги зарарли хуружлардан асраш, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш масалалари бўйича илғор халқаро тажрибалар асосида Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилди.

Бу масканларда электрон тижорат ва дастурлаш бепул ўргатилмоқда, ахборот технологиялари соҳасида бизнес бўйича инновацион кўникмалар шакллантирилмоқда, “стартап” лойиҳаларга ёрдам кўрсатилмоқда. Асосий эътибор, 2021 йилгача барча мактаблардаги компьютер синфларини замонавий технологиялар ва юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, босқичма босқич амалга оширишга қаратилмоқда.

Бундан ташқари, юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Ўзбекистонда ҳозирга қадар ёшларга оид 40 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган.

2020 йил 22 июнда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиясида ҳам ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар белгиланган.

Шунингдек, ёшлар ташаббуси билан Ёшлар иттифоқи қошида 26 та нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш республика маркази, Имконияти чекланган ёшлар билан ишлаш маркази, Ёш олимлар республика кенгаши, Ёш фермерлар кенгаши, Ёшлар

туризми агентлиги, Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси, Ижодкор ёшлар республика кенгаши, Ёшлар медиа маркази, Ёшлар нашриёт уйи ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон сўнгги йилларда нафақат мамлакат миқёсида, балки умумжаҳон даражасида ҳам ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш масалаларини илгари сураётган ва бу борада муҳим ташаббуслар кўрсатаётган давлат сифатида эътироф этилмоқда. Айниқса, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида билдирилган ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенция қабул қилиш зарурлиги тўғрисидаги таклиф дунё давлатларини ёшларнинг тақдири ва келажаги борасидаги масъулиятни ўз зиммаларига олишга ундовчи ўзига хос қақирқ бўлди.

Ушбу таклиф халқаро ҳамжамият томонидан илиқ қаршиланди. Мазкур конвенция икки миллиарддан ортиқ дунё ёшларини терроризм, экстремизм каби бузғунчи ғоялардан ва таъсирлардан ҳимоя қилиши, уларга ҳар томонлама мадад бериши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев жорий йилнинг 23 сентябрь куни бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам ёшлар масаласига алоҳида тўхталиб, жаҳон давлатларини яна бир бор Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга қақирди⁶.

Хулоса қилиб айтганда, дунё ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлаётган Янги Ўзбекистонда ёшларга эътибор – давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. Давлат ва жамият ҳимоясини, ғамхўрлиги ва мададини бугунги кунда мамлакатимизда камол топаётган ҳар бир ёш ўз ҳаёти мисолида юракдан ҳис этмоқда. Бу эса ёшларнинг келажакка бўлган ишончи ортишига, ўз билим ва иқтидорини юрт раўнақи йўлида сарфлашига хизмат қилиши, бир сўз билан айтганда, Ватан тақдирини ўз тақдири деб биладиган ёш авлод вояга етишига замин ҳозирлаши шубҳасиз. Унутмайликки, бугун ёшларга яратилаётган имкониятлар, аслида, бахтли ва фаровон келажак учун қўйилаётган тамал тошидир. Шундай экан, ёшлар тарбиясига ҳар биримиз масъулмиз.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. 2017 йил 15 июнь // <http://uza.uz..>

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2020 йил 24 сентябрь.

“ЁШЛАР 2020: ГЛОБАЛ МИҚЁСДАГИ БИРДАМЛИК, БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ” МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли форум қатнашчилари!

Қадрли ёшлар!

Барчангизни – “Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида ўтказилаётган инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми қатнашчиларини қутлаш менга улкан мамнуният бағишлайди. Сиз, азизларни Халқаро ёшлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерришга мазкур форумни ўтказиш тўғрисидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлагани учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Халқаро анжуман ишида иштирок этаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Миграция бўйича халқаро ташкилот, Парламентлараро иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти вакиллари ва бошқа шерикларимизга ташаккур изҳор этаман.

Азиз дўстлар!

Маълумки, келажакка интилиб яшайдиган ёш авлод сайёрамизда фаровон ҳаёт ва юксак тараққиёт барқарор бўлиши учун янги ғоялар ва ижодий руҳдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширадиган беқиёс кучдир.

БМТнинг Ёшлар стратегиясида таъкидланганидек, “Ёшлар сиймосида энг қимматли ва ўта муҳим ресурслар муҳассам топган бўлиб, унга ҳар қанча инвестиция киритса арзийди, чунки бу сармоялар бир неча баробар зиёда бўлиб қайтади”. Мен ғоят муҳим ушбу фикрга тўлиқ қўшиламан.

Шу йилнинг бошидан буён COVID-19 пандемияси билан боғлиқ вазият глобал ҳаёт кун тартибидаги марказий масала бўлиб келмоқда. Янги коронавируснинг тарқалиши бутун дунёда жиддий иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келди. Аҳоли, биринчи галда ёшлар ана шу таҳдидларга жавобан давлатлар ҳамда халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўлланми чора-тадбирлар кўрилишини талаб этадиган кўплаб муаммоларга тўқнаш келди.

Бундай шароитда ёшларнинг овозига қулоқ тутиш жуда муҳимдир. Уларнинг долзарб эҳтиёжларини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий, минтақавий ва глобал стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда бевосита иштирок этишлари учун ёшларга имконият яратиш бериш зарур.

Бугунги мураккаб вазиятда ёш авлод вакиллари замонавий таҳдидларга, жумладан, пандемияга қарши ўзларининг истиқболли ташаббуслари ва ижтимоий лойиҳалари билан муносиб жавоб бераётгани эътиборга сазовордир. Бутун жаҳонда кўнгилли ёшлар ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашда, янги иқтисодий ва гуманитар дастурларни илгари сўришда фаол иштирок этмоқда.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Ҳозирги замонда интеллектуал ва маънавий етук, ташаббускор ёшлар барқарор тараққиётнинг драйверига айланмоқда. Бугунги кунда янги Ўзбекистон ёшлари – мамлакатни модернизация қилишга қаратилган жадал ва кенг қўламли ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва фаол иштирокчиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Аҳолисининг ярмидан зиёдини ёшлар ташкил этадиган Ўзбекистонда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Фақат кейинги йилларнинг ўзида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уйғун ривожлантиришга, ҳар бир навқирон инсон жамиятда муносиб ўрин эгаллашига қаратилган бир қатор қонунлар, Президентнинг фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари тузилди, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда “Ўзбекистон ёшлари – 2025” концепцияси ишлаб чиқилмоқда, ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолашнинг ягона мезонлари, ёшлар сиёсатини баҳолашнинг миллий индекси жорий этилмоқда.

Бугунги кунда инсоният дуч келаётган кўплаб муаммолар – тинчлик ва хавфсизликка таҳдидлар, терроризм ва экстремизм, ирқчилик, иқлим ўзгаришлари, шунингдек, COVID-19 пандемияси – ўзаро келишилган глобал ҳамкорликни ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш жараёнларига ёшларни фаол жалб қилишни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилиниши жаҳондаги икки миллиарддан ортиқ йигит ва қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. У ёш авлодни маърифий руҳда тарбиялаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади. Ушбу ташаббус халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Бугунги Форум иштирокчилари ҳам ана шу ташаббусни қўллаб-қувватлайдилар, ҳужжат лойиҳасини ўз амалий таклифлари билан бойитадилар, деб ишонаман.

Қадрли ёшлар!

Бугун ўз ишини бошлаётган Самарқанд ёшлар форуми глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқларини, тинчлик ва тараққиётни таъминлаш йўлида навқирон авлод томонидан қўйилган муҳим амалий қадам ва қимматли ҳисса бўлади, деб умид қиламан.

Форумнинг барча иштирокчиларига фаолиятлари самарали бўлишини тилайман.

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БМТ БОШ КОТИБИ АНТОНИУ ГУТЕРРИШНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА МУРОЖААТИ

Халқаро ёшлар кунида инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми иштирокчиларини қутлаганимдан бахтиёрман ва уни ташкил қилгани учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдираман.

Форумнинг “Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” деб номлангани ёшлар вакилларининг ижтимоий ҳаётда ва қарорлар қабул қилиш жараёнларида янада кенг иштирок этиши учун қўмаклашишга қаратилган.

Сиёсий жараёнларнинг адолатпарварлигини ошириш, янада сифатли ва барқарор сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда ёшлар ўртасида жамоат муассасаларига нисбатан ишонч-ни тиклаш учун бу жуда муҳимдир. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳукуматларнинг ёшларга доир сиёсатни ишлаб чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, чунки бу навқирон инсонларга ижтимоий ва сиёсий қарорлар қабул қилиш ҳамда ривожланишнинг ёшлар манфаатларини ҳам кўзда тутадиган стратегик мақсадларини белгилашда мустақил иштирок этиш имкониятини беради.

Бу йилги халқаро ёшлар куни маҳаллий, миллий ва глобал даражадаги ёшларни жалб қилишнинг муҳимлигини таъкидлайди. Навқирон инсонларнинг саъй-ҳаракатлари иқлим инқирози, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, низоларни бартараф қилиш ва ҳал этиш каби ўта муҳим глобал муаммоларга ечим топишнинг устувор омили ҳисобланади.

Шуниси эътиборга лойиқки, Хавфсизлик Кенгашининг 2535-сонли қарори (2020 йил) барча иштирокчиларни низоларни ҳал қилиш жараёнида ёшларнинг фаоллигини оширишга чақиради. Шу сабабли, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё учун профилактик дипломатия бўйича минтақавий маркази ёшлар учун семинарлар ташкил этиб келмоқда.

Бугунги дунёнинг ҳолатини кўп жиҳатдан COVID-19 инқирози белгилаб бераётган шароитда пандемия дунё талабаларининг 90 фоиздан ортиғини таълим олишдан узиб қўйди ва оқибатда таълим соҳасидаги шусиз ҳам мавжуд бўлган тенгсизлик янада қалтислашди ҳамда глобал инқироз мураккаб тус олди.

Гарчи таълим пандемиянинг яққол қурбони ҳисобланса-да, у узоқ муддатга мўлжалланган тикланиш ва барқарор ривожланишнинг калитига ҳам айланмоқда. Шу муносабат билан биз мазкур форумнинг барча иштирокчиларини ва бутун дунёдаги жами ёшларни “Келажагимизни асраб қолайлик!” номли таълим кампаниясига қўшилишга чорлаймиз.

Истиқболга назар солган ҳолда, келинг, дунёдаги барча навқирон инсонларнинг ҳуқуқлари ва орзу-умидларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш ишига содиқ бўлиб қолайлик.

ЁШЛАР КЕЛАЖАККА КАТТА ҲАВАС БИЛАН ҚАРАМОҚДА

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мишель Бачелетнинг Самарқанд форуми иштирокчиларига мурожаати

Мен Халқаро ёшлар куни илк бор нишонланганига 20 йил тўлган санада ушбу анжуманинг виртуал иштирокчиси бўлиб турганимдан жуда мамнунман. Коронавирус пандемияси ва иқлим ўзгариши – ана шу иккита ўзаро боғлиқ фалокат барқарор ривожланиш йўлидаги олға қадамларимизни сўсайтириш билан таҳдид солаётган ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўплаб муҳим мақсадларимизни хавф-хатарга қўяётган ҳозирги даврда навқирон инсонларнинг барча фаолият соҳаларида ва ижтимоий ҳаёт йўналишларида янада кенг иштирок этишини кучайтириш учун иш олиб боришимиз ҳаётий муҳим зарурат ҳисобланади.

Айнан ёшлар умуминсоний ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, барқарор ривожланишга эришиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашишнинг олдинги марраларидадир. Бутун дунёдаги ҳукуматлар бунда ёшлар фаоллигининг қадр-қимматини тан олишлари ва уларнинг афзалликларидан тўла фойдаланишга интилишлари лозим.

Мазкур Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми – минтақанинг барча навқирон инсонлари учун ўз тажрибаларини ўртоқлашишга қулай имконият бўлса, ҳукуматлар вакиллари учун ана шу ёшларни тинглаш имкониятидир. Бу барча иштирокчилар учун барқарор ривожланишга эришишда ёшларнинг ролини ошириш йўллари излаш, бунда сиёсат ёшларнинг эҳтиёжлари ва овозларини ҳисобга олишини таъминлаш имконияти ҳамдир. Мен теран, очиқ ва самарали мунозаралар учун шундай шароитни тақдим этгани учун ҳукумат вакилларига миннатдорлик билдираман.

“ЁШЛАР-2020: ГЛОБАЛ МИҚЁСДАГИ БИРДАМЛИК, БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ”

2020 йил 12-13 августда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эълон қилинган Халқаро ёшлар кунига тўғри келгани ўзига хос рамзий маъно касб этди. Зеро, халқаро анжуман ёшлар ҳуқуқларини тарғиб қилишнинг долзарб масалаларига бағишланди. Коронавирус пандемияси туфайли анъанавий Самарқанд форуми бу гал онлайн тарзда ўтказилди.

Анжуман ишида қатор нуфузли халқаро, минтақавий ва нодавлат нотижорат тузилмалар вакиллари, жумладан БМТ ва унинг агентликлари, хусусан, ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Миграция бўйича халқаро ташкилот, ЮНИСЕФ, БМТ Аҳолишунослик фонди (ЮНФПА), БМТ Тараққиёт дастури, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Парламентлараро иттифоқ, ЕХХТ, ЕХХТнинг Парламент Ассамблеяси, Европа Кенгаши, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Осиё Парламент Ассамблеяси, Африка иттифоқи, ШХТ, МДХ, Ўзбекистон Республикаси парламенти ҳузуридаги Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги, шунингдек, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 30 дан ортиқ ёшлар ташкилоти вакиллари – жами 1000 дан зиёд иштирокчи қатнашди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Ташқи ишлар вазирлиги, шунингдек, БМТнинг мамлакатимиздаги агентликлари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Фридрих Эберт жамғармаси тадбир ташкилотчилари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Келажакка интилиб яшайдиган ёш авлод сайёраимизда фаровон ҳаёт ва юксак тараққиёт барқарор бўлиши учун янги ғоялар ва ижодий руҳдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширадиган бекиёс кучдир”. Бу фикрлар давла-

тимиз раҳбарининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми иштирокчиларига йўллаган табригида янгради.

“Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусидаги форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Президентининг табригини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўқиб эшиттирди.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми иштирокчиларига мурожаатини БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича бошқармаси минтақавий вакили, БМТ Доимий вакили вазифасини бажарувчи Ашита Миттал ўқиб эшиттирди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ҳамда мартабали меҳмон Ашита Миттал форумни кириш сўзлари билан очиб бердилар.

Форумнинг биринчи ялпи мажлисида ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди. ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Жон Макгрегор ва Ташқи ишлар вазири ўринбосари Шерзод Асадов бошқарган ушбу сессияда ёшлар ҳуқуқлари соҳасидаги мавжуд халқаро-ҳуқуқий воситалар ва механизмлар кўриб чиқилди.

Анжуманнинг иккинчи ялпи мажлисида ёшлар ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш мақсадлари диққат марказида бўлди. Сессияни БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовска ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раиси Бобур Бекмуродов бошқарди.

Анжуманнинг учинчи ялпи мажлисида ёшлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича таълим масалалари муҳокама қилинди. Мазкур сессияга БМТ Аҳолишунослик фондининг (ЮНФПА) Ўзбекистондаги вакили ва Тожикистондаги ваколатхонаси раҳбари



Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги

САМАРҚАНД ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ WEB-ФОРУМИ

«ЁШЛАР 2020: ГЛОБАЛ МИҚЁСДАГИ БИРДАМЛИК, БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ»



Иштирокчилар
сони:

700+

Халқаро
ташкилотлар

50+

Халқаро давлат
органилари

20+

Минтақавий
ташкилотлар

30+

Халқаро ва миллий
НИНлар

60+

Инсон ҳуқуқлари бўйича
миллий институтлар

20+

Ёшлар
ташкилотлари

100+



Пленар
муҳокамалар:

4



15 дан
ортиқ мамлакатдан
маърузачилар



Асосий
маърузалар:

50+



Халқаро
маърузачилар:

40



Миллий
маърузачилар:

10



Муҳокама мавзулари:



ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ
БЎЙИЧА ХАЛҚАРО
КОНВЕНЦИЯ ЛОЙИҲАСИ
МУҲОКАМАСИ



ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ
ВА БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШ
МАҚСАДЛАРИ



ЁШЛАР УЧУН
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
БЎЙИЧА ТАЪЛИМ



ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ИЛГАРИ
СУРИШДА ЁШЛАРНИНГ РОЛИ:
2030 ЙИЛГАЧА ЯНАДА ХАВФСИЗРОҚ
КЕЛАЖАККА НАЗАР



ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ
ЛОЙИҲАСИНИ

Йу Йу билан Тошкент давлат юридик университети ректори Раҳим Ҳақимов модераторлик қилди.

Тўртинчи ялпи мажлис “Тинчлик ва хавфсизликни илгари суришда ёшларнинг роли: 2030 йилгача янада хавфсизроқ келажакка назар” деган мавзу муҳокамасига бағишланди. ЕХХТнинг Ёшлар ишлари бўйича маслаҳатчиси Анастасия Фуско билан Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев модераторлигида ўтган ушбу сессияда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига ҳар томонлама ёндашувни мустаҳкамлашда ёшларнинг ўрни ҳамда бунинг аҳамиятини ёритиш масалалари кўриб чиқилди.

Шундан сўнг “Ёшлар – 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқла-

ри” номли Самарқанд резолюцияси қабул қилинди. Хужжатда, ёшлар ҳуқуқлари — ҳар ким фойдаланиши зарур бўлган, аммо айримлар ёшининг кичиклиги туфайли бундай имкониятдан маҳрум этилган ҳуқуқлар экани қайд этилган.

Самарқанд резолюцияси БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий хужжати сифатида қабул қилинди.

Анжуман 100 дан ортиқ маҳаллий ва 50 дан ортиқ хорижий оммавий ахборот воситаларида, шунингдек кўплаб веб-сайтларда ҳамда “Instagram”, “Facebook”, “Linkedin”, “Twitter”, “Vkontakte” ва бошқа ижтимоий тармоқларда ёритиб борилди. Анжуман интернетда “YouTube” каналида тўғридан-тўғри намоиш этилди.

ЁШ АВЛОД САЙЁРАМИЗДА ФАРОВОН ҲАЁТ ВА ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ БАРҚАРОР БЎЛИШНИ АМАЛГА ОШИРАДИГАН БЕҚИЁС КУЧДИР

Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми тўғрисида халқаро ва минтақа ташкилотлари раҳбарларининг фикр-мулоҳазалари:

ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле:

– Инсон ҳуқуқлари, айниқса, навқирон авлод ҳуқуқлари кундалик воқеликка айланишига эришмоғимиз учун ҳали олдимизда олис йўл турибди. Ушбу ҳуқуқларни ҳаётга жорий этиш, ёшлар учун янги имкониятлар яратиш – ЮНЕСКОнинг келажак авлодга содиқлиги замирида айна шу ҳақиқатлар мужассам. Бу, биринчидан, таълим олиш орқали ёшларнинг ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиш имкониятини назарда тутди. ЮНЕСКО, сизга маълумки, ушбу ҳуқуқни, айниқса, аҳолининг заиф қатламлари – ёшлар, қизлар, аёллар, қочоқларнинг бу борадаги ҳуқуқини рағбатлантиришнинг қатъий тарафдоридир.

Навқирон инсонлар эртанги дунёда – рақамли истикболлар ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш муаммолари ҳаддан ташқари долзарблик касб этадиган дунёда эркин олға юришлари учун уларни мақбул воситалар билан таъминлаш зарур. ЮНЕСКО ушбу соҳаларда ёшларнинг зарур кўникмаларини ошириш борасида изчил иш олиб бормоқда. Шунингдек, биз ёшларнинг шунчаки томошабин эмас, балки ана шу жараёнларнинг фаол иштирокчиларига айланишлари учун бу борадаги сиёсатни ишлаб чиқишни тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Парламентлараро иттифок Бош котиби Мартин Чунгонг:

– 179 та миллий парламент аъзо бўлган Парламентлараро иттифок каби, менинг ўзим ҳам навқирон йигит ва қизларнинг шиддат-шижоатига астойдил ишонаман.

Шуни фахр билан айта оламани, ёшларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этиши бизнинг стратегик устувор мақсадларимиздан бири ҳисобланади. Бу-

гун биз инсоният тарихидаги ҳал қилувчи дамларда учрашиб турибмиз. Бу дамлар хотирамизда ҳам, шунингдек биздан кейинги кўплаб авлодлар сабоқ оладиган мактаб дарсликларида ҳам сақланиб қолади. Бизнинг мазкур виртуал шаклдаги учрашувимиз ғайриодатий давримиздан гувоҳлик бериб турибди.

Жаҳон ҳамжамияти кутилмаган муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилаётган ҳозирги даврда дунёнинг кўпроқ инновациялар, кўпроқ шиддат-шижоат ва кўпроқ ғояларга эҳтиёжи кучлидир. Ёшларда айна шу омилларнинг барчаси мавжуд. Шу маънода айтмоқчиманки, ёшларнинг сиёсатда иштирок этиши – бу нафақат амалга оширилиши зарур бўлган ҳуқуқ, айна чоғда, бизнинг ялпи келажакимизга тикадиган сармоямиз ҳамдир.

Парламентлараро иттифок ёш депутатларнинг раҳбарлик лавозимларига сайланишига, шунингдек парламент таркибидаги ёшлар фракциялари ва қўмиталари каби ёшлар фаолияти билан боғлиқ механизмлар татбиқ этилишига қўмаклашади.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси вакили Паулина Тандионо:

– Ёшлар – ҳуқуқ субъектлари ва инсон ҳуқуқлари амалга оширилиши, барқарор ривожланишга эришилиши, тинчлик таъминланиши, зўравонликлар ва можароларга барҳам берилиши жараёнларининг асосий иштирокчиларидир. Ҳозирги кунда дунёда инсоният тарихида кузатилмаган даражада кўп – 1,8 миллиард нафар ёшлар мавжуд. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларни ривожлантириш ва жамият ҳаётига жалб этишнинг калитидир. У навқирон инсонларга ўзининг

фаол фуқаро сифатидаги мавқеини англаш, эътироф этиш ва бу билан боғлиқ вазифаларини адо этиш, яъни чоралар кўриш ҳамда ўзига ва бошқаларга тегишли инсон ҳуқуқларига амал қилинишига эришиш, шунингдек давлат ишларида ҳамда қарорлар қабул қилишга оид демократик жараёнларда тегишли тартибда иштирок этиш имкониятини тақдим этади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби Владимир Норов:

– Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форумини ўтказиш ниҳоятда долзарб ва ўз вақтида амалга оширилган ташаббусдир.

Бугун мамлакатлардаги ёшлар давлат, халқаро ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг навқирон авлод вакиллари қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг ижодий салоҳиятидан мамлакатларимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш борасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва ҳуқуқий чоралар кўриш орқали кўрсатадиган ёрдамига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож.

Ҳозирги пайтда ер юзи ёшларининг қарийб ярми ёки 800 миллион нафари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мақонида истиқомат қилади. Ёшлар ўзларининг шижоати, новаторлиги ва янги ғоялари билан ШХТнинг келгуси тараққиёт йўлида, ташкилот фаолиятининг турли жабҳаларида муҳим таянч ҳисобланади. Худди шу боис ёшлар ҳамшиша Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг диққат марказида туради.

ШХТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари Кенгашининг 2019 йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган 18-мажлисида делегациялар раҳбарлари Ўзбекистон томонининг БМТ Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси лойиҳасини тайёрлашга доир ташаббусини қўллаб-қувватлаб, бу борада ўзаро мувофиқликда иш олиб бориш таклифларини билдирган.

Мазкур БМТ Конвенциясининг ўзига хос аҳамияти шуки, унда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб соҳаларини тартибга солишга тааллуқли халқаро ва миллий тажриба ҳисобга олинган ҳамда ушбу ҳужжат ёшларнинг эҳтиёжларини қондириш, навқирон инсонларнинг салоҳиятларини, ҳуқуқлари, эркинликлари ва энг мақбул манфаатларини жамики хилма-хил кўринишларида ва бутун дунё миқёсида кафолатлаш мақсадида халқаро,

минтақавий ва миллий даражалардаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришга қаратилган.

Ушбу Конвенциянинг БМТ Бош Ассамблеясининг яқин орадаги сессиясида қабул қилиниши давлатлар ва бутун жаҳон ҳамжамияти олдида турган даъватларга ўз вақтида ва амалий тарзда берилган жавоб, шунингдек ёшларнинг уйғун ривожланиши, уларнинг улкан салоҳиятидан мамлакатларимиз фаровонлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда пандемиянинг салбий асоратларини енгиб ўтишда фойдаланиш учун қулай имконият бўлур эди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби вазифасини бажарувчи, Низоларнинг олдини олиш маркази директори Туула Юрьёля:

– Ҳукуматлар ва ёшлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўли билан халқаро ҳамжамиятни сўздан амалиётга ўтишга рағбатлантириш – бу биз ҳам ЕХХТ ишида эътибор қаратиб келаётган муҳим масала. Глобал COVID-19 пандемиясининг турли соҳалардаги оқибатлари қанчалик ачинарли бўлмасин, у айрим имкониятларни очаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди, чунки биз ҳаттоки шундай оғир шароитларда ҳам ёшларни ўз келажакларини бунёд этишга жалб этишимиз зарур.

Энг асосийси қарорларни лойиҳалаштиришдир. Бу икки томонлама қатновли кўча: қарор қабул қиладиганлар ва ёшлар бир-бирларидан ўрганишлари ҳамда бир-бирларига ёрдам беришлари мумкин. Ёшларни жалб этиш – бу нафақат инклюзив натижа, айтиш мумкин, тинчлик ва хавфсизликнинг барқарорлиги ҳамдир. Шу сабабли кун тартибидаги ёшлар, тинчлик ва хавфсизлик соҳалари мавзуси муҳокамалари бутун дунёни қамраётганини маъқуллайман.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент ассамблеяси раиси Георгий Церетели:

– Катта авлод вакиллари ёшларни жамият ҳаётининг барча соҳаларига, умуман, жамиятга кенг жалб этишлари керак. Аммо аксарият миллий парламентларда ёшлар етарлича вакилларига эга эмас ва бу ҳолатнинг оқибати ЕХХТ Парламент Ассамблеяси таркибида ҳам ўз аксини топган.

Бундан олган ҳолда, бизнинг Ассамблея

ёшлар сиёсий мулоқотини ривожлантириш мақсадида мавжуд салоҳиятларни ошириш ва илғор тажриба алмашиш йўли билан халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга эътиборни кучайтирмоқда. Жорий йилнинг бошида биз ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг барча восита ва ресурсларини тақдим этиш билан шуғулланадиган ёш парламент аъзолари тармоғини туздик ва мақсадимиз ана шу навқирон етакчиларга ўз салоҳиятини тўла намоён этишларига кўмаклашишдир.

Осиё Парламент ассамблеяси Бош котиби Мухаммад Ризо Мажидий:

– Бугунги анжуманимиз кун тартибидаги асосий масала инсон ҳуқуқлари, хусусан, ёшлар ҳуқуқларига алоҳида бағишланган. Бунда 15 ёшдан – 25 ёшгача бўлган навқирон инсонлар ер юзи аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил қилиши катта аҳамият касб этади.

Ёшлар – ҳар қандай демократиянинг келажагидир. Бугунги ёшлар – эртанги куннинг етакчилари ва шу муҳим омилнинг ўзи ҳам умумбашарий муаммоларни ҳал этиш йўлида янги ғоялар туғилиши учун асос бўлиши мумкин. Биз Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга доир ташаббусни илгари сургани учун ўз миннатдорлигимизни билдирамыз. Ҳеч шубҳасиз, бу узоқ кутилган ташаббус бўлиб, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича ягона халқаро конвенция қабул қилиниши бугун ҳар қачонгидан ҳам зарур ва муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барча мамлакатларда ёшлар ривожланиш мақсадлари учун зарур бўлган асосий одам ресурсларидан бири эканлиги ва ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодий ривожланиш ҳамда техника тараққиётининг асосий иштирокчилари ҳисобланиши тан олинган. Ҳақиқатан ҳам, том маънодаги инклюзив жамият ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиёт жараёнларида иштирок этишлари учун зарур шароитларни яратиши лозим. Акс ҳолда, рақамлаштириш даврининг салбий таъсири юзага чиқади, хусусан, замонавий технологияларнинг жадал ривожланиши туфайли ҳаёт тарзи, иш ўринлари, таълим, истак ва имкониятлар тезкор ўзгаришларга юз тутаяди, шу билан бирга, ёшлар орасида глобал ишсизлик ортиб боради.

Ёшларнинг шиддат-шижоатини муайян фао-

лиятга йўналтириш ғоятда муҳим бўлиб, бу сезиларли фойда келтириши ва 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва бошқа стратегияларни амалга оширишда қўл келиши мумкин. Келгуси муваффақиятлар навқирон авлоднинг миллий, минтақавий ва глобал даражаларда қанчалик жалб этилишига боғлиқ.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директорининг биринчи ўринбосари Катаржина Гардапхадзе:

– Навқирон инсонлар ўзларининг келажагини белгилаб берадиган қарорларни қабул қилиш жараёнларида кўпинча иштирок этмайдилар. Шунингдек, уларнинг ўз фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш лаёқатлари турли тўсиқларга учрайди.

Ёшлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизими асосида ётган принципларга, шунингдек барқарор ва бирдам жамият қуриш ҳамда бундай жамиятни қўллаб-қувватлаш борасидаги ўз ўрнига нисбатан анча эътиборлидир. Улар ўз қарашларини ифода этиш кўникмасига ва эртанги куннинг етакчиларига айланиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Навқирон инсонларни рағбатлантириш ва бу жараёнларга кенг иштирок этишларини таъминлашнинг энг самарали йўлларида бири – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўлиб, бунда инсон кадр-қимматини ҳурмат қилишда инсон ҳуқуқлари қанчалик муҳим аҳамият касб этишини ўқиб-ўрганиш ва англаб етиш муҳим ҳисобланади.

Ёшлар ҳамиша ана шу барча ислохотларнинг марказида туришини таъминлаш жуда муҳимдир. Шунингдек, биз форумда Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенция лойиҳаси муҳокама қилинишини юқори баҳолаймиз ва бу жараёнда кўмак беришга тайёرمىз.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев:

– Барчамиз яхши биламизки, ёшлар – бизнинг келажагимиз. Аммо улар фақат келажагимизгина эмас. Биз навқирон инсонларнинг тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, инсонпарварлик фаолияти соҳаларидаги муҳим ҳамда ижобий ҳиссаларини муносиб даражада эътироф этамиз.

ЖАМИЯТ ВА ҲУҚУҚ

МАЪМУРИЙ СУДЛАР ЖАМИЯТ ВА ФУҚАРОЛАР ҲИМОЯСИДА

Робахон МАҲМУДОВА*

Мамлакатимизда қатъият билан амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ маъмурий қонунчилик тизимида ҳам ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг аҳамиятини оширадиган тарихий ўзгаришлар рўй берди.

Бу, биринчи навбатда, конституциявий ва ҳуқуқий меъёрларда изчил ривожланиб борган демократлаштириш институтларини институционализация қилишга тааллуқлидир.

Бунда аввало маъмурий иш юритишнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, қонун устуворлигини ва фуқаролар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш чоралари кўрилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бинобарин, дунёнинг аксарият давлатларида ҳам маъмурий тизимда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — оммавий бошқарув тизимининг транспарентлиги ҳамда маъмурий ва суд тартиб-таомилларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Умуман олганда, маъмурий судлар — давлат бошқаруви органлари, мансабдор шахслар билан фуқаролар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этиш учун ташкил этилган махсус судлар ҳисобланади.

Дунёнинг тараққий этган давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида самарали назорат ва мувозанат тизимини яратиш, давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи тузилмалар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлашнинг оқилона механизмлари маъмурий тартиб-таомил ва маъмурий суд ишларини юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳисобланади.

Шу боис маъмурий-ҳуқуқий институтлар зиммасига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, улар ўртасидаги мувозанат тамойилига амал қилиш вазифаси юклатилган.

Мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил қилиниши тарихи Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан, ушбу тарихий фармонга кўра, 2017 йил 1 июндан бошлаб оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди. Бунинг натижасида том маънода маъмурий судлар тарихига асос солинди.

Айтиш керакки, ўтган қисқа даврда маъмурий судлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судлов ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида ўта муҳим ишлар амалга оширилди. Бунинг биргина маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 2019 йилда 1 минг 255 та, 2020 йилнинг биринчи ярми давомида 654 та қарори суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Шу маънода ишонч билан айтиш керакки, бундан уч йил муқаддам Президентимизнинг бе-

* Робахон Маҳмудова — Ўзбекистон Олий суди раисининг биринчи ўринбосари.

восита ташаббуси билан юртимизда маъмурий судларнинг ташкил этилгани амалда ўзини тўлиқ оқламоқда.

Албатта, ҳар бир тузилма каби маъмурий судлар ҳам ҳаётнинг талаб ва эҳтиёжлари, шунингдек, миллий ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Бу ҳақида фикр юритганда, шундай ҳақли савол туғилади: ҳўш, бугунги кунда маъмурий судлар фаолиятида қандай муаммо ва қийинчиликлар учрайди? Нега маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда?

Мазкур саволларга жавобан шуни айтиш керакки, бугунги кунда, биринчидан, туман миқёсида маъмурий судлар мустақил фаолият юритишида турли хил қийинчиликларга дуч келмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, судлар мустақиллиги таъминлини амалда тўлиқ таъминлашга, қонуний, адолатли ва асосли суд қарорлари қабул қилишга ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Иккинчидан, оммавий-ҳуқуқий низоларни кўришга ихтисослашган маъмурий судларга, табиатида кўра, бир-бирига зид бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриш ҳам юклатилган. Бу ҳолат ҳам одил судлов сифати-га таъсир кўрсатмай қолмайди.

Қисқаси, юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, Президентимизнинг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан маъмурий судлар фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Хусусан, Президентимиз Фармонига кўра, 2021 йил 1 январдан ту-

ман (шаҳар) маъмурий судлари негизда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Президентимиз Фармони билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш ваколатининг жиноят ишлари бўйича судларга олиб берилиши жуда тўғри ва адолатли иш бўлди. Нега деганда, жиноят ишлари бўйича судлар судьялари доимий равишда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб келган. Аниқроқ айтганда, улар бу борадаги ишларни кўришга ихтисослашган. Энг муҳими, уларнинг ўзлари фаолият олиб борадиган ҳудудда ҳақиқий ҳолатни тўғри баҳолай олиши амалда кутилган самарани беради.

Шу ўринда яна бир ҳолатга эътибор қаратишни истардим. Гап шундаки, БМТ ривожланиш дастури, Германия ривожланиш соҳасида ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) ва Нагоя университети экспертлари томонидан Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларнинг маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилиши ва маъмурий судларнинг мустақил суд сифатида сақлаб қолиниши тўғри қарор деб баҳоланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг ушбу тарихий Фармонлари моҳият-эътибори билан суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг янги, янада юксак босқичини бошлаб берди. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир судья ва суд ходими зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Зеро, Фармонда белгиланган устувор вазифаларнинг амалда ўз ифодасини топиши суднинг том маънода, адолат кўрғонига айланишига хизмат қилади.

ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ — ЖАМИЯТДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Акбар САИДҚОСИМОВ*

Аннотация. Мақолада жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда фуқаролик масъулиятининг аҳамияти атрофлича таҳлил қилинган. Муаллиф таҳлиллار асосида мавзу юзасидан илмий хулосалар тақдим этган.

Калит сўзлар: фуқаролик масъулияти, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият.

Аннотация. В статье подробно анализируется роль гражданской ответственности в обеспечении законности в обществе. Автор представил научные выводы по теме на основе анализа.

Ключевые слова: гражданская ответственность, правовое сознание, правовая культура.

Annotation. The article analyzes in detail the role of civil responsibility in ensuring the rule of law in society. The author presented scientific conclusions on the topic based on the analysis.

Key words: civil responsibility, legal consciousness, legal culture.

Жамиятнинг ижтимоий ҳаётида рўй берадиган ижобий ҳодисалар ва ўзгаришлар шахснинг фаолиятига, унинг хатти-ҳаракатлари ва масъулиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Инсоннинг бутун бунёдкор фаолияти жамиятнинг барқарор мавжудлигидир. Шахснинг жамиятни ҳаракатлантирувчи куч эканлиги унинг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан фаол хатти-ҳаракатлари билан белгиланади. Фуқаролар ижтимоий масъулиятини ошириш жамиятни демократлаштиришнинг асосий шартидир. Бу жараёнда шахс юсак масъулият, ишчанлик, интизом ва омилкорлик фазилатларини намоён қилиши лозим. Ижтимоий ҳаётда инсон жамият иши ва унинг равнақи учун олиб борадиган ижтимоий хатти-ҳаракатлари замирида юсак сиёсий ва ҳуқуқий маданият, ижтимоий фаоллик ва масъулият мужассам.

Инсон жамиятда мавжуд қонун-қоидаларни билиб, улардан тўғри ва мақсадли фойдаланса, у жамиятни тараққий эттирувчи кучга айланади. Қонунлар, меъёрлар ва ахлоқий қоидаларга сўзсиз риоя этиш инсоннинг жамиятда фаровон яша-

шини, шахсий ва ижтимоий манфаатлари рўёбга чиқишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида, “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур синдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш”¹ вазифаси кўзда тутилган.

Бинобарин, фуқаролик масъулияти жамиятнинг демократик ривожланиш жараёнида олиб борилаётган ислохотларга инсоннинг онгли муносабати, ютуқларни янада кўпайтириш ва улардан фойдаланишда фаол қатнашишидир. Фуқаролик масъулияти қадим замонлардан бери маълум.

* Акбар Саидқосимов — Жиззах давлат педагогика институти Тарих факультетининг “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, фалсафа фанлари доктори.

¹ “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2019 йил 9 январь. ПФ-5618-сон. www.lex.uz.

Аммо бу масъулият тарихда кўпинча кишиларнинг синфий, ирқий, миллий, жинсий, диний, ҳудудий ҳолатларига қараб, турли хил чеклашлар билан боғлиқ бўлган. Дунёда барча инсонлар ирқи, дини, миллати, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, яшаш жойидан қатъи назар тенг, тенгсизлик эса инсон ҳаётига четдан, ижтимоий кучлар, ҳукмрон мафкура ва сиёсий тузум томонидан киритилди. Бу ғоялар ер юзидан инсониятнинг ўз эрки ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жамият аъзоси сифатида

унга хизмат қилиш бурчи ва масъулияти билан боғланиб кетади. Мутафаккир Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” китобида ёзилишича, “Барча ишларни маслаҳат билан амалга ошириш кишининг мустаҳкам иродасидан, оқиллиги ва дунёқарашидан далолат беради. Ҳар бир киши маълум бир нарса ҳақида кўпроқ ё камроқ билади. Бир кишининг назарий билими бўладию, аммо тажрибада уни қўлламаган, бошқа кишининг эса, тажрибаси илми ва билимига ўтган бўлади”².

Илмий-оммабоп луғатда Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий масъулияти икки гуруҳга бўлиниши кўрсатилган:

1. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга қаратилган масъулиятлар:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя этиш;
- қонунларни билиш ва унга қатъий амал қилиш;
- меҳнат интизомини сақлаш;
- жамоа бурчига виждонан қараш;
- мулкнинг бозор шакллари мустаҳкамлаш ва тadbиркорликни ривожлантириш;
- турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш;
- бошқа мамлакат фуқароларининг миллий қадр-қиммати, ҳуқуқлари, шаъни ва ўзлигини ҳурмат қилиш;
- ижтимоий бурчни ҳалоллик билан бажариш;
- Ўзбекистон фуқароси деган юксак номга муносиб бўлиш.

2. Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган масъулиятлар:

- Ватан қудратини ошириш ва уни ҳимоя қилиш;
- Ватанни кўз қорачиғидай асраш;
- умумий ҳарбий мажбуриятни қонун асосида бажариш³.

Ҳар қандай жамиятда ижтимоий ҳаёт ҳар доим ҳам бир текисда ривожланмайди. Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бирмунча машаққат, қийинчиликлар ва қарама-қаршиликлар эвазига амалга ошади. Шу боис, уларни ҳар бир инсон мустаҳкам ишонч, қатъий ирода ва юқори фуқаролик масъулияти билан енгиб ўтиши лозим. Фуқаролик масъулияти фуқароларнинг мамлакат тақдири ва манфаати учун фидойилик билан хизмат қилиши, Конституция ва ҳуқуқий нормаларга қатъий риоя этиши, амалга оширилаётган ижти-

моий-сиёсий ислохотларда фаол қатнашиши, давлат ва жамиятнинг муҳим масалаларини ҳал қилишда муносиб иштирокидир. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, якдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз. Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардона енгиб ўтишга тайёرمىз”⁴.

² Низомулмулк. Сиёсатнома. — Тошкент: “Адолат”, 1997. — 97-бет.

³ Қаранг. Мустақиллик. Исоҳли илмий-оммабоп луғат. — Тошкент: “Шарқ”, 1998. — 229-бет.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/3324>.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг фуқароларнинг ижтимоий масъулиятини оширишга алоҳида устувор вазифа сифатида қарала бошланди. Чунки ўз ҳуқуқ ва манфаатларини аниқ ўзлаштирган, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ислохотлар назарияси ва амалиётини, меъёрий-ҳуқуқий тамойилларини яхши биладиган фуқаролар жамиятга тез ижтимоийлашади. Фуқаролик жамияти қурилиши шароитида давлат инсонларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши учун шароит яратиб беради, лекин фуқаролардан қонунлар ва меъёрларга қатъий риоя этишлари учун масъулият ҳам талаб этилади. Академик А.Саидов таъкидлаганидек, “Ҳуқуқий давлат тўлиқ шаклланиши учун конституциявий тамойил эълон қилинишидан ташқари, энг аввало одамлар моддий таъминланганлигининг муайян даражаси, ривожланган иқтисодиёт, аҳолининг муайян маданий-маънавий савияси зарур”⁵.

Қонун устуворлигини таъминлаш инсон ҳуқуқий маданияти, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини таъминлаш билан ҳамма бўлиб боғлиқдир. Чунки Конституция ва қонуннинг устунлигини тан олиш, уларга сўзсиз риоя қилиш жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим жараёндир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида, “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”⁶, деб таъкидланган.

Фуқаролик масъулиятининг ошишида инсоннинг жамиятда юқори ижтимоий фаоллик даражаси муҳим ўрин тутди. Инсон жамиятда бир ўзи ёки гуруҳ бўлиб ижтимоий жараёнларда иштирок этади. Улар сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ижтимоий ҳаракатлар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари каби қўллаб-қувватлаб фуқаролик жамияти институтларида масъулият билан иштирок этадилар. “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партия-

ларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас”⁷.

Мазкур иштирокнинг асосида уларнинг маълум ҳуқуқлар билан таъминланганлик даражалари муҳим роль ўйнайди. Мазкур ҳуқуқий таъминот инсонга жамиятда ўзини тўлақонли намоён этишига имконият яратади.

Жамиятда ижтимоий жараёнларнинг бирмунча мураккаблиги шароитида инсоннинг сиёсий иштироки ва ҳуқуқий манфаатларининг шаклланиши жараёни ҳам қийинчилик билан кечади. Чунки жамият ижтимоий ҳаётида қарама-қаршиликлар ва муаммоли вазиятлар мавжуд бўлганлиги сабабли инсон ўз ҳуқуқий манфаатларини тўлиқ ўзлаштиришга имкон тополмаслиги мумкин. Ана шундай шароитда инсонда фуқаролик масъулиятининг юқори бўлиши ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишда қўл келади.

Инсоннинг фуқаролик маданиятининг шаклланиши ва жамиятга ижтимоийлашуви фуқаро томонидан ўзининг ижтимоий фаолиятда иштирокини таъминловчи сиёсий ва ҳуқуқий билимлар, қадриятлар, меъёрлар, қоидалар ва хатти-ҳаракатларни ўзлаштиришдан иборатдир. Сиёсатшунос Р.Жумаевнинг таъкидлашича, “Ҳуқуқий, демократик, ривожланган фуқаролик жамияти қураётган мустақил Ўзбекистон олдида турган ғоявий ва сиёсий вазифалардан бири сиёсий жараёнларда фуқароларнинг иштирокини стратегик жиҳатдан таъминлаш ҳисобланади. Маълумки, демократик жамиятнинг муҳим мезонларидан бири фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки таъминланишидир. Бунда уларнинг у ёки бу сиёсий ролларни бажаришга хоҳиши ва қобилиятини ҳисобга олиш муҳим”⁸.

Фуқаролик масъулияти фуқароларнинг давлат томонидан чиқарилган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда ва уларни амалиётга жорий этишда чуқур масъулият билан қатнашишида яққол кўзга ташланади. Жамият ўз демократик ривожланишида фуқароларга тенглик, озодлик ва эркинликларни ҳаётий

⁵ Саидов А.Ободлик омиллари // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. №1, 2013. – 7-бет.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 7-бет.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 14-бет.

⁸ Жумаев Р.Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. – Ташкент: “Фан”, 1996. – С.130.

воқеликка айлантурувчи турли ҳуқуқларни бериш билан чекланмайди, балки шу ҳуқуқларга риоя қилишни, улардан ижодий, жамият манфаатларини кўзлаб фойдаланишни тақозо этади. Шу сабабли жамият қанчалик юксак даражада демократик бўлса, ундаги фуқароларнинг масъулияти шунчалик кенг қамровли шаклланади.

Ҳақиқий демократик ва қонун устувор бўлган жамиятда фуқаро мавжуд ҳуқуқлардан фойдаланувчи боқиманда эмас, балки уларга суяниб, жамиятнинг муаммоларини ҳал этишда фаол қатнашувчи шахс бўлиши керак. Ана шундай вазиятда у жамият ва инсонлар манфаати учун курашади, давлатга фойда келтиради. Олимларнинг таъкидлашича, “Ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган одам ўз кучига ишониб имкониятларини ишга сола олади, ўзи ҳам фойда кўради, жамиятга ва давлатга ҳам фойда етказилади. Айнан ҳақ-ҳуқуқини таниган одам ўз юртида бўлаётган ва унинг атрофида кечаётган воқеаларни таҳлил қилишни ўрганади, оқ-қорани ажратиб, яхши нима, ёмон нима – фарқида боради. Энг муҳими мамлакат ва миллат манфаатини ҳимоя қила олади”⁹.

Ижтимоий ўзгаришлар шароитида фуқаролик масъулияти мамлакат истиқболи учун муҳим мезондир. Шу сабабли ижтимоий масъулият жамиятда ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал қилишда қабул қилинган ҳуқуқий қоидалар, мавжуд ахлоқий меъёрлар ва анъаналарга мувофиқ йўл тута билишни тақозо қилади. Фуқаролик масъулияти фуқаронинг сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий фаоллиги билан мужассамлашган жараёндир. Н.Шодиевнинг таъкидлашича, “Фуқаровий фаоллик инсонларни жамият олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур англашга ва бошқалар манфаати учун қайғуришга, жамоат ишларида фаоллик кўрсатишга, кўпчилик манфаати учун курашишга, кўнгилли фаолият олиб боришга ундайди. Фуқаровий фаоллик ўз қизиқиш ва имкониятларини ифодалашга, шу асосда жамиятга наф келтиришга рағбат беради”¹⁰.

Фуқаролик масъулияти халқ, ватан, давлат ва жамоат манфаатларига хизмат қилиш, бошқариш ишлари билан боғлиқ масалаларни моҳирона ҳал

этиш, жамоатчилик фикрига таяниш, кишиларни бирлаштириш, ташаббусни қўллаб-қувватлаш, мақсадлар сари етаклаш каби қобилиятларга бориб тақалади. Фуқаролик масъулияти ахлоқий хислатларга таянгандагина бошқаларга ибрат бўла олади. Жамиятда кишилар юксак ахлоқий хислатларни намоён қилгандагина барқарор ривожланиш юз беради, ижтимоий жараёнларда зиддиятлар, номутаносибликлар ва муаммолар йўқолиб боради.

Юксак маънавият, ҳуқуқий маданият, миллатнинг ғоявий ва ижтимоий етуқлиги жамиятда фуқаролик масъулиятини таъминлашнинг зарурий шартидир. Фуқаролик масъулияти инсон маънавий такомилнинг таркибий қисми бўлиб, унинг қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқаради, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларда фаол иштирокчи бўлишини таъминлайди. Фуқаролик масъулияти – жамият аъзоларида ҳуқуқий онгни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган назарий ҳамда амалий фаолият ҳисобланиб, унинг ёрдамида демократик жараёнлар ва ижтимоий муносабатларда бўлаётган ўзгаришларнинг моҳияти инсонлар томонидан англаб етилади. Олимларнинг таъкидлашларича, “Демократияни англаш – шахснинг барча учун бирдай зарур бўлган қонунларга тўлиқ риоя этиш, аниқ тартиб-интизомга таяниб яшаш салоҳияти. Демократия бизга инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини асрайдиган барча қонунларга бўйсуниб яшашни ўргатади ва талаб этади. Бунинг акси бўлган жойда бошбошдоқлик, парокандалик авж олади”¹¹.

Жамиятнинг турли соҳаларида фуқаролик масъулияти ўзига хос тарзда, ўша соҳага оид бўлган жараёнлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади:

Сиёсий ва ҳуқуқий соҳа. Фуқаролар ўз сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, жамият иши учун масъулият билан ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этади. Фуқароларнинг олиб борилаётган ислохотларнинг моҳиятини чуқур англаб етиши, бу жараёнларда уларнинг онгли равишда иштирок этиши, ўзларининг вазифалари, ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулиятларини ҳис этиб яшаши жами-

⁹ Комилов Н., Равшанов Ф. ва бошқ. Мустақиллик тафаккури, демократик дунёқараш ва миллий менталитет. – Тошкент: “Маънавият”, 2001. – 25-бет.

¹⁰ Шодиев Н. Фуқаролик жамиятида фуқаровий фаоллик: тарихий ва илмий хусусиятлари. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. №4, 2016 й. – 43-бет.

¹¹ Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. – 332-333 бетлар.

ятда фуқаролик масъулиятининг намоён бўлишига омил бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий соҳа. Фуқаролар жамият иқтисодий салоҳиятини ошириш мақсадида ўз имкониятларини ишга солади, иқтисодий сиёсат, ислохотлар, моддий неъматлар ишлаб чиқаришда ўз салоҳияти билан қатнашади. Бунда кишилар турли технологик, инновацион лойиҳалар, кашфиётлар, ишланмалар ва дастурлар орқали тараққиёт учун замин бўладиган ишланмалар яратиши ва уни ҳаётга татбиқ этиши муҳим.

Ижтимоий соҳа. Фуқароларни ижтимоий ислохотларда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларида фаол иштирокчи бўлишга рағбатлантириш масалалари ҳал этилади. Фуқаролар ижтимоий ҳаёт, ижтимоий институтлардаги иштироки, фаолликлари билан мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётига, бу борадаги ислохотларга ёрдам беради.

Маънавий ва маданий соҳа. Фуқароларнинг маърифий салоҳияти, ҳуқуқий онгини ошириш, уларнинг жамият маънавияти ва маданиятини юксалтириш ишларида фаол иштирокчи бўлиши катта аҳамият касб этади. Бу борада миллий ғоянинг сафарбарлик кучи, аҳоли қатламлари масъулиятини уйғотиши, уларни ташаббусга рағбатлантириши, бунёдкорлик ва омилкорлик фазилатларини рўёбга чиқариши муҳим ўрин тутди.

Фуқаролик масъулияти масаласи энг долзарб ижтимоий вазифалардан биридир. Унинг моҳияти замонавий миллий юксалиш шароитида тубдан ўзгармоқда. Афсуски, аҳолининг кўпгина тоифалари, мансабдор шахслар орасида қонунлар ижросига, ислохотлар жараёнларига бефарқлик кайфияти ҳам баъзан учраб турибди. Ушбу ҳолат жамиятда

қонун устуворлиги таъминланишига ва ҳуқуқий давлат ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу “менинг ишим эмас”, “менга барибир” каби салбий туйғуларнинг мавжудлиги ҳам жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигига хавф туғдиради. Бундай ҳолатлар мазкур аҳоли қатламларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, фуқаролик масъулияти пастлигидан далолат беради. Олимларнинг қайд этишича, “Ўз фаолиятини Конституция ва қонунларга биноан амалга ошириш давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг конституциявий бурчи ҳисобланади. Агарда улар ўз бурчларини бажармаса, қонунда белгиланган тегишли жавобгарлик чоралари кўрилиши мумкин”¹².

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ҳуқуқий ва ижтимоий ислохотлар шароитида ҳам фуқаролик масъулиятининг маъно-мазмунини тушунмаслик, унга эътибор бермаслик, бефарқлик ва боқимандалик кайфиятига берилиш жамиятда ижтимоий муаммоларни вужудга келтиради. Ҳозирги даврда фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ўрта ва кичик бизнес субъектлари, тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантириш, биринчи навбатда, ўтмишдан қолган нуқсон ва сарқитларни батамом бартараф этиш, фуқароларимизда жамият раънақи ҳамда ислохотлар тўлиқ амалга ошишига нисбатан масъулият ҳиссини шакллантириш муҳимдир. Чунки бугунги мақсадимиз жаҳон сиёсий сахнасида ўз мавқеини мустаҳкамлаётган, “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” концептуал ғояси амалга ошаётган мамлакатимиз учун хизмат қиладиган фидойи ва жонкуяр инсонларни тарбиялашдан иборат.

¹² Мирбобоев Н., Одилқориев Х. Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш. — Тошкент: “Маънавият”, 2011. — 8-бет.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТДА ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Олим ФАЙЗИЕВ*

Аннотация. Мақолада “оммавий қабул” тушунчаси, мақсади, ҳуқуқий асослари, мурожаатларни тезкор кўриб чиқиш ва ҳал қилишдаги ўрни ва аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек оммавий қабуллар ташкил этиш ва ўтказишда мавжуд амалиёт билан боғлиқ айрим масалалар таҳлил қилинган, муаммолар кўрсатилиб, ечимлари бўйича фикр юритилган.

Калит сўзлар: аҳоли мурожаатлари, оммавий қабул, сайёр қабул, халқ билан мулоқот, давлат органи, ташкилот, мансабдор шахс, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари.

Annotation. The article analyzes the concept of “people's reception”, its purpose, legal basis, role and importance in the operational consideration and resolution of appeals, its inherent features, as well as some issues related to the existing practice of organizing and conducting public receptions.

Keywords: appeals of the population, people's reception, mobile reception, dialogue with the people, state body, organization, authorized person, Virtual and People's reception offices of the President of the Republic of Uzbekistan.

Аннотация. В статье анализируется понятие «народная приемная», ее цель, правовые основы, роль и значение в оперативном рассмотрении и разрешении обращений, присущие ей особенности, а также некоторые вопросы, связанные с существующей практикой организации и проведения народных приемов.

Ключевые слова: обращения населения, народная приемная, мобильная приемная, диалог с народом, государственный орган, организация, уполномоченное лицо, Виртуальная и Народная приемные Президента Республики Узбекистан.

Давлатчилик тизимидаги қоидалар, тутумлар, мезонлар у ёки бу даврда турли шаклларда намоён бўлиши, табиий ҳодиса. Кўп асрлик миллий давлатчилик тарихимизга назар ташласак, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимига эътибор қаратилган даврдагина жамиятда адолат қарор топган, халқнинг ҳаёти фаровон, мамлакат обод бўлган. Соҳибқирон Амир Темур даври бунга яхши мисол бўлади.

Жумладан, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш институти тилга олинган муҳим ёзма манбалардан бири – “Темур тузуклари”нинг “Вазирларнинг хизмат қилиш тузуки”да: “Яна ҳукм қилдимки, бир ки-

шини арзбеги қилиб тайинласинлар. У сипоҳ, раият ва арз-дод қилиб (ҳузуримга) келувчиларнинг аҳволини, мамлакатнинг обод-хароблигини, муҳим ишлардан қайси бири битган-битмаганлигини менинг арзимга етказиб турсин”¹, деб қайд этилгани фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикасининг қарийб 30 йиллик қисқа тарихи давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун тўрт маротаба – 1994², 2002³, 2014⁴, 2017⁵ йилларда қабул қилинди. Мазкур қонунлар мавжуд имкониятлар,

* Олим Файзиев – Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

¹ <http://temurtuzuklari.uz/uz/clause/50>.

² “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 140-модда; <https://lex.uz/docs/75892>

³ “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 7-модда; <https://lex.uz/docs/76412>.

⁴ “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда; <https://lex.uz/docs/2509996>.

⁵ “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 977-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон; <https://lex.uz/docs/3336169>.

давлатнинг аҳоли мурожаатлари билан ишлашга бўлган ёндашуви ва нуктаи назаридан келиб чиқиб босқичма-босқич такомиллаштириб борилди.

Қайд этиш жоизки, 1994 ва 2002 йилларда қабул қилинган қонунларда мурожаат қилиш учун фуқаролар муайян давлат органи, ташкилот ёки мансабдор шахс **қабулига бевосита бориши**, яъни уларни қабул қилиш фақат **давлат органлари биноларида** ташкил этилиши (*чунки қонунларда фақат шахсий қабуллар ўтказишга доир қоидалар белгиланган*) кўзда тутилган бўлса, 2014 йилда қабул қилинган қонунда йўналиш бир мунча ўзгариб, давлат органлари раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахсларга оммавий қабулнинг айрим элементларини ўзида ифода этган “сайёр шахсий қабул”лар ташкил этишга оид нормалар белгиланди, бироқ уни амалга ошириш механизмлари ўзини тўлиқ оқлаганлиги ҳақида бирор нима дейиш мунозарали.

2017 йил 11 сентябрдаги қонун⁶ қабул қилиниб, миллий қонунчиликда “оммавий қабул” тушунчаси борасида ягона тўхтамга келингунга қадар ушбу тушунча кундалик истеъмолда “сайёр қабул” шаклида кенг қўллаб келинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом⁷да юқорида кўрсатилган қонунда қўлланилмаган “сайёр қабул” тушунчасидан фойдаланилган. Бироқ мазкур атама бугун истеъмолдаги оммавий қабулни назарда тутмайди. Бизнингча, Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқувчи ва уни қабул қилувчи орган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунда қўлланилган “сайёр шахсий қабул” атамасини ҳужжатда “сайёр қабул” шаклида қўллашни кўзда тутган, яъни юқоридаги низомнинг 3-бандига асосан, **сайёр қабул** – давлат органлари ва давлат ташкилотлари раҳбарларининг тасдиқланган жадвал асосида жойларга чиққан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиши билан боғлиқ ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуидир.

Ўтган қисқа вақт кўрсатдики, аҳоли мурожаатларини оммавий қабулларда тинглаш амалиёти дунёда кам учрайдиган ва миллий давлатчилик тарихимиздаги бой тажриба ва анъаналар, миллий менталитетдаги ўзига хосликлар билан йўғрилган халқ билан очиқ мулоқот шакли (платформаси, майдони) бўлиб, муаммоларни атрофлича, ҳар томонлама, манфаатдор томонлар иштирокида, қўшимча маълумотларни аниқлаштириш имкони яратилган шароитда, масала бўйича инкор этувчи ёки тасдиқловчи вазиятни (*аргумент ва контраргументлар*) тақдим этиш ва муҳокама қилиш мумкин бўлган вазиятда, барчанинг кўз ўнгида, ҳолис кўриб чиқиш имкониятини берувчи ноёб сиёсий институт ҳисобланади. Шу ўринда, аксарият ҳолларда ижобий самара бераётган ушбу институтнинг ҳуқуқий асосларига тўхталиб ўтиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “**Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак**”⁸ деган халқчил ва ҳаётбахш ғояси асосида мазкур қонуннинг 3-, 9-, 23-, 27-, 33-моддаларида, илгари қабул қилинган ҳужжатлардан фарқли ўлароқ, муайян давлат органи, ташкилот ёки мансабдор шахснинг **бевосита фуқаролар олдига бориши**, хусусан оммавий қабуллар ўтказиш орқали, жойига чиққан ҳолда одамларни тинглаши, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш бўйича тезкор чоралар кўриши зарурлигига оид қоидалар белгиланди. Айтиш жоизки, ушбу нормалар 2017 йил январ ойидан сентябрь ойига қадар кенг апробациядан ўтказилган амалиётнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Оммавий қабуллар мурожаат қилишнинг самарали усули ва янги амалиёт сифатида 2017 йилдан буён барча ҳудудларда ваколатли мансабдор шахслар, хусусан, Давлат раҳбарининг топшириқ ва кўрсатмаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлими томонидан мунтазам равишда ташкил этилиб, аҳоли муаммолари ҳал этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси каби юқори ташкилотлар томонидан оммавий қабулларни ташкил этиш ва ўтказишда те-

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 977-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон; <https://lex.uz/docs/3336169>

⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2018 й., 09/18/341/1202-сон; 31.12.2018 й., 09/18/1061/2406-сон, 14.05.2019 й., 09/19/397/3123-сон; 21.12.2019 й., 09/19/1022/4181-сон.

⁸ <https://president.uz/uz/lists/view/2>. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

гишли соҳадаги давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар иштироки таъминланиши лозим. Бундай ҳолларда, оммавий қабулни ўтказишга тизимли ёндашиш, жумладан муайян вақт давомида тегишли ҳудудда яшовчи аҳолидан Давлат раҳбари, Бош вазир ёки бошқа мансабдор шахс номига келиб тушган мурожаатларда кўтарилган муаммоларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда масъул соҳа раҳбарлари жалб этилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўз навбатида, оммавий қабулларга жалб этилган тегишли мансабдор шахслар аҳоли томонидан кўтарилиши мумкин бўлган муаммоларнинг ечими юзасидан тайёр ҳолатда бўлиши талаб этилади.

Оммавий қабулларни ташкил қилиш тизимини ҳам назарий-ҳуқуқий, ҳам ташкилий-амалий жиҳатдан такомиллаштириш, замон талабларига, шу жумладан олдиндан башорат қилиш қийин бўлган янги вазият ва ҳолатларни инобатга олган ҳолда унинг шакл ва ўтказиш услубларини ривожлантириш масалалари кун тартибига турганини таъкидлаб ўтиш, ўринли бўлади.

Таҳлил натижалари кўрсатдики, мурожаатларни тинглаш ва кўриб чиқишнинг самарали усулларида бири бўлган оммавий қабулларнинг мурожаатларни қабул қилишнинг бошқа шакл, усул ва манбаларидан фарқ қилувчи қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

◆ мурожаатни қабул қилиш ва муаллиф билан бевосита мулоқот қилиш учун мансабдор шахсларнинг ўзлари “халқ ичига” кириб боради, яъни мурожаатлар билан ишлашда одатдагидан кўп моддий ресурслар (*масалан, хизмат сафари, танланган муайян жойни тадбир ўтказиш учун тайёрлаш харажатлари*) сарфлайди;

◆ оммавий қабулларда ҳар доим ҳам мурожаат қилиш имкони мавжуд эмас, яъни фақатгина муайян белгиланган кун ва соатларда, тасдиқланган жадвалга мувофиқ (*баъзан навбатдан ташқари*) давлат органи раҳбари ёки у ваколат берган мансабдор шахслар томонидан ўтказилади;

◆ мурожаатларда кўтарилган масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишга ваколатли бўлган бошқа давлат органлари вакиллари ва иштироки таъминланади, яъни мурожаатни бир вақтнинг ўзида бир неча ваколатли мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқиши таъминланади;

◆ ўтказиш учун мавсумга (ёз ёки қиш) қараб зарур шароитларга эга бўлган ҳудуд (бино, иншоот) танланиб, оммавий қабул ўша жойда ташкил

этилади (*баъзан маълум бир қишлоқ (маҳалла ё овулда) уйма-уй, объектма-объект юриб, хонадонлар ва биноларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин*);

◆ оммавий қабул вақтида келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат ҳисобланиб, тўғридан-тўғри ваколатли мансабдор шахсга баён қилинади;

◆ мурожаатларда кўтарилган муаммоларни атрофлича, ҳар томонлама, манфаатдор томонлар иштирокида, хусусан, уларни бошқа ваколатли органлар мансабдор шахслари иштирокида кенг муҳокама қилиш, қўшимча маълумотларни аниқлаштириш, масала бўйича инкор этувчи ёки тасдиқловчи вазиятларни (*аргумент ва контраргумент*) тақдим этиш мумкин бўлган вазиятда, барчанинг кўз ўнгида, холис кўриб чиқиш имкони яратилади;

◆ мурожаатлар, одатда, шу куннинг ўзида кўриб чиқилади, уларда кўтарилган масалалар моҳиятидан келиб чиқиб, шу жойнинг ўзида ҳал этилиши эҳтимоли юқори бўлади;

◆ оммавий қабулда мурожаат қилиш учун, қоида тариқасида, шахсни ва ваколатларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилмайди;

◆ мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилиниши талаб этилмайди, яъни мурожаатларга ёзма жавоб ёки электрон шаклдаги жавоб берилмайди (*мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш давлат органи, ташкилоти ёки уларнинг мансабдор шахсининг ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади ва муаллиф талаби билан бу ҳақда ёзма шаклда жавоб берилиши ҳолати бундан мустасно*);

◆ оммавий қабул вақтида келиб тушган мурожаатлар бўйича иш юрийтишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилади, яъни мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари оммавий қабул баённомасида кўрсатилади, уларни қўшимча равишда рўйхатдан ўтказиш дафтарида расмийлаштириш талаб қилинмайди. Бунда мурожаатлар кўриб чиқиши ва ҳал этилишини мунтазам равишда назорат ва таҳлил қилиб бориш мақсадида ман-

сабдор шахс томонидан оммавий қабулларда келиб тушган мурожаатлар давлат органининг электрон тизимига киритилиши мумкин;

◆ оммавий қабулни ўтказиш натижалари бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

Таъкидлаш лозимки, моддий ва молиявий ресурслар одатдагидан кўра кўпроқ сарфланишини инобатга олиб, келгусида оммавий қабулларнинг самарадорлиги, манзиллилиги ва натижадорлигини таъминлаш учун уларни ўтказишга муайян сабаб ва асослар бўлиши талаб этилади. Бироқ қонунчиликда оммавий қабуллар қайси сабаблар ва асосларга кўра ўтказилиши, қанча вақт давом этиши, нечта фуқаро қабул қилиниши, бошқа кунга (вақтга) кўчирилиши назарда тутилмаган, бу борадаги илмий хулосаларни ҳам етарли, деб бўлмайди.

Бизнингча, оммавий қабуллар ўтказиш учун чуқур таҳлиллар амалга оширилгандан сўнг қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлиши лозим:

◆ муайян ҳудудда ва (ёки) соҳада (йўналишда) мурожаатлар сони мунтазам ортиб бораётганда;

◆ соҳага оид муаммолар оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилаётганда;

◆ муайян ҳудудда аҳоли кайфиятига салбий таъсир қилувчи муаммо (масалан, табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар) юзага келганда.

Оммавий қабуллар ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг сўрови;

◆ муайян ҳудудда яшовчи аҳолининг мурожаатлари;

◆ тасдиқланган жадваллар.

Оммавий қабуллар ўтказилиши вақтига кўра навбатдаги (белгиланган жадвал асосида) ва навбатдан ташқари, ўтказилиши даражасига кўра республика аҳамиятига молик давлат органи ва ташкилот раҳбари ёки ҳудудий давлат органи ва ташкилот раҳбари бўлиши мумкин.

Ҳозирда оммавий қабул ўтказувчи мансабдор шахслар таркибини белгилаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қабул ўтказиладиган жойларга қўйилган минимал талаблар (куз-қиш ёки ёз мавсумида алоҳида), қабуллар ўтказилиши ҳақида аҳолига маълум қи-

лиш, оммавий қабуллар вақтида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари, жамоат тартибини сақлашга масъуллар, ёнгин хавфсизлиги ва тиббиёт ходимлари иштирокининг мажбурийлиги каби муҳим масалалар ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Мазкур ҳолатлар ҳам оммавий қабулларни манзилли ҳамда самарали ташкил этишга салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Бизнингча, оммавий қабуллар ташкил қилишдан олдин унга келадиган фуқаролар роҳилигига эришиш учун тегишли давлат органи, ташкилот ва мансабдор шахс томонидан:

◆ муайян давр оралиғида турли манбалар орқали жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган тегишли мурожаатлар, жумладан аноним деб топилган мурожаатлар чуқур таҳлил қилиниши;

◆ тегишли ҳудудда яшайдиган энг кўп (мунтазам) мурожаат қилаётган фуқароларнинг алоҳида рўйхати тузилиши, уларнинг муаммолари мазмуни ва ечими билан шахсан шуғулланилиши;

◆ оммавий қабул ўтказиш учун етарли асос ва сабаблар мавжудлигига, муаммоларга ечим топиш учун кўпроқ оммавий қабул самаралироқ эканлигига ишонч ҳосил қилиниши;

◆ илгари ўтказилган оммавий қабуллар самарадорлиги баҳоланиши, уларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлил қилиниши, келгусида бу каби салбий ҳолатлар такрорланишининг олдини олиш чоралари кўрилиши;

◆ аниқ ҳисоб-китоблар қилиниши, жумладан кейинчалик келиб чиқиши мумкин бўлган ортиқча харажатлар прогноз қилиниши ва, имкон қадар, уларнинг олдини олиш чоралари кўрилиши, соҳага оид тегишли қонунчилик база-си такрор ўрганилиши;

◆ оммавий қабулни ташкил этиш ва ўтказишга сарфланадиган моддий ресурслардан кўра, эришиладиган натижалар ҳар тарафлама салмоқли бўлишига аниқ ишонч ҳосил қилиниши зарур.

Айтиш ўринлики, оммавий қабуллар чуқур ўйла-ниб ўтказилиши, таҳлилларсиз, аниқ сабаб ва етарли асослар бўлмасдан, “худа-беҳуда”га ташкил қилинмаслиги лозим. Қабулларнинг самарадорлиги паст бўлганда, ҳам давлат бюджетига, ҳам мурожаат қилувчиларга зарар, давлатнинг фуқаролар олдидаги сиёсий имиджига жиддий зиён етиши мумкин.

Давлат органи, ташкилот ва мансабдор шахс томонидан оммавий қабуллар ўтказиш бўйича чораклик, ярим йиллик ёки йиллик режа-жадвал (“йўл харитаси”) ҳудудлар (жамоалар, маҳаллалар), соҳалар ва муаммолар кесимида ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши лозим. Бунда ҳар бир ҳудудда (вилоятлар) муаммолар ва мурожаатлар ҳажмидан келиб чиқиб йилда камида бир марта оммавий қабул ташкил қилиш ва ўтказишнинг режалаштирилиши таклиф этилади.

Оммавий қабулларнинг манзилли ва натижали бўлишини таъминлаш мақсадида режа-жадвал (“йўл харитаси”) лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойлардаги Халқ қабулхоналарининг фикр-мулоҳазалари олиниши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Оммавий қабулларда иштирок этадиган мурожаат қилиш истагида бўлганлар рўйхатини аниқлаш ва уларни тадбирга таклиф қилиш тартиби ҳамон мунозарали бўлиб, бу борада ягона мезонлар бўлмаганлиги сабабли, турли ҳудудларда турлича ёндашувлар ва амалиёт мавжудлигича қолмоқда.

Амалиётда тадбир ташкилотчилари ўзлари истаган, манфаатларига мос келадиганларни таклиф қилиш ҳолатлари учраб турибди, натижада, айрим ҳолларда, муаммо билан такрор-такрор мурожаат қилаётганлар четда қолиб, муаммоси аниқ ҳал бўладиганлар иштирок этмоқда. Яъни муайян ҳудудларда оммавий қабулларда иштирок этиш мутлақо очик бўлса, айримларида юқорида айтилганидек, мурожаат қилувчиларнинг императив рўйхатлари шакллантирилиб, долзарб ва ҳал этилиши пайсалга солинаётган масалалар бўйича мурожаат қилиш истагида бўлган шахсларнинг иштироки чекланиб қолмоқда.

Бизнингча, оммавий қабуллар мурожаат қилиш истагида бўлган барча учун очик бўлиши ҳамда мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принципларидан бири сифатида қонунчиликда белгиланиши лозим.

Кузатишларимиздан кўринадики, оммавий қабулни ташкил этишга масъул шахслар амалда мурожаат қилувчиларнинг олдиндан аниқ рўйхатини шакллантириб, тадбирга фақат уларни таклиф қилиш амалиётидан кўпроқ фойдаланмоқда.

Қабулларнинг тартибли, самарали ва манзилли бўлишини таъминлаш мақсадида бундай чораларни қўллашни ҳам кескин нотўғри, деб бўлмайди. Бу борада фикр юритганда, қабулларни ўтказиш учун аниқ вақт ва моддий ресурслар тақсимланганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур, албатта.

Шу сабабли, тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишдан олдин қабулда мурожаат қилишни истаган

барча фуқароларни рўйхатга киритган ҳолда иштирок этувчилар доирасини шакллантириш, у бўйича мажбурий тартибда тегишли Халқ қабулхоналари ва маҳалла фуқаролар йиғинининг фикрини олиш, оммавий қабул ўтказиладиган вақт, қабулни ўтказувчи мансабдор шахс ҳақидаги ахборотни олдиндан аҳоли эътиборига етказиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

Амалда оммавий қабул ва уни ўтказувчи мансабдор шахс ҳақида фуқароларнинг олдиндан хабардор қилинмаслиги, мурожаат қилиш истагида бўлганларда қабулни ўтказувчи шахсларнинг ваколатлари, масъул бўлган соҳаси ва йўналишлари доираси ҳақида етарли тушунча бўлмаслиги, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишдаги ишларнинг сустилиги ҳам оммавий қабулларнинг тартибли ўтишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу сабабли, оммавий қабуллар ўтказилиши ҳақидаги маълумотлар тегишли давлат органлари ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тадбир ўтказиладиган ҳудудларда самарали усул ва воситаларда олдиндан аҳолининг эътиборига етказилиши, жумладан Халқ қабулхоналари ва давлат хизматлари марказлари биноларида барчанинг танишиб чиқиши учун қулай бўлган жойларга ўрнатилиши лозим.

Фикримизча, оммавий қабулларнинг тизимлилигини, самарадорлигини, манзиллилигини ва натижадорлигини таъминлаш, қабулларда айтиб берилган муаммонинг бир неча фуқаролар томонидан такрор баён этилишининг олдини олиш мақсадида жойларда қабулларнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши барча ҳолатларда **халқнинг овози, қалби, хоҳиш-истаги, кўзи, қулоғи ва нидоси** бўлган ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари томонидан мувофиқлаштириб борилиши ва назорати таъминланиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш лозимки, ёз ва қиш мавсумида, тушлик ва иш вақтидан ташқари бошқа вақтда оммавий қабулларни ўтказишда айрим ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳам ўз ечимини топиши лозим. Тадбирлар барча учун қулай бўлган, қонда тарикасида, ёз мавсумида очик, салкин (дарахтзор) ва етарли шароит яратилган, қиш мавсумида эса, ёпиқ ва иссиқлик таъминланган жойларда ўтказилиши зарурдир. Бир жиҳатни айтиб ўтиш жоизки, амалиётда оммавий қабул ўтказиладиган жойларда барчага тушлик дастурхони ташкил қилиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинганларга фуқаролик паспортларини тантанали топшириш ҳолатлари учрамоқда, бу

ҳам қабулга келганларда, яъни ижтимоий кайфиятга ижобий таъсир қилмоқда, дейиш мумкин.

Шу билан бирга, бизнингча, агар жиддий зарурат бўлмаса, ёзнинг жуда иссиқ ва кишининг жуда совуқ кунларида, шунингдек карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши, тарқалиши шароитида, эпидемия ва пандемиялар вақтида бундай оммавий тадбирларни ўтказмаслик мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, Президентимиз томонидан илгари сурилган ва ижтимоий ҳаётимизда барча учун дастуриламалга айланган **“халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган муҳим чақириқни тушуниб, чуқур англаб, ҳар қандай мураккаб вазиятлар вақтида ҳам давлатнинг доимгидек ишлашини таъминлаш муҳим ҳисобланади, бундай ҳолатларда фуқароларнинг барча ҳуқуқлари сингари мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳам янги усул ва воситаларни қўллаш орқали сўзсиз таъминланиши, вазифалар ўрнатилган алоҳида тартиб-қоидалар ҳамда имкониятлардан келиб чиқиб белгиланиши даркор.

Оммавий қабулларни ташкил этиш ва ўтказишда ташкилотчилар томонидан энг майда (кичкина) деталларга алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Хусусан, қабул ташкилотнинг биринчи раҳбари эмас, балки унинг ўринбосарларидан бири томонидан ўтказилиши белгиланаётган бўлса ҳам амалда у тегишли соҳанинг барча йўналишига жавобгар бўлмаганлиги учун келгусида тадбирнинг натижадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, яъни у фақат ўз йўналишига дахлдор бўлган масалаларнигина ҳал қила олиши мумкин. Шу боис, оммавий қабуллар, имкон қадар, ташкилот биринчи раҳбари томонидан ўтказилиши, қабул ўтказаетган мансабдор шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги доираси қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, чегара ҳудудлар, олис ва чекка жойлардаги туманлар, шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар, овуллар, жумладан, анклав ва эксклав ҳудудларда оммавий қабуллар ўтказишнинг ўзига хос мураккабликлари, шу жумладан қўшни давлатлар билан музокаралар ўтказишга тўғри келиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд. Шу боис, бундай хусусиятга эга бўлган ҳудудларда яшовчи аҳолининг мурожаатларини мунтазам равишда бевосита тинглаш ва муаммоларини ҳал қилиш бўйича улар билан юзма-юз мулоқотлар олиб боришнинг муқобил усуллари хусусида ҳам ўйлаш лозим. Хусусан, давлатлар

ўртасидаги икки томонлама шартномаларда бундай тадбирларни ўтказиш зарурати юзага келганда, амалда бўладиган тартиблар белгиланиши мақсадга мувофиқ.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддасига асосан, оммавий қабуллар вақтида давлат органининг раҳбарига ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахсига келиб тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларга ёзма жавоб ёки электрон шаклдаги жавоб талаб этилмайди. Бироқ, оммавий қабулда келиб тушган мурожаат жойида ҳал этилган, деб топилса-да, кейинчалик унинг ижроси масъуллар томонидан “пайсал”га солинмаслиги учун қонунчиликда бундай мурожаатларнинг ижросини назорат қилишга оид алоҳида қоидалар назарда тутилиши зарур.

Шунингдек, мурожаатларда қўтарилган масалаларни кўриб чиқиш (ҳал қилиш) учун қўшимча муддат ва бошқа моддий ресурсларга зарурат мавжуд бўлса, давлат органи ва ташкилот вакиллари томонидан бундай мурожаатларни тадбир якунлангач Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойлардаги тегишли Халқ қабулхонасида алоҳида рўйхатга олиш ва ижроси таъминланишини назорат қилиш зарурлиги бўйича ҳуқуқий асослар белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида давлат бошқарувини амалга оширишда халқ иродасининг устунлигини таъминлаш, мунтазам равишда халқ билан очиқ ва самарали мулоқот ўтказиш, барча соҳаларда (йўналишларда) инсон манфаатларини рўйбга чиқариш ҳамда халқ розилигига эришиш давлат сиёсати даражасига қўтарилган.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ҳулоса сифатида айтиш мумкинки, оммавий қабуллар ўтказиш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тинглаш, аҳоли муаммоларини ҳал қилиш давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулигини ифода қилувчи муҳим институтлардан бири бўлиб, давлат бошқарувини халқда ислохотлар натижаларига нисбатан ишонч уйғотиш орқали демократик тамойиллар асосида амалга оширишга хизмат қилади.

“АВЕСТО” ДА ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ҲАМДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ МАСАЛАЛАРИ

Мурод ТУРҒУНОВ*

Аннотация. Тарих шундан далолат берадики, дунёдаги барча цивилизациялар, маданият ва динлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таянч тушунчаларнинг шаклланишига асос бўлган инсонпарварлик ғоялари таъсирида вужудга келган. Мазкур мақолада ҳам никоҳ ва оила муносабатлари “Авесто” да қандай тартибга солиниши ифодаланган.

Калитли сўзлар: “Авесто” китоби, оила, никоҳ, инсон ҳуқуқлари.

Аннотация. Все цивилизации, мировые культуры и религии создавались, как показывает история, под влиянием гуманистических идей, на основе которых формировались базовые понятия прав человека. В древнейшем письменном памятнике «Авеста», созданном в Азии более 2700 лет назад, важное место занимают идеи прав и свобод человека, построения межнациональных отношений на принципах взаимного уважения и доверия, отвергаются насилие и несправедливость. Автор статьи используя данный памятник истории отражает насколько Авеста регулировала брачно-семейные отношения как зародыш формирования прав человека.

Ключевые слова: “Авеста”, семья, брак, права человека.

Annotation. All civilizations, world cultures and religions were created, as history shows, under the influence of humanistic ideas, on the basis of which the basic concepts of human rights were formed. In the oldest written monument "Avesta", created in Asia more than 2,700 years ago, an important place is occupied by the ideas of human rights and freedoms, the building of interethnic relations on the principles of mutual respect and trust, violence and injustice are rejected. The author of the article, using this historical monument, reflects to what extent the Avesta regulated marriage and family relations as an embryo of the formation of human rights.

Key words: “Avesta”, family, marriage, human rights.

Ҳозирги замонда ҳалқаро ҳамжамят инсон ҳуқуқлари масаласига жуда катта эътибор бермоқда. Айнан ушбу соҳадаги қадриятлар келажакда цивилизациявий ривожланиш йўналишлари ҳамда ҳажмини белгилаб беришга қодир.

Ўзбекистон Республикаси ахборот асрига келиб, энг ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўринга эга бўлишга интилаётган бир даврда инсон ҳуқуқларига бўлган эътиборни янада кучайтириш, фуқароларнинг муносиб турмуш шароитлари таъминладиган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни ўзининг пировард мақсади деб эълон қилди ва шу йўлда изчил қадам босиб келмоқда. Жамиятда ўтказилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва маънавий соҳадаги туб ислохотлар айнан шу вазифаларни

амалга оширишга қаратилган. Бунда Ўзбекистон бир томондан жаҳон ҳамжамятида қабул қилинган ҳам тарихий, ҳам замонавий илғор демократик ғоялар ҳамда институтларга таянса, иккинчи томондан халқимизнинг узоқ ўтмишга бориб тақаладиган қадимий бой давлат-ҳуқуқий тажриба ва таълимотларига асосланади. Шунинг учун ҳам уларни қунт билан ўрганиб, амалиётимизга жорий этишимиз лозим.

Глобаллашув ва интеграциявий жараёнлар кучаяётган даврда инсон фаолиятининг тобора кенгайиб бориши, ижтимоий-маданий воқеликда янгидан-янги муаммоларнинг юзага келиши уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурияти билан таърифланиши жараёнлари содир бўлмоқда. Улар қаторига албатта коронавирус пандемиясини келтириш керак, чунки пандемия даврида оилаларда зўравон-

* Мурод Турғунов – юридик фанлар номзоди.

лик ва жанжалларнинг сезиларли равишда кучайганлиги кузатилмоқда. Бундай оқибатларга олиб келган сабабларни таҳлил қилсак позитив ҳуқуқнинг ижтимоий ҳаётнинг маънавий-руҳий пойдевор асосларидан ажраб қолгани, маданий-тарихий ва ҳуқуқий-ғоявий мафкуравий илдизлардан тобора узоқлашиб бораётганлигини кўрамиз.

Эътиборга лойиқ томони шуки, халқаро амалиётда (илмда ва амалиёт) аста-секин ҳуқуқнинг маънавий-руҳий ва тарихий илдизларига қайтиш зарурияти сезилмоқда, чунки уларсиз юкори даражада ривожланган ҳуқуқ оддий тартибга солувчи машинага айланиб, инсон хатти-ҳаракатларининг ягона қолипига эга бўлган жонсиз шаклларни яратиш ускунасига айланиб бораётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шунга асосан ҳуқуқни фақатгина расмий догматик метод асосида тадқиқ этиш чегарасидан чиқиб, ҳуқуқий воқеликка атрофлича баҳо беришда ундаги зиддиятлар ва хилма-хилликларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқнинг тарихий илдизларидан куч олиш, унинг мазмунига маънавий-руҳий куч бағишлаб, инсон ва унинг ҳуқуқларини олий қадрият сифатида янада юкори поғонага кўтаришга имкон беради.

Тарихий хотирани, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёни ғоят муҳим ўрин тутди. Ушбу қадриятлар орасида “Авесто” ҳуқуқий манбаи ҳам энг асосий ўринлардан бирига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, **“Бундан 2700 йил муқаддам Осиё ҳудудида яратилган энг кўхна ёзма ёдгорлик — “Авесто” китобида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро муносабатларни ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари негизда барпо этиш ғоялари муҳим ўрин тутди, зўравонлик ва адолатсизлик рад этилади”¹.**

“Авесто”нинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, оилавий-ҳуқуқий муносабатлар зардуштийлик ҳуқуқининг асосий объектларидан бири ҳисобланади. Зардуштийлик ҳуқуқ манбалари орасида оила ва никоҳ масалаларини тартибга солишда “Авесто” етакчи ўринни эгаллайди. “Авесто” Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбеклар қадимги оилаларидаги узоқ ўтмишда, милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида мавжуд бўлган оилавий-ҳуқуқий му-

носабатларни тартибга солган биринчи ёзма манба бўлганлиги билан ҳам кадрлидир. Зардуштийлик ҳуқуқий тизимининг асосий манбаи сифатида “Авесто” асосий эътиборни никоҳ тузиш зарурати, бола ҳуқуқлари ҳимояси, никоҳни бекор қилиш шарт-шароитлари, эр-хотин ўртасидаги мулкӣ муносабат ва ҳоказоларга қаратади.

Авесто жамиятида оила пастлашиб боровчи ва ён чизиклар бўйича кенг қариндошлик алоқаларидаги одамлардан иборат бўлган, оилавий мол-мулки, истеъмол ва ишлаб чиқариш умумийлиги, умумий аждоддан келиб чиққанлик билан характерланади².

“Авесто” оилага жамиятнинг асосий бўғини сифатида катта аҳамият берган, жамият мавжудлиги ва фаровонлиги, ижтимоий алоқаларнинг мустаҳкамланиши, ёмонликка қарши кураш, инсон наслининг давом этиши, Авесто жамиятининг яшовчанлиги, диннинг ворислиги ва тарқалиши унинг мустаҳкамлигига боғлиқ бўлган.

Жамиятнинг энг муҳим ҳужайраси ҳисобланган оила никоҳдан бошланади. Оила қанча соғлом, тўқ ва мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча соғлом, тинч ва фаровон ривожланади. Шунинг учун никоҳ ибтидоий жамият давридан бошлаб махсус урф-одат орқали оиланинг бардам ва мустаҳкам бўлишига қаратилган жамоатчилик томонидан нишонланиб, даставвал одат, кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштирилган ҳуқуқий институтлардан биридир. Шу сабабли “Авесто”да никоҳ Олий Тангри Аҳура Маздага хуш келувчи иш, никоҳсизлик эса гуноҳ, ёмонлик деб ҳисобланган.

Никоҳ тузилиши, “Авесто” бўйича, маълум маросимларда амалга оширилган бўлиб унда ёшларга маслаҳатлар ҳамда уларнинг биргаликдаги ҳаётида бир-бирларига ёрдам кўрсатиш ҳақидаги дуолар қилинган, ҳозиргача ҳам зардуштийлик издошлари томонидан уларга риоя этиб келинмоқда. Бугунги “Авесто”нинг муҳим жузъи бўлган Яснанинг 53 хоти, 3-5 бандлари никоҳ зарурати ва унинг аҳамияти масалаларига бағишланган: “Эй, пуручиста, Хачтаспий, Сипийтмоний! — Эй, Зардуштнинг болига кизи! Мазда Эзгу Ният ва Ашах — Ҳақиқатга қаттиқ ишонган зотни сенга тирикликнинг йўлдоши айлайди. Шундай экан, ўз ақлинг ва идрокингдан савол айла, Сипандормаз мадади ила хушёрлигингни зиёда қил!”³. Мазкур сўзлар Зардуштнинг ўз кенжа қизи Пуручистани Гершаспнинг вазири ва маслаҳатчиси

¹ Мирзиёев Ш.М. Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчиларига мурожаат / Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми материаллари (Самарқанд шаҳри, 2018 йил 22-23 ноябрь). — Т.: 2019 йил. — 7-бет.

² Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар — Т.: “Адолат”, 2001. — 228-229-бетлар.

Жомоспга никоҳлаётганда айтган нуткидир. Мазкур сўзларнинг ҳуқуқий аҳамияти шундан иборатки, зардуштийликда йўлбошчи, раҳнамо ёки пайғамбарларнинг хатти-ҳаракатлари, сукут сақлашлари, у хоҳ маъқуллаш ҳолатида ёки инкор этувчи хатти-ҳаракатлардан иборат бўладими, улар ўз-ўзидан ҳуқуқий хатти-ҳаракат деб тан олинган. Зардушт қизининг тўйида нутқ сўзлар экан, никоҳни оилавий муносабатларнинг муҳим элементи сифатида маъқуллабгина қолмай, балки никоҳ тузишнинг бошқа қонунқоидаларини ҳам ўрнатади.

“Ҳамкорлар ва қон-қариндошларга падарлик ва сарварлик мушарраф бўлган бу зотни шубҳасиз интиҳоб қилдим ва унга муҳаббатимни боғлайдирман. Шоядки, тирикликда Эзгу ният ёғдуси менга ўз нурларини таратса ва ашаванлар орасида ашаван аёл бўлсам ва Ахура Мазда энг буюк дин таълимотини менга муяссар айласа”⁴. Яснанинг 53 ҳоти 4-банддаги мазкур иборалар Зардуштнинг қизи Пуричистага тегишли бўлиб, у ўз хатти-ҳаракатлари билан зардуштийлик динига аслзодалар ҳам киришига замин яратган.

“Мен бу сўзларим билан куёв танламоқчи бўлган болиға қизларга ва сиз икки танга ҳам насиҳат қиламан”. Бундан кўриниб турибдики, бу ўринда Зардушт Пуричиста ва Жомоспагина эмас, балки балоғат ёшига етган барча йигит-қизларга хитоб қилмоқда. “Менинг ўғитларимга қулоқ солинглари ва уни ҳақиқатда хотирангизга жо қилинг ва ўз динларингизни топингларида, уни амалда жорий этинглари. Ҳар бирингизга лозимдирки, Эзгу ният нурлари остида ашаҳ ҳақиқат йўлида талашингиз ва олдинги сафларда юришга ҳаракат қилингиз. Шубҳасиз, бу унинг энг яхши муқофоти”⁵. Зардушт никоҳни қайд қилгандан сўнг ёшларга панд-насиҳат қилиб, эзгу амалларни амалга оширишга чорлайди. Бошқа эзгу амаллар қатори никоҳдан ўтиш ҳам эзгу амаллардан бири ҳисобланади. Зардушт яна бўлғуси келин-куёвларга қуйидагича мурожаат қилади: “Энди мен сизларга шахсан мурожаат этаман: пандимга қулоқ солинг ва айтганларимни хотирангизга муҳраб олинг. Ҳалоллик билан кун кечиринг йўлида ғайрат ва шижоатли бўлинг. Ҳар бирингиз яхши хулқингиз билан бир-бирингизга меҳр қўйинг, токим муқаддас эр-хотинликни хурсандлик ва хушбахтлик билан ўт-

казинг”. Зардуштийларда никоҳ бир умрга муҳрланган, бир эркакка икки никоҳ ёки вақтинча никоҳ раво бўлган эмас. Эру хотиннинг бир-бирига хиёлати қаттиқ лаънатланган, бегона эркак билан жуфтлашган аёл бадном қилиниб, жазоланган ва никоҳдаги эри учун “ҳаром” ҳисобланган⁶.

“Авесто”да никоҳ тузишда томонлар илгаридан шартлашиб олинганлиги ҳақидаги фактларни ўқиймиз. “Авесто”нинг вандидод қисми тўртинчи фарғард иккинчи қисми қирқ тўртинчи бандида қуйидагиларни ўқиймиз: “Икки киши, хоҳ диндош, хоҳ биродар, хоҳ дўст бир-бири билан нима хусусидадир паймон боғласалар – бирови иккинчисининг хонадонидан ўзига хотин танласа, ёхуд билим олмақликни истаса, сўзсиз унинг талаби қондирилмоғи ва хоҳлаган нарсаси берилмоғи лозим. Агар талабгор уни хотинини истаса берилади, дин илмини ўрганмоқни хоҳласа – ўргатилади”⁷. Биз бу ерда келин ва куёвнинг ота-оналарини, яъни оиланинг никоҳга бўлган муносабатларини, уларнинг олдиндан ўзаро келишуви бўлишини, бунда совчилик институти катта роль ўйнаганлигини кўраемиз. Демак, совчилик институти “Авесто” жамиятида ҳам бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.

Мазкур институт Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқида ҳам қадимдан мавжуд бўлган. Ўзбекларда ҳозиргача амал қилиниб келаётган анъанавий никоҳдаги совчилик институти мустаҳкам, фаровон, серфарзанд оилани яратишга қаратилган. Бу маросим оилавий турмуш тарзи, яъни Ўрта Осиёга хос қадимий, фақат муайян этник гуруҳ одамлар орасида ўрнатиладиган экзогам никоҳ тартиби, никоҳлашгандан кейин келин-куёвларнинг ўзаро учрашмасдан юриш ҳамда ота-она ва қариндошлардан андиша қилиб яшириниш одатлари, қавму қариндошлик ҳашари, қалин тўлаш, келиннинг сеп-сидирғаси ва ҳоказолар Авесто жамияти турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлган.

“Авесто”нинг Вандидод қисми қариндошликнинг тўққиз босқичини қайд этади: 1) ота-оналар; 2) фарзандлар; 3) ака-ука ва опа-сингиллар; 4) бобо ва буви; 5) неваралар; 6) тоғалар ва холалар; 7) амаки-ваччалар ва амаваччалар; 8) жиянлар; 9) ака-ука ва опа-сингил неваралари⁸.

“Авесто”да никоҳ ёши балоғат ёши билан тенглаштирилган, яъни ўн беш ёш қилиб белгилан-

³ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 31-бет.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўша манба. – 32-бет.

⁶ Ҳомидов Ҳомиджон. “Авесто” файзлари / Илмий муҳаррир: Н. Комилов. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001. – 58-бет

⁷ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 121-бет.

⁸ Ўша манба. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 32-бет.

ган. “Авесто”нинг Тийр Яшт, олтинчи бўлимининг 13–15-бандлари⁹, Вандидод қисмининг ўн саккизинчи фаргарди учинчи бўлими 54–57-бандлари¹⁰ ва Вандидод қисмининг ўн бешинчи фаргарди, учинчи бўлими, 15-банди¹¹ балоғат ёши ва никоҳ ёши муаммоларига бағишланган. Вояга етганлик ва динни қабул қилганликнинг рамзи деб “кусма” белбоғи саналган, у конфирмациядан, яъни синовдан ўтаётганлар белига боғланган¹². Шундай қилиб, фақат ўн беш ёшга тўлгандан кейингина ўспиринлар 72 хил рангли иплардан тўқилган белбоғ билан белларини ўраш ва ўзларини яхшилик йўлига бахшида этиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Ўн беш ёшдан сўнг маздапарастларнинг махсус белбоғини боғлаб, судра либосини киймаган ҳолатида уч одим ташлаган одам саравушу – чарана қамчиси билан 30 марта саваланади. Тўртинчи одими девлар измида бўлади, яъни девлар унинг тил ва миясини чалғитиб ташлайди, шундан сўнг у бутун қудрат билан ташлаган одими туфайли Сипандмийну оламини вайрон қилмоқни бошлайди, жодугарлар ва гумроҳлар каби тирикликни барбод этади¹³.

Шундай қилиб, “Авесто” ва зардуштийлик ҳуқуқининг бошқа манбалари никоҳ ёшини 15 ёш деб ҳисоблайди. Лекин бу 15 ёшдан кейин никоҳ тузиш мумкин эмаслигини билдирмайди. Умуман олганда зардуштий оилаларда никоҳ тузиш турли ёшда амалга оширилган. Масалан, зардуштнинг ўзи 20 ёшда никоҳга кирган. Никоҳ ёшининг 15 ёш доирасида белгиланганлиги фақат 15 ёшда никоҳга кириш шартлигини билдирмайди, чунки 15 ёшга тўлган барча йигит-қизларни бир вақтда никоҳдан ўтказишнинг иложи йўқлигини ҳаётнинг ўзи ҳам тасдиқлайди.

Зардуштийликда кўп хотинлик қатъий ман этилган. Айни пайтда ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга етган қиз бола ота-она, жамоанинг раъйини писанд қилмай, ўзидан зурриёт қолдиришни истамай, қасддан турмушга чиқмай умргузаронлик қилиб юрса, у қопга солиниб, 25 дарра калтакланиш билан жазоланган. Йигит зурриёт қолдириш қобилияти бўла туриб, атайлаб уйланмай юрса, уни бадном қилиш мақсадида ҳар доим темир камар боғлаб юришга мажбур этилган. Ўз вақтида жуфти ҳалол танлай олмай ёки бошқа жисмоний сабаблар-

га кўра турмуш қурмай, ёшлари ўтиб қолган аёллар додгустир (қози) фатвоси билан Оташқада ва унинг қарамоғидаги китобхона, дармонгоҳ ва сиҳатгоҳ ҳамда ҳужраларда хизмат қилишган.

Бундан ташқари, “Авесто”да оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ тутиш хусусида ҳам диққатга молик мулоҳазалар мавжуд: “Эй мардум, ўзгаларнинг яхши маслаҳатларига қулоқ тутинг ва уларга равшан андиша билан қаранг. Яхши билан ёмонни фарқлашга диққат қилинг, ҳар бир эркак ва аёл фурсатни бой бермай ўзи тўғри йўлни танласин, токи ҳаёти пок ва хирадманд ёр билан ўтадиган бўлсин”¹⁴.

Оила ҳуқуқига мурожаат қиладиган бўлсак, қадимдан никоҳнинг турли туман шакл ва турлари мавжуд бўлган. Никоҳнинг шакл ва турлари оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг турли жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда фарқланади. Оила ҳуқуқи тарихида никоҳ турларини таснифлаш никоҳ субъектларига қараб амалга оширилиши кенг тарқалган ва тан олинган. Унга кўра никоҳнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлган:

- эндогам никоҳ – қон-қариндошлик асосида тузилган никоҳ;
- экзогам никоҳ – бошқа уруғ ёки қабила вакиллари билан тузилган никоҳ;
- левират никоҳ – икки ёки ундан ортиқ ака-укаларнинг биргаликда тузган никоҳи, яъни бева аёлнинг эрининг ака ёки укасига турмушга чиқиши;
- кросспузен никоҳ;
- ортокузен никоҳ.

К. Леви-Стросс эндогам никоҳнинг жамиятга нисбатан бўлган салбий таъсирини ўрганиб, давлатнинг вужудга келишида жинсий назарияни илгари сурган ва унинг мазмунига кўра қон-қариндошлик асосида тузилган никоҳ (инцест) тақиқланиши оқибатида жамиятнинг ривожланиши сезиларли даражада тезлашган ва охир-оқибат бу вазият давлат институтлари яратилишига олиб келган. Шунга асосан, вақт ўтиб эндогам никоҳнинг йўқ бўлиши мазкур тарихий жараёнинг хусусиятларидан биридир¹⁵.

⁹ Периханьян А. Г. Общества и право Ирана в Парфянский и Сасанидский периоды. – М., 1983. – С. 235.

¹⁰ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 164-бет.

¹¹ Ўша манба. – 154-бет.

¹² Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар – Т.: “Адолат”, 2001. – 228 – 229-бетлар.

¹³ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 164-бет.

¹⁴ Ҳомидов Ҳомиджон. “Авесто” файзлари / Илмий муҳаррир: Н. Комилов. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001. – 59-бет.

¹⁵ Леви-Стросс – ҳозирги замон француз этнографи ва социологи. – Соч.: “Структурная Антропология”, 2001. – С.14.

Авесто жамиятидаги оила ва никоҳ институтини таҳлил қилиш Ўрта Осиё ҳудудида, жумладан Ўзбекистонда юқоридаги никоҳнинг беш тури мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Эндогам никоҳ никоҳнинг энг қадимий шакли сифатида инсоният тарихида барча халқларда мавжуд бўлган. Геродотнинг ёзишича, Камбис ўз синглиси Аттос билан эндогам никоҳда бўлганлиги¹⁶, Ктесийнинг ёзишича, саклар маликаси Зарина ўз укаси Кидрей билан никоҳда бўлганлиги маълум¹⁷.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги эндогам никоҳни жамият ахлоқий нормаларига мос келмаслиги ва тиббиёт нуқтаи назаридан талабга жавоб бермаслиги боис рад этади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 16-моддасининг 2-қисмига асосан қуйидаги ҳолатлар никоҳ тузишга тўсқинлик қилади: “Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олинганлар билан фарзандликка олинувчилар ўртасида”¹⁸. Умуман олганда зардуштийликда мавжуд беш никоҳ туридан фақат биттаси – экзогам никоҳ тури ҳозирги қонунчилигимизда оиланинг соғлом, мустақкам ва барқарор бўлиши учун имкон яратади, деб ўз аксини топган.

Никоҳ субъектларининг мақомига кўра никоҳ турлари “Авесто”да ҳам ифодаланган. Жумладан, турмушга чиқиш ва уй бекаси бўлишнинг беш тури кўрсатилган:

1. Подшоҳ хотин. Бунинг маъноси шундаки, йигит ва қиз ота-оналарининг розилиги билан турмуш қурадилар. Бунда оналарнинг мавқеи баланд бўлади¹⁹. Фикри-мизча мазкур никоҳ ёзма равишда тузилган. Тарихдан бизга бундай никоҳ турларидан бир қанчаси етиб келган. Мазкур никоҳ тури қуйидаги хусусиятларга эга:

- а) мазкур никоҳ натижасида аёл ота ҳомийлигидан эрининг ёки қайнотасининг ҳомийлигига ўтади;
- б) бундай никоҳ орқали туғилган болалар қонуний ва ота меросхўр бўлиб ҳисобланадилар;
- в) ушбу никоҳ эр томонидан – унинг ўзи, келин томонидан унинг вакили – яъни отаси ёки ҳомий томонидан тузилади;

г) никоҳ гувоҳлар иштирокида тузилиб, икки нусхада манфаатдор томонларга берилган;

д) мазкур никоҳ натижасида эр хотинининг уй бекаси сифатидаги ҳуқуқини тан олиши, уни моддий жиҳатдан таъминлай олиши, никоҳ орқали туғилган ҳамма болаларини меросхўр деб тан олиши лозим бўлган.

Ушбу никоҳ бўйича ажралиш томонларнинг розилиги билан амалга оширилган. Фақат қуйидаги ҳолатларда хотиннинг розилиги талаб этилмаган:

- а) хотиннинг эрга бўйсунмаслиги натижасида;
- б) хотин сеҳру-жоду билан машғул бўлса;
- в) хотин диний хусусиятга эга ҳуқуқбузарликларни амалга оширганда;
- г) никоҳ тузилгандан сўнг ўн йил мобайнида хотин туғмаса²⁰.

Сосонийлар сулоласи оиласини тадқиқ қилган тадқиқотчи А. Мазаҳири никоҳни бекор қилишнинг қуйидаги асосларини қайд қилиб ўтади:

- а) хотин ёки эрнинг бир-бирига хиёнат натижасида;
- б) хотин ўз касаллигини эридан яширган бўлса;
- в) хотин сеҳру-жоду билан шуғулланганда;
- г) хотин насл қолдиришга нолойик бўлса²¹. Кўпгина тадқиқотчилар зардуштийликда эр-хотиннинг ажралишлари жуда камдан кам содир бўлган деб ҳисоблайдилар. Агарда эр-хотин юқорида келтирилган никоҳнинг бекор бўлишига асос бўладиган ҳолатларда ажралишмасалар, уларга “margarzan” жазоси – яъни ўлим жазоси берилган²². Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, зардуштийлик ҳуқуқи нормалари ўзининг юмшоқлиги, эркинликка йўл очиб беришига қарамадан оилани сақлаб қолиш, оилавий ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш тарафдори бўлган.

2. Аюқхотин, яъни “яккабону”. Агар йигит бирон оиладаги ягона фарзанд – қизга уйланса, олдиндан бу хонадонни яккалаб, меросхўрсиз қолдирмасликка ваъда беради. Янги оилада туғилган биринчи ўғил бобоси ва бувисининг номига ўтказилади ва бола уларнинг меросхўри бўлади²³. А.Г. Периханьяннинг фикрича, бу ерда сўз эпиклер никоҳ ҳақида кетмоқда. “Матндан кўриниб турибдики, бу ерда қиз меросхўрнинг ягона

¹⁶ Геродот. История. В девяти томах. – М., 1999. – С. 208.

¹⁷ Пьянков И. В. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. – Душанбе, 1975. – С. 75.

¹⁸ Ж. Т. Холмўминов ва бошқ. Фуқаролик ва оила ҳуқуқи. Масъул муҳаррир юрид. фан. док. проф. Х. Раҳмонқулов. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2008. – 475-бет.

¹⁹ Ҳомидов Ҳомиджон. “Авесто” файзлари / Илмий муҳаррир: Н. Комилов. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001. – 60-бет.

²⁰ Периханьян А. Г. Общества и право Ирана в Парфянский и Сасанидский периоды. – М., 1983. – С. 99.

²¹ Қаранг: Mazaheri A. Nafa famille Iranienne aux temps anteislamiens. – Paris, 1983. – P. 79–80.

²² Ўша манба. – 80-бет.

²³ Ҳомидов Ҳомиджон. “Авесто” файзлари / Илмий муҳаррир: Н. Комилов. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001. – 58-бет.

қизи бўлиши шарт бўлмаган: бундан кўриниб турибдики, агарда меросхўрнинг қизлари бир нечта бўлганда юқоридаги ҳолат ўз-ўзидан аҳамиятини йўқота борган”. Шундай қилиб, қадимги юнон ҳуқуқидаги эпикрат институти зардуштийлик ҳуқуқида ҳам ўз аксини топган. Ушбу турдаги никоҳ баъзи бир ўзгаришлари билан ҳозирда ҳам Ўзбекистонда учраб туради. Бу бизнинг қонунчилигимизда мавжуд бўлмай, одат бўйича бунда уйда ўғли бўлмаган ота-она ўз қизини турмушга берганда куёв келиннинг ота-онасининг уйда яшаб, улар қариб қолган пайтларида ёрдам бериши зарур бўлади. Бунда куёв “ичкуёв” номини олади. Бундай никоҳ асосан қон-қариндош томонлар билан тузилади. Эпиклер никоҳнинг ҳозирги никоҳлардан фарқи шундаки, бунда меросхўрнинг қизи тўғридан-тўғри отасининг меросхўри бўлиб ҳисобланади. Мазкур никоҳ турининг ҳозиргача сақланиб қолишига сабаб иқтисодий манфаатдорлик, келиннинг қари ота-оналарини ёлғизлатиб қўймаслиқдир.

3. Чокар хотин. Бунда аввалги жуфти ҳалолидан ажралган эркак ёки аёл ўзига янги турмуш ўртоғи танлайди. Зардуштийлик этикодича, эр ёки хотин вафотидан сўнг олдинги жуфти ҳалолига никоҳ соҳиб ҳисобланади. Бинобарин, иккинчи эр ёки хотин олдингисининг чокари ҳисобланади. Шунингдек, эр фарзанд кўриш илнжида, биринчи хотин розилиги билан иккинчи маротаба уйланса, иккинчи аёл биринчисига нисбатан “чокар хотин” ҳисобланади.

4. Ўзбошимча хотин. Зардуштийлик дини қоидасига кўра, ўғил-қизлар 21 яшар бўлгунга қадар эркин жуфти ҳалол танлаш ҳуқуқига эга эмас. Агар йигит қиз билан аҳду-паймон қилиб, ота-оналар розилигисиз никоҳлан ўтмоқчи бўлса, жамоа вакиллари бундай тўйни ўтказишган. Аммо мўъбад никоҳ ўқиганда, “Томонлар ота-оналарининг розиликларисиз турмуш кураётганликлари учун уларга тегажак меросдан маҳрум этиладилар”, деган жумлани қўшиб қўйган. Бу келин “худсар – ўзбошимча хотин” номини олган²⁴.

Мазкур никоҳ шаклини тадқиқ қилар экан, тадқиқотчи А.Г. Периханьян, мазкур никоҳ шаклининг қуйидаги элементига асосий этиборни қаратади: – қизнинг куёвнинг уйига кўчиб ўтиши ва куёв танлашда қизнинг мустақиллиги. У ушбу никоҳ турини учга бўлади:

1. Балоғат ёшига етган қизнинг мустақил қарор қабул қилиши ва куёвниқига кетишда отаси ёки онасининг қаршилигига учрамайди, яъни улар қизининг ушбу қарорини сукут сақлаш орқали маъқуллайдилар.

2. Балоғат ёшига етган қизнинг мустақил қарор қабул қилиши ва куёвниқига кетиши ҳомийларнинг қаршилиқ кўрсатишига олиб келади.

3. Ота балоғат ёшига етган қизини эрга бермасдан, ўз оталиқ бурчини бузган ҳолда, ўз қизи билан жинсий ҳаёт кечиради²⁵.

Ушбу никоҳнинг юқоридаги барча ҳолатларида қиз “ўзини ўзи никоҳлайди” ва унинг хатти-ҳаракати “конкубинат” ёки хиёнат ҳисобланмайди, балки “бажаспан” – эр-хотинлик мақомини олади. Ушбу никоҳда келин балоғат ёшига етган ҳисобланади ва қизлар бундай никоҳ тузиш ҳуқуқига фақат ўн беш ёшга етгандан сўнггина эга бўладилар.

5. Ситтар хотин. Агар эр-хотин узоқ муддат яшасалару, зурриёт кўрмасалар ёки кўчага биров ташлаб кетган чақалоқни олиб “фарзандхонд” қилиб олишса, бу оила аёли “ситтор хотин” бўлади. Қадимий мақоллардан бирида “Болали уй бозор, боласиз уй мазор” деб бежиз айтилмаган. Жамоатчилик фикрича, боласиз оилалар кўпинча бузилган ёки эри иккинчи хотин олишга мажбур бўлган.

Шундай қилиб, никоҳ институти нафақат Ўрта Осиёда, балки ўзбекларнинг айрим этнографик гуруҳлари орасида ҳам бироз фарқ қилиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Фикримизча, никоҳ институти авесто жамиятида умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ажойиб ҳуқуқий институт бўлиб, унда барча элатлар учун зарур қонун-қоидалар ўз ифодасини топган.

Хулоса қилиб айтганда, “Авесто” китоби ўз даврида оилавий йўналишдаги ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солган. Бунда никоҳ маълум маросимлар асосида амалга оширилган. Ушбу маросимларда ёшларга насихат ва маслаҳатлар берилган, дуолар қилинган. Бундай удумларнинг аксари аҳоли турмуш тарзида ҳозирда ҳам сақланиб қолган.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, зардуштийлик ҳуқуқида полигам оила шакли мавжуд бўлмаган, демак, Авесто жамиятида оила – моногам шаклида бўлган.

“Авесто”даги мавжуд никоҳ институти умуминсоний қадриятлар асосида оилани мустаҳкамлашга қаратилган. Зардуштийлик ҳуқуқи оилада юксак инсоний фазилятлар, одоб-ахлоқ, садоқат, ғамхўрлик, ўз бурчи ва вазифасини англаш каби туйғулар асосидаги оилавий муносабатларни қўллаб қувватлаган. Зардуштийлик ҳуқуқида никоҳ олий қадрият ҳисобланиб, никоҳни сабабсиз бекор қилиш қаттиқ қораланган ва бундай ҳаракатни амалга ошириш гуноҳ саналган.

²⁴ Ҳомидов Ҳомиджон. “Авесто” файзлари / Илмий муҳаррир: Н. Комилов. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001. – 60-61 бетлар.

²⁵ Периханьян А. Г. Общества и право Ирана в Парфянский и Сасанидский периоды. – М., 1983. – С. 90.

БИТИМЛАР ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Қодирбек МУСАЕВ*

Аннотация. Мазкур мақолада битимнинг ҳақиқийлиги ва ҳақиқий эмаслиги, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги ва унинг оқибатлари каби масалалар ёритилган.

Таянч сўзлар: битимнинг ҳақиқийлиги, битимнинг ҳақиқий эмаслиги, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асослари, яхши ахлоқ, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар.

Аннотация. В данной статье рассматриваются такие вопросы, как действительность и недействительность сделки, недействительность сделки, не соответствующей требованиям законодательства и ее последствия.

Ключевые слова: действительность сделки, недействительность сделки, основы правопорядка или нравственности, добрые нравы, ничтожная сделка.

Annotation. This article discusses issues such as the validity and invalidity of a transaction, the invalidity of a transaction that does not comply with legal requirements and its consequences.

Keywords: the validity of the transaction, the invalidity of the transaction, the foundations of law and order or morality, good morals, void transaction.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Қонунчилиқни янгилашдан мақсад – фақат қонун қабул қилиш эмас, аксинча, янги қонунлар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгилаштириши ҳақида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозим”¹.

Шундан келиб чиқиб, амалдаги фуқаролик қонунчилигида битимнинг ҳақиқий эмаслигини ҳам назарий, ҳам амалий таҳлил қилиш долзарб вазифалардан биридир.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаётида битимлар субъектларнинг онгли, эрк-ирода асосидаги ҳатти-ҳаракатлари бўлиб, улар муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келади.

Шу билан бирга, ҳуқуқий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, фуқаролик ҳуқуқи

қонунчилигида битимларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш учун қуйидаги шартлар бўлиши керак:

✧ битимнинг мазмуни ва ҳуқуқий натижа-си қонунга зид бўлмаслиги;

✧ битим тузаётган жисмоний ва юридик шахслар унда иштирок этиш лаёқатига эга бўлиши;

✧ битим иштирокчисининг хоҳиши унинг ҳақиқий иродасига мос келиши;

✧ битим таркибининг қонун талабларига мувофиқлиги.

Санаб ўтилган шартларнинг камида биттаси ба-жарилмаса битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланади².

Аксарият олимлар битимни ҳуқуқий аҳамият-га эга қонуний ихтиёрий ҳаракат деб ҳисоблайди-лар. Бошқа бир олимлар эса битимни фақат қону-

* Қодирбек Мусаев – Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 йил. Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти: <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

² Шахбонова Ю.А. Условия действительности сделок по Российскому гражданскому законодательству. Сборник статей тридцать третьей Международной научной конференции «Свобода и право». 2018 г.

ний ҳаракатлар деб тушуниш керак деган хулосага келишган. Улар битимнинг ҳақиқий эмаслиги аслида битим ҳисобланмайди, деган илмий ғояни илгари сурадилар. Масалан, Ф.С.Хейфецнинг таъкидлашича, “Ҳаракатнинг қонунийлиги битимнинг конструктив элементи бўлиб, уни ҳуқуқбузарликлардан ажратиб туради”³. Ўз навбатида, айрим олимларнинг нуқтаи назарига кўра, битим иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларининг табиати ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас, чунки бу фақат битимнинг оқибатлари учун муҳимдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, битимлар ҳақиқийлиги ва ҳақиқий эмаслиги, қонунийлиги ҳақиқий битимнинг белгиси ёки элементи сифатида қаралади.

Битимнинг ҳақиқий эмаслиги ҳозирги замон фуқаролик ҳуқуқи фанининг асосий муаммоларидан биридир. Бундай битим иқтисодий алоқаларнинг мустақамлигини ва фуқаролик муомаласининг барқарорлигини бузади ҳамда битим шаклида қилинган ҳаракатлар фуқаролик ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Низоли битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб битим тарафи ёки қонунда кўрсатилган бошқа шахс томонидан берилиши мумкин. Агар битим учинчи шахсларнинг манфаатларига қарши қаратилган бўлса ва қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларни бузса, у ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Битимнинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги шуни англатадики, битим кўринишида амалга оширилган ҳаракат қонунга номувофиқлиги сабабли унинг иштирокчилари истаган ҳуқуқий оқибатларни юзага келтирмайди ва юзага келтириши мумкин ҳам эмас.

Қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 114-моддасида белгиланган оқибатларга олиб келади, яъни агар ушбу ҳуқуқий оқибатлар ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларини бузса, битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битимнинг ҳақиқий

эмаслиги тушунчаси юридик адабиётларда турлича талқин қилинган. Жумладан, А.П. Беловнинг қайд этишича, “Жамоат тартибини бузишни таҳлил қилган ҳолда, чет эл қонунчилигида мавжуд бўлган ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларни ҳақиқий эмас деб топишда, на қонунчиликда, на доктринада “жамоат тартиби” тушунчасининг аниқ таърифи мавжуд эмас”⁴.

Цивилист олим Л.В. Щенниковнинг фикрича, “яхши ахлоқ” атамаси инсон хатти-ҳаракатларининг мезонини англатади, унда ҳақиқий ҳаракатлар одоб-ахлоқ қоидалари, бурч ва шараф қоидаларига бўйсунди. Унинг фикрича, “Яхши ахлоқ жамиятда сиёсий ва иқтисодий тамойиллар сингари зарурдир”⁵. “Яхши ахлоқ” тушунчасидан замонавий немис ва француз фуқаролик ҳуқуқида битимларнинг ҳақиқий эмаслиги мезони сифатида фойдаланилади. Масалан, Германия Фуқаролик кодексининг 138-параграфида, “Яхши ахлоқ қоидаларини бузадиган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Агар у ижтимоий ахлоқнинг минимал талабларини ёки асосий ҳуқуқий принципларни бузса, битим ахлоққа зид ҳисобланади”, деб белгиланган.

Н.Растеряевнинг фикрича, “Битимнинг ҳақиқий эмаслиги битимнинг камчилиги, маълум бир юридик таъсирни бериши мумкин эмаслиги, натижада битим қонуний тўғри эмаслиги ва ҳақиқий эмаслиги деб тушунилади”⁶.

Битимлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларга тегишли эканлигини умумий эътироф этган ҳолда, Н.В. Рабинович битимнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида қуйидаги фикрларни таъкидлайди:

✦ субъектнинг иродасини маълум бир шаклда ифода этадиган ихтиёрий ҳаракатни англатади;

✦ ҳар қандай битимда бўлгани каби, унда ирода ифодаси ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилади;

✦ битимнинг ҳақиқий эмаслиги натижасида муайян ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади;

³ Хейфец Ф.С. Недействительность сделок по российскому гражданскому праву. – М.: Юрайт, 2000. – С.15.

⁴ Белов А.П. Публичный порядок: законодательство, доктрина, судебная практика// Право и экономика. 1996. № 19. – С. 90.

⁵ Щенникова Л.В. Гражданско-правовое регулирование: публичные интересы, общие пользы, добрые нравы. М.: 2013. – С. 51.

⁶ Растеряев Н. Недействительность юридических сделок по русскому праву: часть Общая и часть Особенная: догматическое исследование. СПб.: Общественная польза, 1900. – С.10.

✧ унинг иштирокчилари у ёки бошқа ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишга интилган бўлиши ва бошқа мақсадларни кўзламаган бўлиши мумкин⁷.

Цивилист ҳуқуқшунос олимлар М.И. Брагинский ва В.В. Витрянскийлар тўғри таъкидлаганидек, “Агар биз битимнинг ҳақиқий эмаслигини битим деб ҳисобласак, битим тушунчасидан унинг асосий элементларидан бирини олиб ташлашимиз керак бўлади. Битим – бу қонуний ҳаракат эканлиги тушунилади”⁸.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фуқаролик ҳуқуқи фанида “низол” ва “ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган” атамаларининг масаласи ҳалигача мунозарали бўлиб қолмоқда. Г.Ф. Шершеневичнинг ёзишича, битимнинг ҳақиқий эмаслиги икки турга ажратилади:

✧ битимнинг мутлоқ ҳақиқий эмаслиги ёки ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги, агар у қонунга мувофиқ бирон-бир ҳуқуқий оқибатларга олиб келмаса, тан олинади;

✧ нисбий ҳақиқий эмаслиги ёки рад этилиши битимни ҳуқуқий оқибатлардан маҳрум қилмайди, лекин натижага фақат манфаатдор шахснинг эътирози ёки даъвоси билан олиб келади⁹.

С.П.Луневанинг фикрича, “Низол битимлар суд томонидан ҳақиқий эмас деб тан олинishiга қадар амал қилади”¹⁰.

Амалдаги фуқаролик қонунчилигига кўра, битимларнинг ҳақиқий эмаслиги натижасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 114-моддаси 2-қисмига мувофиқ икки томонлама реституция амалга ошади, яъни тарафлар улар битим тузишдан олдинги ҳолатга келтирилади. Бунда қонун тарафларнинг ҳар бирига битим бўйича олинган ҳамма нарсани бошқа тарафга қайтариш мажбуриятини юқлайди.

М.В. Телюкинанинг таъкидлашича, “Битимларнинг ҳақиқий ва ҳақиқий эмаслиги ҳуқуқий

муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишига олиб келади. Битимнинг ҳақиқийлиги томонлар истаган юридик оқибатларга, битимнинг ҳақиқий эмаслиги эса қонунда кўрсатилган оқибатларга олиб келади”¹¹.

Олим Д.М. Генкин эса битим ҳақиқий эмас деб тан олинishi учун суднинг махсус қарорини қабул қилишнинг ҳолати йўқ деб ҳисоблайди¹².

В.П.Шахматовнинг фикрича, “Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш муҳим ҳисобланса-да, уларнинг ҳақиқий эмаслиги қонун билан олдиндан белгилаб қўйилганлиги сабабли, битимнинг ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини аниқлаш учун суд қарори амалий аҳамиятга эга”¹³.

Н.В. Рабинович эса ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар суд томонидан ҳақиқий эмас деб эълон қилиниши кераклигини таъкидлайди, чунки “фақат суд ёки арбитраж қонунга мувофиқ мажбурий тартибда битимнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келадиган шартлар мавжуд эканлигини аниқлай олади”¹⁴.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 116-моддасига биноан, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун шахснинг қасддан ҳаракат қилганлиги асос бўлади.

Юридик адабиётларда тўғри таъкидлаб ўтилганидек, битим тарафларининг ҳар иккисига ғаразли ният бўлган бўлса, битим икки тараф томонидан бажарилган ҳолда улар битим бўйича олган барча нарсалар Ўзбекистон Республикаси даромадига ундириб олинади, битим бир тараф томонидан бажарилган ҳолда иккинчи тарафдан у олган барча нарсалар ва бунинг эвазига биринчи тарафга берилиши лозим бўлган барча нарсалар Ўзбекистон Республикаси даромадига ундириб олинади¹⁵.

⁷ Рабинович Н.В. Недействительность сделок и ее последствия. Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1960. – С.67.

⁸ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. М.: Статут, 2006. – С.119.

⁹ Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. Т. 1 / науч. ред.: Ем В.С. М.: Статут, 2005. – С.196.

¹⁰ Лунева С.П. Оспоримые и ничтожные сделки: новеллы законодательства // Юридические исследования. Ставрополь: ФГАОУ ВПО “Северо-Кавказский федеральный университет”, 2013. № 3. С.49.

¹¹ Телюкина М.В. Понятие сделки: теоретический и практический аспекты // Адвокат. – 2002. – № 8. – С.27.

¹² Генкин Д.М. Недействительность сделок, совершенных с целью, противной закону // Учен. зап. В.И.ЮН. – 1947. – Вып.5. – С. 49.

¹³ Шахматов В.П. Составы противоправных сделок и обусловленные ими последствия. – Томск, 1967. – С.148.

¹⁴ Рабинович Н.В. Недействительность сделок и ее последствия. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1960. – С.16-17.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010. – 816 б. – (Профессионал (малакали) шарҳлар).

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги қарорига кўра, битимни амалга оширган шахснинг ёки икки томонлама битим (шартнома) иштирокчиларидан бирининг имзоси ҳақиқийлигига шубҳа туғилиб, битим низолашилганда, арз қилинган талаб асосли бўлса, битим Фуқаролик кодексининг 116-моддасига мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилади¹⁶.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқда айрим давлатлар фуқаролик қонунчилигида ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига зид мақсадда тузилган битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ҳисобланади ҳамда ушбу битимлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

✧ фуқаролик муомаласи чекланган нарсаларни (тегишли турдаги қурол, ўқ-дорилар, гиёҳвандлик воситалари) ишлаб чиқариш ва йўқ қилишга қаратилган битимлар, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган нарсалар ва бошқалар;

✧ экстремистик ва террористик йўналишдаги адабиётларни ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, тарқатиш (шу жумладан уруш, миллий, ирқий ёки диний адоватни тарғиб қилиш) билан боғлиқ битимлар;

✧ қалбаки ҳужжатлар ва қимматли қоғозларни тайёрлаш ёки сотиш билан боғлиқ битимлар;

✧ ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар асосларини бузадиган битимлар¹⁷.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, цивилистикада битимларнинг ҳақиқий эмаслиги ҳуқуқбузарлик сифатида ифодаланади. Ҳуқуқбузарликлар ўрнатилган тартибларни бузган ҳолда намоён бўлади ҳамда бу шахсларнинг субъектив ҳуқуқларини бузади, шу билан бирга ижтимоий муносабатларга зарар етказиши.

Битимни ҳақиқий эмас деб топишнинг асосий ҳуқуқий оқибатлари умумий ва махсусга бўлина-

ди. Умумий оқибат икки томонлама реституциядир. Махсус оқибатларга бир томонлама реституция ва реституциянинг олдини олиш киради. Бундан ташқари қўшимча оқибатлар ҳам юзага келиши мумкин, улар ҳақиқий зарарни қоплаш, қарзга олинган пул бўйича фоизларни тўлашни ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан, битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари тўғрисида умумий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 114-моддасида белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, битим ҳақиқий эмаслигининг ҳуқуқий оқибатлари юзага келиши учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши керак:

✧ битимнинг мақсади ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига зид бўлса;

✧ битим тарафларидан бирининг нияти (тўғридан-тўғри ёки билвосита) аниқланса;

✧ битим камида унинг иштирокчиларидан бири томонидан бажарилса.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, Фуқаролик кодексининг 116-моддаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим қоидалари тўғрисида бўлиб, фуқаролик қонунчилигида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар бузилмаслигини таъминлашга хизмат қилади.

Фикримизча, битимнинг ҳақиқий эмаслиги шуни англатадики, субъектнинг хоҳиши ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатга йўналтирилади. Битимнинг ҳақиқий эмаслиги ноқонуний хатти-ҳаракат ҳисобланади ҳамда ўзида ҳуқуқбузарликни намоён этади. Субъектнинг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари жамиятда ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларини бузишга қаратилган бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, битимнинг ҳақиқий эмаслигини қўллаш муаммолари мунозарали бўлиб, фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни, миллий қонунчиликни ривожлантиришни ҳам назарий, ҳам амалий таҳлил қилишни тақозо этади.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 17-сон қарори.

¹⁷ Лакоценина Н.М. Ничтожные сделки в гражданском законодательстве России и Таджикистана: общность и специфика. Международный правовой курьер №1 (25) | январь 2018 г.

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ТУШУНЧАСИ: ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН

Сирожбек СУЛТАНОВ*

Аннотация. Мазкур мақолада ижтимоий адолат тушунчасининг тарихий-фалсафий талқини ҳақидаги фикрлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада категория сифатидаги адолат мутлақ универсал, метафизик тушунчалар туркумига кириши ижтимоий бузғунчилик даъватларига ижтимоий муносабатлар адолатининг мангу муаммосини акс эттириши борасидаги фикрлар ёритилган.

Калит сўзлар: ижтимоий адолат, тарих, фалсафа, категория, адолат, универсал, метафизик, маънавият.

Annotation. This article presents a scientific analysis of the historical and philosophical interpretation of the concept of social justice. The article also discusses the idea that the inclusion of justice as a category in the category of absolutely universal, metaphysical concepts reflects the eternal problem of justice in public relations with a call for social annihilation.

Key words: social justice, history, philosophy, category, justice, universality, metaphysics, spirituality.

Аннотация. В данной статье представлен научный анализ историко-философской интерпретации концепции социальной справедливости. В статье также обсуждается идея о том, что включение справедливости как категории в категорию абсолютно универсальных, метафизических концепций отражает вечную проблему справедливости в общественных отношениях с призывом к социальному уничтожению.

Ключевые слова: социальная справедливость, история, философия, категория, справедливость, универсальность, метафизика, духовность.

Категория сифатидаги адолат мутлақ универсал, метафизик тушунчалар туркумига кирди, чунки у ижтимоий бузғунчилик даъватларига ижтимоий муносабатлар адолатининг мангу муаммосини акс эттиради. Ушбу категория ўзининг мавҳумлиги ва нисбийлиги боис фалсафий категориялар туркумига киритилган. Файласуфлар доимо ифодалашнинг қатъий белгиланган шаклида адолатни аниқ мазмун билан тўлдиришга интилиб келганлар. Афтидан бунга ўхшаш ҳолатда “ижтимоий адолат” тушунчасини ва унинг мазмун кўри-нишини замонанинг долзарб муаммолари нуқтаи назаридан тадқиқ қилишнинг услубий тамойилла-

ри (йўналишлари ва асосий ёндашувлари) тўғрисида сўз юритиш мумкинга ўхшайди. Шу боисдан ҳам “Авесто”да: “Инсон ўз фикр-хаёлида ҳам бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва бошқа жаҳолатларга берилмайди, чунки ҳақиқат, адолат эгилади, аммо синмайди”¹, – деб ёзилган эди.

Аристотель ўзининг машҳур “Никомах маънавияти” асарида, “Адолат тушунчаси айни бир замонда ҳам қонуний, ҳам тенг нарсани, адолатсизлик эса қонунга зид (кишиларга нисбатан) нотенгликни англатади”, деб ёзган эди². Сукрот ўз замонидеёқ, “Агар ҳақиқат сўзланса, алданмаса,

* Сирожбек Султанов – Тошкент давлат транспорт университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси докторанти.

¹ Авесто. Тарихий – адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 5-бет.

² Аристотель. Этика. Политика. Риторика. Поэтика. Категории. – Минск: 1998. – С.414 – 415.

фойда келтирилса – бу адолат, ёлғон сўзлаш, зарар етказиш ва алдаш адолатсизликми?” – деган саволни қўйган эди. Мутафаккир ўз ўзига жавоб берган ҳолда ўз душманларига зарар етказиш ҳамда дўстларни уларнинг фойдаси учун алдаш ҳам адолатдир деб жавоб қайтаради. Биз адолатсизлик билан ўралганмиз, аммо адолатга нисбатан кўпинча тил топиша олмаймиз³.

Инсон, жамият ва давлат тўғрисидаги дастлабки фалсафий таълимотлар вужудга келган лаҳзадан бошлаб адолат тушунчаси жамиятда ҳукмрон бўлган кадриятлар, ўзгарувчан оламдаги уларнинг жорий долзарблигини ифодаловчи ижтимоий мазмун билан тўла бўлган.

Қадим замонларда маънавий-ахлоқий тушунча сифатидаги адолат кишиларнинг барча хатти-ҳаракатларини адолатли ва адолатсиз ҳаракатларга тақсимлашнинг универсал мезони сифатида қўлланилган. “Адолат” тушунчаси жамият манфаатлари нуқтаи назаридан кишиларнинг хатти-ҳаракатини, жамиятдаги ҳукмрон гуруҳлар ёки табақалар учун бундай хатти-ҳаракатларнинг фойдаси ёки зарарини баҳолаш мезони сифатида юзага чиққан. Эҳтимол адолат ёки адолатсизлик тўғрисидаги масала кўтарилмаган инсоний муносабатларнинг бирон бир соҳаси мавжуд бўлмаса керак⁴. Шунинг учун адолат тушунчаси тўғрисида бир битимга келгандан кўра адолатсизликни баҳолаш ва ўрганиш анча осон деб ҳисобловчи тадқиқотчиларни ҳақ деб аташ мумкин⁵. Форобий фикрича, адолатли давлат, бу – мустабидлик эмас, балки тикланиши ва фаолиятида халқнинг орзу умидларини рўёбга чиқарувчи кучли давлатдир. Адолатли раҳбар, унинг фикрича, давлатни, жамиятни жаҳолатдан, маънавийатсизликдан сақлаб, уни тараққиёт сари етаклайди⁶. Бу маънода адолат аксарият кишилар айнан ушбу тушунча билан кўрсатиш зарур деб ҳисоблаган нарсадир. Ўз навбатида адолат ҳодисасига бундай дунёқараш тегишли тарихий давр мутафаккирларининг асарларида, шу жумладан, унинг келажагини олдиндан кўриш доираларида мулоҳазадан ўтказилган.

Шу билан биргаликда шахсий ва ижтимоий манфаат йўлидаги ҳаётий мақсадга мувофиқликдан келиб чиққан ҳолда кишилар асл адолат ғоясини доимо турлича талқин қилиб келишган. Масалан, зўравонлик ва адолат нисбати муаммосига, зўравонликни қўллаш имконияти ва уни оқлаш маъносидаги адолат тилга олинади. Ушбу субъектив ибтидо мазкур ҳодисани концептуал тушунишда устуворлигича қолмоқда. Ушбу маънавий ҳодисадаги бир лаҳзалилик ва мангулик, аниқлик ва мавҳумлик, оқилоналик ва ақлга сиғмаслик файласуфлар томонидан ўзлари яратган адолат моделини мавжуд ҳаётга тарғиб қилиш орзуси сифатида идрок этилади. Аристотелнинг ҳаёти ва ижоди бунга ёрқин мисолдир. Ҳусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи Мухсиний” асарида инсонларни гўзал ахлоқий фазилатларни эгаллаш билан бирга адолатлиликка чорлаган. “Агар адолат ҳимоя қилинмаса, заиф ва кучсиз одамлар йўқолиб кетади. Модомики, заифлар кирилиб кетар экан, кучлилар ҳам омон қолмайди, чунки кишилар турмуши бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Хулласи калом, халқнинг аҳволи адолатсиз яхшиланмайди”⁷.

Адолат тўғрисидаги ҳар қандай тасаввур ўз ичига объектив ва субъектив таркибий қисмларни олади. Уларнинг объектив ибтидоси жамиятнинг аксарият қисми адолатли деб эътироф этадиган жорий жараёнлар ва ҳодисалар билан хусусиятланади. Е.В.Золотухина таъкидлаганидек, “Адолат – ўзининг асосий мазмунига кўра объективдир”⁸. Шу боис, “адолат” тушунчасининг хусусияти мураккаблиги унинг кўп қирралилигидан келиб чиқишини фарз қилувчи аксарият тадқиқотчиларнинг ғоялари асосли эканлигини эътироф этиш зарур. Ушбу кўпқирралилик “адолат” сўзини воқеликка дунёқараш, мафкуравий, назарий ва ижтимоий психологик муносабатда намоён бўладиган фалсафий, маънавий ва юридик тушунча кўринишида қўлланилиши билан хусусиятланади.

Фалсафа, этика, ҳуқуқ назарияси, ижтимоий ва юридик психология ҳамда бир қатор турдош фанлар (билим соҳалари) ушбу ҳолатдан келиб

³ Douzinas C., Gearey A. Critical Jurisprudence: the Political Philosophy of Justice. 2005. – P.28.

⁴ Гринберг Л.Г., Новиков А.И. Критика современных буржуазных концепций справедливости. – Л.: 1977.

⁵ Қаранг: Ginsberg M. On Justice in Society. 1971. – P. 73;

⁶ Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шахри”. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 159-160 бетлар.

⁷ Кошифий Ҳ. “Ахлоқи Мухсиний”. Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзмалар фонди, инд. 3020 (форс тилида), “Адолат” боби.

⁸ Золотухина-Аболина Е.В. Современная этика: Учеб. пос. для студентов вузов. 2-е изд. М.: Ростов н/Д: 2003. – С. 101.

чиққан ҳолда ижтимоий адолат борасида ўз тушунчаларини белгилаши бежиз эмас. Шу боис, бугунги кунда турли маъноларда ижтимоий адолатни фалсафий тушуниш олимлар уни муайян фанга “тиркаб қўйишга” интилаётганликлари сабабли қийинлашиб бормокда. Масалан, В.С.Нерсесянц адолатни фақат ҳуқуқий категория сифатида кўриб чиқади. У адолатни ҳуқуқнинг ички хоссаси ва сифати тарзида баҳолайди ҳамда фақат ҳуқуқ адолатлидир деб таъкидлайди⁹. Г.В.Мальцев эса, сиёсий, юридик ёки бошқа адолат мавжуд эмас, балки ижтимоий бошқарувнинг барча соҳаларини қамраб олувчи ушбу тушунчанинг маънавий моҳиятигина мавжуд холос деб ҳисоблайди¹⁰.

Агар фан тадқиқот мавзусидан адолатнинг арзимас сифатларини олиб ташлаган ҳолда унинг ижтимоий табиатининг фақат айрим томонларига эътибор қаратса ҳамда алоҳида олинган фан мавзуси доираларида чекланадиган бўлса, охир оқибатда у жамиятнинг жорий ҳаётида аниқ иштирок этишдан муқаррар тарзда бош тортиши мумкинлиги намоён бўлади. Шу боисдан ҳам таниқли ҳуқуқшунос олим О.Оқюлов, “Адолат тамойили моҳияти ва мазмунига кўра кенг қамровли ва мураккаб мезонлар тизимидан иборат. Бунини бирданига ишлаб чиқиб, процессуал қонунларда мустаҳкамлаб қўйиш, шошма-шошарлик сифатида баҳоланиши мумкин. Адолат мезонлари бўйича суд амалиёти умумлаштирилиши ва тизимлаштирилиши лозим. Унда турли тоифадаги ишлар бўйича адолат мезонларини қўллаш хусусиятлари қандай намоён бўлиши тавсифини ишлаб чиқиш талаб этилади. Назариётчи олимлар ҳам ушбу муаммони нафақат назарий жиҳатдан, балки ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти ҳолатидан келиб чиқиб тадқиқ этиши талаб этилади. Якуний натижалар Олий суд Пленумининг қарори лойиҳасида мустаҳкамлаб қўйилиши ва улар суд амалиётида апробациядан ўтиши мақсадга мувофиқдир. Агар у ўзини окласа, шундан кейин уни процессуал қонунларда мустаҳкамлаб қўйиш ўринли бўлур эди”¹¹, деб таъкидлайди.

“Ижтимоий адолат” тушунчасининг умумий формуласи бўлиши мумкин эмас, чунки кўриб

чиқилаётган ҳодиса кўп қиррали ҳодисадир ва унинг жиддий аломатлари талаб қилинган лаҳзаларда ҳаётнинг турли шаклларида турлича ўзгариб туради. Ижтимоий адолат жамиятда ҳукмрон бўлган эркинлик ва тенгликнинг энг кенг тарқалган ижтимоий идеалларидан биридир. Ушбу ғоянинг мазмуни инсон тамаддуни тарихида ўзгариб борган. Ижтимоий адолат ижтимоий фалсафий тафаккурнинг, ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий онгнинг ўта муҳим категорияси бўлиб, муносабатларнинг қандайдир умумлашган маънавий баҳосидан иборатдир. Бошқача сўзлар билан айтганда, З.А.Барбешкина кўрсатиб ўтганидек, адолат категориясининг турли ижтимоий ҳодисалар ва ҳолатларни баҳолашга, жамиятга шахснинг муносабатини баҳолашга, шунингдек шахслараро муносабатлар соҳасига қўллаш мумкин. Ушбу олиманинг фикрига кўра, маънавий тушунча сифатидаги адолат ахлоқий баҳолаш мезони ролида, ҳиссиёт ролида, ҳатти-ҳаракат мезони, турткиси ролида ва ниҳоят маънавий идеал ролида юзага чиқиши мумкин¹².

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқ учун хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоя замирида ҳам айнан ижтимоий адолат ғоясининг амалий ифодаси турибди. Давлат органларининг мансабдор шахслари, депутатларнинг ҳудудларга чиқиб, халқ орасига қираётгани, аҳоли кўтараётган кўплаб муаммоларнинг ҳал этилаётгани бунга ёрқин мисол бўлади.

Фалсафий луғат нашрларидан бирида ижтимоий адолат тушунчаси унинг институционал мезонини кўрсатиш учун қўлланилиши кўрсатиб ўтилган. Ижтимоий адолатнинг идеали алоҳида-алоҳида ҳаракатларда эмас, балки ўз тузилмаси билан ижтимоий сиёсий ҳуқуқлар ва моддий неъматларнинг адолатли тақсимланишини доимий таъминлайдиган ижтимоий манфаатлар тизими бўлиши лозим. Ушбу тушунча таърифига ёндашувларнинг турли туманлиги кўпинча: 1) тенглик; 2) кўрсатилган хизматларга мутаносиблик; 3) нимагадир эга бўлишга нисбатан ажралмас ҳуқуқлар кафолати сифатида тушунилиши мумкин бўлган адолат умумий концепциясининг устуворлиги билан белгиланади.

⁹ Қаранг: Нерсесянц В.С. Философия права: либертарно-юридическая концепция // Вопросы философии. 2002. № 3. – С. 3 - 9.

¹⁰ Мальцев Г.В. Нравственные основания права. М.: Изд-во СГУ, 2008. – С. 108.

¹¹ Оқюлов О. Суд ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида адолат, инсофлик, оқилоналик тамойилларидан фойдаланишнинг методологик масалалари // Юрист ахборотномаси, 2020 йил, № 4.

¹² Қаранг: Барбешкина З.А. Справедливость как социально-философская категория. М.: 1983. – С.22 – 50.

Бизга маълумки, ижтимоий адолат ғояси жамият ҳаётининг маънавий, диний-ахлоқий соҳасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бундан ташқари у ҳодиса сифатида жамиятни бирлаштириш омили ҳам бўлиб, бусиз ҳар қандай ижтимоий-маданий маконда ҳаёт кечиришни таъминлашнинг имкони йўқ. Тарихдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Юстиниан, “Ҳуқуқ ўз номини “адолат” сўзидан олган, чунки Цельсининг олий таърифига кўра ҳуқуқ эзгулик санъатидир”¹³, деган эди. Қадимги Шарқ халқларида эса адолат барча нарсани кўрувчи ва доимо уйғоқ илоҳий ғоя сифатида талқин қилинган. Бугунги кунгача давом этиб келган ижтимоий тасаввурларда ҳам адолат қиёфасининг бундай турли туманлиги нафақат амалдаги ижтимоий маданий ўзига ҳосликни тасвирлабгина қолмай, балки жамиятнинг келажакдаги ривожланишини олдиндан белгилаб беради. Ушбу муаммони чуқур ўрганиш, илмий мулоҳаза призмасидан ўтказиш инсоний тафаккур ва сиёсий тизим вужудга кела бошлаган узоқ замонларга бориб тақалади. Айнан фалсафа адолатни жамлаган ҳамда инсониятга ахлоқ, маънавийлик, сиёсат ва ҳуқуқ соҳасига мансуб бўлган аввал бошданок бир маънога эга бўлмаган ҳамда кўп қиррали категория сифатида тақдим этган.

Социологияда ижтимоий адолат дейилганда, “Шахслар хизматига яраша эришишлари лозимлигини кўрсатадиган умумий тамойил” тушунилади¹⁴. Олим Б.Н.Калашников эса ижтимоий адолатга, “Тақсимлашнинг холис муносабатларида тегишли тенглик ёки нотенгликни меъёрий асосланиши” сифатида таъриф беради¹⁵. М.В.Пресняков мамлакатдаги адолат тамойилининг конституцион концепциясини кўздан кечирган ҳолда: “Адолат конституцион аксиология нуктаи назардан ўта кўламли, бир маънога эга бўлмаган, кўпинча эса зиддиятли категориядир. Ҳуқуқий кадрият сифатидаги адолат амалда ҳеч қачон “ўзининг ичида” ўз мазмуни нуктаи назаридан таҳлил қилинмайди. “Адолат” тушунчаси доимо бошқа кадриятлар: тенглик, эркинлик, ҳуқуқий давлат, инсонпарварлик ва ҳ.к. лар билан таққослашда “боғлиқликда”

кўриб чиқилади. Шу аснода, адолат тенглик ва эркинлик мезони сифатида кўриб чиқилади” деб фарз қилади¹⁶.

Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда, ушбу ҳодиса ифодали тушунчаси вазифаларини ҳал қилиш услубияти ўз хусусиятига кўра ўзгарувчан бўлган унинг назарий мазмунидан кўра анча муҳимроқ эканлигини таъкидлаш мумкин. Шу боис, ўрганиш усулини танлаш (Р.Декартнинг маълум ва исботланган нарсадан номаълум ва исботланмаган нарсага ўтиш борасидаги фарази талқинида¹⁷) ҳар қандай ишнинг муваффақиятини олдиндан белгилаб беради. Шу аснода “мақсад-восита-натижа” мантиқий силсиласи доираларидаги натижа доимо тадқиқотда қўлланиладиган воситалардан келиб чиқади.

Ижтимоий адолат объектив тарзда мавжуд. Шунинг учун ҳам унинг кадриятларини амалга ошириш узлуксиз равишда юз бермоқда. У ижтимоий бошқарувнинг бутун механизми барпо этиладиган таянч сифатида ижтимоий тараққиётнинг олдинга интилиши билан таъминланади. Шу маънода, инсоний фаолиятнинг кўлаmidан қатъи назар адолатга бўлган муносабатни ўзгартириш, мавжуд муаммоларни қайта кўриб чиқиш ва уларни ҳал қилиш унинг ижтимоий маданий рақобатбардошлигини оширишни англатади.

Бизга маълумки, 2009 йилдан буён дунё миқёсида ҳар йилнинг 20 февраль куни Бутунжаҳон ижтимоий адолат куни (World Day of Social Justice) сифатида нишонланади. Мазкур байрамни ташкил этишдан асосий мақсад дунё ҳамжамияти эътиборини жамиятда ижтимоий адолатни ривожлантириш зарурлигига қаратиб, қашшоқлик, гендер тенгсизлиги, ишсизлик, инсон ҳуқуқларига ҳурматсизлик ва ижтимоий бефарқлик каби долзарб муаммоларни биргаликда ҳал этиш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришдан иборат. Чунки ижтимоий адолат шунчаки кишилар олдига қўйиладиган маънавий-ахлоқий талаб эмас, балки у ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва ҳаётий фаровонлик асосини ташкил этади. Фуқаролар ўртасидаги тенг имкониятлар, ҳамжиҳатлик ва ўзаро

¹³ Дигесты Юстиниана. Кн. 1 / Отв. ред. Л.Л. Кофанов. М.: Статут, 2002. – С. 83.

¹⁴ Дэвид Д., Джери Дж. Большой толковый социологический словарь. 2001 г. // URL: <http://voluntary.ru/dictionary/567/word>.

¹⁵ Калашников Б.Н. Концепция социальной справедливости Аристотеля: опыт реконструкции. Этическая мысль. Вып. 2. М., 2001. – С. 56.

¹⁶ Пресняков М.В. Указ. Соч. – С. 39.

¹⁷ Декарт Р. Рассуждение о методе, чтобы хорошо направлять свой разум и отыскивать истину в науках. – М.: 1953. – С. 10 - 22.

хурмат жамият тараққиётини таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, инсон ўз ҳаёти давомида адолат ва ҳақиқатга интилиб яшаши унинг асл табиатига хос. Шу боисдан ҳам адолат ва ҳақиқат ғояси инсон ҳаётининг таркибий қисми бўлиши лозим.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 январь куни прокуратура органлари ходимлари билан учрашувда, “Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, адолатсизликка чидай олмайди. Жамиятда адолат барқарор бўлишида прокуратура органларининг ўрни катта бўлмоғи керак”, деган фикрлари, нафақат прокуратура органлари ходимларига, балки давлат ҳокимияти идораларида хизмат қилаётган барча мансабдор шахслар учун энг асосий мақсад, энг муҳим вазифа бўлиши керак. Зеро, адолат устувор бўлган жойда барака бўлади, тинчлик ҳукм суради, фуқароларнинг фаровонлиги таъминланади, мамлакат янада ривожланиб бораверади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жамиятда судлар фаолиятини янада кучайтириш, ижтимоий адолатни таъминлаш борасидаги жиддий ташаббуслари бу тизим фаолиятига янгича маъно-мазмун олиб кирди. Жумладан, айти шу ташаббуслар сабаб “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги янги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарлари-

нинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ва аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилгани мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш орқали ижтимоий адолатни таъминлаш борасида муҳим ислохотлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин, биринчидан, ижтимоий адолат жамиятда кишилар ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий онгини юксалтиришда катта роль ўйнайдиган тушунча ҳисобланади. Чунки ижтимоий адолат нафақат муайян ижтимоий гуруҳлар, балки айрим шахслар фаолиятида ҳам яққол акс этади. Иккинчидан, кишиларнинг ижтимоий хатти-ҳаракатлари, ҳуқуқ ва бурч меъёрлари, ахлоқий муносабатлари, меҳнатни тақдирлаш ва уни тан олиш, инсон кадр-қимматини эътироф қилиш мазкур тушунча орқали намоён бўлади. Учинчидан, ижтимоий адолат тушунчаси муайян тарихий шарт-шароитлар ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар барқарорлигини таъминлашда устувор аҳамият касб этади. Чунки ижтимоий адолатнинг ижтимоий-фалсафий жиҳати жамият аъзоларининг хилма-хил муносабатларидаги ўзаро тенгликни ифода этиши билан алоҳида ажралиб туради. Тўртинчидан, ижтимоий адолат, ахлоқий жиҳатдан олиб қараганда, инсонлараро муомала ва муносабатда тенгликни таъминлашда, кишилар бир-бирларини ҳурмат қилишларида ҳам ёрқин намоён бўлади. Бешинчидан, ижтимоий адолатнинг ҳуқуқий томони кишиларнинг қонунларга мунтазам риоя этишини, сиёсий жиҳати эса давлатни адолат қоидалари асосида бошқаришни англатади.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ ИНСТИТУТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Мавлон ГАФУРОВ*

Аннотация. Ушбу мақолада жиноят процессида далилларни тўплаш тушунчаси, унинг моҳияти, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш ҳамда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги роли таҳлил қилинган. Далилларни тўплаш институтини такомиллаштиришга қаратилган назарий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: исботлаш, далилларни тўплаш, далилларни мустаҳкамлаш, далилларни сақлаш, гувоҳ сифатида сўроқ қилиш, айблов асоси.

Annotation. This article analyzes the concept of collecting evidence in criminal proceedings, its purpose and significance. Further, it examines the role in establishing truth in a criminal case, as well as in ensuring the rights and freedoms of the individual.

Key words: proving, collection of evidence, consolidation of evidence, deposition of evidence, interrogation as a witness, the basis of the prosecution.

Аннотация. В данной статье проанализировано понятие собирания доказательств в уголовном процессе, его цели и значение, роль в установлении истины по уголовному делу, а также в обеспечении прав и свобод личности.

Ключевые слова: доказывание, собирание доказательств, закрепление доказательств, депонирование доказательств, допрос в качестве свидетеля, основа обвинения.

Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигининг асосий вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши, ўз навбатида, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборат.

Шу мақсадда, жиноят-процессуал кодексида ҳақиқатни аниқлаш принципи мустаҳкамланган бўлиб, инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган ушбу умумэтироф этилган тамойил асосида жиноят ишини юритишга масъул бўлган органлар зиммасига жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш вазифаси юклатилган.

Бошқача айтганда, ҳақиқатни аниқлаш исбот қилиш жараёни орқали амалга ошади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, исбот қилиш ишни қонуний,

асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир¹.

Исботлаш жараёни, унинг усул ва воситалари жиноят процессида катта аҳамиятга эга. Чунки тайёргарлик кўрилатган ёки содир этилган жиноят ҳақидаги ҳар қандай хабарни кўриб чиқишни далилларни тўплаш, текшириш ҳамда баҳолашдан иборат мураккаб ва комплекс фаолиятсиз амалга ошириб бўлмайди. Яъни ҳар қандай жиноят иши исбот қилиш жараёнидан ўтади.

Далилларни тўплаш исбот қилишнинг асосий босқичи ва энг муҳим элементи ҳисобланади.

Иш бўйича якуний натижа, жиноят суд ишларини юритишда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишининг даражаси, умуман олганда, жиноятчиликка қарши курашишнинг самарадорлиги айнан далилларни тўплаш жараёнида самарали имконият-

* Мавлон Гафуров – Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 85-моддаси // <http://lex.uz>.

ларнинг мавжудлигига ҳамда тарафлар ўзларининг амалий фаолиятларида далилларни тўплаш усуллари қай даражада қўллай олишларига боғлиқ².

Мавзунинг нақадар долзарблигига қарамасдан, ўзбек олимлари томонидан бу борада амалга оширилган илмий ўрганишлар саноқли эканини эътироф этиш лозим. Жумладан, Ғ.А.Абдумажидов, Б.А.Азизхўжаев, А.Т.Алламуратов, А.Х.Асамутдинов, З.Ф.Иноғомжонов, О.М.Мадалиев, Ф.М.Мухитдинов, Е.Н.Никифорова ва бошқалар мазкур масалалар юзасидан ўзларининг айрим фикрларини билдирган бўлсаларда, фақатгина Ш.Х.Иномжонов³ ва Б.А.Ражабов томонидан чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Далилларни тўплашнинг асосий муаммоларига бағишланган илмий изланишлар қонунчилик тизими нисбатан ўхшаш бўлган МДХ давлатлари қўлаб олимларининг диққат марказида бўлган. Жумладан, А.С.Александров, М.П.Поляков, С.А.Шейфер, А.П.Попов, И.А.Попова, И.А.Зинченко, В.А.Лазарева, В.В.Плетнев, А.О.Бестаев, В.Л.Шапошников, З.З.Зинатуллин, А.Р.Белкин, В.А.Герасимова, М.А.Лапатников, Т.С.Дегтяр, Ю.К.Орлов, С.В.Некрасов, Г.П.Химичева ҳамда бошқалар далилларни тўплашнинг аҳамияти ва долзарб муаммоларини тадқиқ этишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Хусусан, С.А. Шейфернинг саъй-ҳаракатлари натижасида далилларни тўплаш институти бугунги кунда умумэтироф этилган маъно-мазмун касб этди. Унинг фикрига кўра, далилларни тўплаш жиноят изларининг терговчи, суриштирувчи, судьянинг онгида ва кейинчалик жиноят иши материалларида акс этиш жараёнидир.

Шунингдек, С.А.Шейфер далилларни тўплашни “исботлаш субъекти томонидан ўрганилаётган ҳодисанинг мавжуд излари идрок қилинишини, шунингдек идрок қилиш натижаларини процессуал қайд этиш орқали сақланишини таъминловчи ҳаракатлар”⁴ тизими сифатида эътироф этади.

А.О.Бестаевнинг фикрича далилларни тўплаш уларни шакллантиришни ўз ичига олади ва топиш, тўплаш, мустаҳкамлашдан иборат⁵.

Далилларни тўплашнинг моҳияти ҳақида фикр юритар экан Б.А.Ражабов уни далилларни аниқлаш, жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ва фактлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, талаб қилиш ва уларни тегишли тарзда процессуал мустаҳкамлаш орқали далилларни қўлга киритишдан иборат, деб ҳисоблайди⁶.

Далил дастлаб тайёр ҳолатда бўлмайди, балки далил белгиларига эга маълумот мавжуд бўлиб, кейинчалик қонун билан белгиланган процессуал шаклда мустаҳкамлангандан сўнг у далил сифатида эътироф этилиши мумкин. Шу боис, далилларни тўплашни мажбурий равишда бир-бирининг ўрнини босувчи икки босқичда тасаввур этиш лозим: **биринчи босқич – далил бўлиб хизмат қиладиган маълумотни аниқлаш; иккинчи босқич – уни қонун билан ўрнатилган процессуал шаклда мустаҳкамлаш**⁷.

Аслида далиллар билан боғлиқ институт ва нормалар ҳуқуқни қўлловчиларда ҳам, ҳуқуқий муносабатнинг бошқа иштирокчиларида ҳам, тадқиқотчиларда ҳам ортқча ташвиш, кераксиз бош оғриғи туғдирмаслиги лозим⁸.

Бироқ тадқиқотлар исботлашнинг асосий босқичи ҳисобланган далилларни тўплашда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунга кўра, далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган

² А.О.Бестаев. Способ собирания доказательств в уголовном процессе России. Автореферат к диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ростов-на-Дону: 2007. – 4 стр.

³ Ш.Х.Иномжонов. Жиноят процессида далилларни тақдим қилиш ва улардан фойдаланиш муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2005. – 7-бет.

⁴ Лазарева В.А. Шейфер С.А. Концепция формирования доказательств. Юридик вестник Самарского университета, №4, Том 3. 2017. – 44 стр.

⁵ А.О.Бестаев. Способ собирания доказательств в уголовном процессе России. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация иши автореферати. – Н.Новгород: 2007. – 7 стр.

⁶ Б.А.Ражабов. Ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш. Юридик фанлар фактори диссертацияси автореферати. – Т., 2019. – 18-бет.

⁷ В.Л.Шапошников. Проблемы собирания доказательств стороной обвинения в уголовном процессе России. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация иши автореферати. Волгоград, 2005. – 10-бет.

⁸ А.П.Попов, И.А.Попова, И.А.Зинченко. Проблемы современного уголовно-процессуального доказательственного права. Монография. – Пятигорск: 2019. – 7 стр.

ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади⁹.

Қонун мазмунига кўра, далилларни тўплаш жараёни шартли равишда иккига бўлинади, яъни **жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида** суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ҳамда **суд муҳокамаси давомида** суд томонидан қонунда бегиланган тартибда далиллар тўплаш мумкин.

Тергов давомида тўпланган далиллар кейинчалик суд муҳокамаси давомида қайта текширилади ва қонунийлиги ҳамда асослилиги нуктаи назаридан баҳоланади.

Амалдаги қонунчилик нормалари жиноят процесси иштирокчиларига ўз вазларини исботлаш ва шу йўл орқали қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш учун барча имкониятларни назарда тутмайди. Таҳлиллар ва хорижий давлатлар тажрибаси далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашнинг амалдаги механизмларини янада такомиллаштиришни, жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларга кенг ҳуқуқий шароит яратишни тақозо этмоқда.

Жумладан, амалдаги қонунчиликда терговга қадар иш юритув даврида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш масаласида суднинг иштироки чегараланган.

Жиноят иши доирасида объектив ҳолатларга кўра далилларни кечиктирмасдан мустаҳкамлаш зарурати вужудга келиши мумкин. Хусусан, иш бўйича муҳим гувоҳларнинг оғир касаллиги, хорижий давлатга кетиши ва бошқа объектив сабаблар уларнинг кўрсатувларини ўз вақтида далил сифатида расмийлаштиришни тақозо этади.

Бундан ташқари, суд амалиётида айрим гувоҳлар турли сабаблар билан, хусусан тергов органи томонидан босим бўлганлиги ва жини келтириб, ўзларининг дастлабки терговдаги кўрсатувларини ўзгартириш ҳолатлари учрайди, шунингдек, иш бўйича ёзма ёки ашёвий далиллар ўзининг табиий хусусиятига кўра суд муҳокамаси бошлангунга қадар йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Шу сабабли, Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигига **судга қадар иш юритув даврида тарафларнинг ташаббусларига кўра суд тартибда далилларни мустаҳкамлаш (сақлаш) институтини киритиш** мақсадга мувофиқ. Жорий йилнинг 10 август куни имзоланган **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахс-**

нинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ҳам ушбу масала қўллаб-қувватланган. Жумладан, фармонда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг жиноятларни фош этиш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича таклифлари каторида, “**жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида** гувоҳ ва жабрланувчини оғир касаллиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра суд томонидан тарафларнинг иштирокида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) тартибини жорий қилиш” таклифига ҳам розилик берилиши қайд этилган¹⁰.

Ушбу таклиф Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигига татбиқ этилгач, объектив сабаблар (оғир касаллик, хорижий давлатга кетиш, гувоҳ ёки жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлаш ва б.) туфайли жабрланувчини ёки гувоҳни кейинчалик сўроқ қилиш имконияти бўлмаслиги мумкинлиги ҳақида етарли асослар мавжуд бўлганда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки унинг ҳимоячиси, жабрланувчи ёки унинг вакили, шунингдек прокурор судга далилни мустаҳкамлаш тўғрисида илтимоснома киритишлари мумкин бўлади.

Бунда суд муҳокамаси умумий қоидаларга риоя қилган ҳолда жиноят иши доирасида тарафлар, жумладан давлат айбловчиси иштирокида ўтказилиб, натижасига кўра баённома расмийлаштирилади, шунингдек ишнинг ҳолатидан келиб чиқиб, видеотасвирга олинади ҳамда кейинчалик жиноят иши бўйича суд муҳокамаси даврида далил сифатида қўлланилиши мумкин.

Бугунги кунда хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Германия, Эстония, Россия, Украина, Қозғистон ва бошқа давлатларда ушбу институт кенг қўлланилиб, “депонирование доказательств” деб юритилади.

Ўзбекистон қонунчилигига ушбу институтни жорий этиш орқали терговчи томонидан қонунда белгиланган тартибга риоя этилиши устидан суд назоратини ўрнатиш, кўрсатувларни ўрнатилган тартибда расмийлаштириш, тарафларга қарама-қарши

⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддаси // <http://lex.uz>.

¹⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // 10.08.2020 / www.lex.uz.

тарафга савол бериш ҳуқуқини амалга оширишга, шунингдек далиллар бевосита суд томонидан ўрганилишига имкон яратилади.

Далилларни тўплаш институтининг аҳамияти яна шунда кўринадик, уни чуқур тадқиқ этиш асосида худди шу каби – шахснинг қонун ҳамда умумэътироф этилган халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини самарали рўёбга чиқаришга имкон берувчи янги институт ва қоидаларни кашф этиш ва қонунчиликка жорий этиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, тергов амалиётида гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатувлари жиноят иши бўйича асосий далил сифатида эътироф этилиш ҳолларини учратиш мумкин.

Ваҳоланки, гумон қилинувчи ва айбланувчининг энг асосий ҳуқуқларидан бири бу кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқидир.

Бу борада амалдаги қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқлар гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига имкон бериши мумкин.

Жумладан, шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қарор чиқарилгандан кейингина шундай мақомга эга бўлади ва шундан сўнг у гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳуқуқларидан, жумладан кўрсатувлар беришдан бош тортиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Унга қадар, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида эътироф этилмасдан туриб, суриштирув ва дастлабки тергов органи томонидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши ва ундан тегишли тушунтириш хатлари олинishi, кейинчалик эса олинган кўрсатувлардан унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкин.

Бу ҳолат жиноят-процессуал қонунчилигида мазкур масалада аниқ ҳуқуқий чегаранинг белгиланмаганлигини кўрсатади.

Амалдаги қонун талабига кўра, ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг асосларидан биттаси мавжудлигини бевосита кўриб ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа, гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини билдириши ва ундан яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қили-

ши шарт. Шу билан бирга, ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнгирок қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шарт¹¹.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, шахсни жиноят иши бўйича гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун етарли асослар (шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса; жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар; унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса) мавжуд бўлган ҳолларда ҳам унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳуқуқлари тушунтирилмасдан, уни ёлгон кўрсатув берганлик ва кўрсатув беришдан бош тортганлик учун огоҳлантирган ҳолда гувоҳ сифатида сўроқ қилиш ва ёзма равишда олинган кўрсатувларни кейинчалик унинг ўзига қарши қўллаш ҳолатларини учратиш мумкин.

Шу сабабли, амалдаги қонунчиликка шахсни жиноят иши бўйича гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун етарли асослар мавжуд бўлган ҳолларда унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳуқуқлари тушунтирилмасдан, гувоҳ сифатида сўроқ қилиш ва ҳар қандай кўринишда ёзма тушунтиришлар олишни тақиқловчи норма киритиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, ушбу қоида бузилган ҳолда олинган кўрсатувлар номақбул далил деб топилиши ва айблов асосига қўйилиши мумкин эмаслиги алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу норма бугунги кунда хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам ўз аксини топмоқда. Жумладан, Қозоғистоннинг янги таҳрирдаги Жиноят-процессуал кодексида “Гумон қилинувчининг тергов даврида гувоҳ сифатида берган кўрсатувлари далил сифатида тан олинishi мумкин эмас”лиги қатъий белгиланган¹².

Мазкур талабнинг Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигида акс эттирилиши шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлақонли рўёбга чиқарилишини таъминлаш билан бир қаторда далилларни тўплаш институтининг самарадорлигини оширишга, уни инсон манфаати йўлида хизмат қилишга замин яратади.

¹¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 224-моддаси // <http://lex.uz>.

¹² Қаранг: Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 112-моддаси // <http://online.zakon.kz>.

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Тоирхон АББОСХОНОВ*

Аннотация. Ушбу мақолада қонун лойиҳаларининг илмий-ҳуқуқий экспертизаси тушунчаси, унинг мақсади ва турлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятидаги ўрни таҳлил қилинган. Қонун лойиҳаларининг илмий-ҳуқуқий экспертизаси мазмуни ва моҳиятини, шунингдек, унинг амалиётда қўлланилишини ёритиб беришга йўналтирилган назарий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: илмий-ҳуқуқий экспертиза, илмий-ҳуқуқий экспертиза классификацияси, илмий тадқиқот муассасалари, қонун лойиҳаларининг дастлабки тарзда кўриб чиқиши, қонунчилик техникаси.

Annotation. this article analyzes the concept of scientific-legal expertise of draft laws, its goals and types, as well as the role in the activities of the chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. Theoretical proposal have been developed, aimed at revealing the essence and significance of scientific-legal expertise of draft laws, as well as its application in practice.

Key words: scientific-legal expertise, classification of scientific-legal expertise, research institutions, preliminary consideration of draft laws, legislative technique.

Аннотация. В данной статье проанализировано понятие научно-правовой экспертизы законопроектов, её цели и виды, а также роль в деятельности палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Разработаны теоретические предложения, направленные на раскрытие сути и значения научно-правовой экспертизы законопроектов, а также ее применения на практике.

Ключевые слова: научно-правовая экспертиза, классификация научно-правовой экспертизы, научно-исследовательские учреждения, предварительное рассмотрение законопроектов, законодательная техника.

Ҳар қандай ҳуқуқий давлатда барча муносабатлар ҳуқуқ нормаларига асосланади. Давлат бошқаруви норма ижодкорлиги фаолиятини амалга ошириш орқали рўёбга чиқади. Норма ижодкорлиги фаолияти ўзига хос, мураккаб жараёндир. Ҳуқуқ нормаларининг ҳаётий

ва халқчил бўлиши айнан мазкур жараёнга бевосита боғлиқ. Зеро, инсонлар ҳуқуқ нормаларида ўз ҳаёти кафолатларини кўришни истайди. Шу боис ҳуқуқ нормаларини ҳар жиҳатдан пишиқ ва пухта тайёрлаш ҳаётий муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз маърузаларида қонунчиликни такомиллаштиришда бизни, энг аввало, янги қонунларни қабул қилиш факти эмас, балки янги қонунлар одамларга қандай фойда келтириши, уларнинг ҳаётини қандай енгиллаштириши ўйлантириши лозимлиги¹ тўғрисида бир неча бор таъкидлаган. Қонунларни қабул қилишда халқ вакиллари уларни ҳақиқатан ҳам амал қилишини таъминлашлари ва бунинг учун зарур чораларни кўришлари керак. Депутатлар дадил, талабчан ва

* Тоирхон Аббосхонов – Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси.

¹ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. (<https://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020>).

катъиятли бўлиши, халқ манфаатларига хизмат қилмайдиган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймасликлари лозим².

Дунё мамлакатларида норма ижодкорлиги сифатини таъминлаш муаммоси тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, БМТнинг 1986 йил 4 декабрдаги 41/128-сонли резолюцияси асосида тасдиқланган Ривожланиш ҳукуки тўғрисидаги декларацияда давлатлар қонунчиликка оид дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали миллий ҳамда халқаро даражада тараққиётни мустаҳкамлаш чораларини кўриши зарурлиги кўрсатилган³.

Сўнгги йилларда норма ижодкорлиги фаолияти давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида бўлмоқда. Чунончи, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида **норма ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш** давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги Фармони билан тасдиқланган «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси» соҳанинг янги даврини бошлаб берди, десак айтиш ҳақиқатдир.

Айни пайтда, мамлакатимизда қонун лойиҳаларининг экспертизаси, хусусан унинг илмий-назарий асосларини кучайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилмоқда. Давлат раҳбарининг таклифига биноан, 2017 йилнинг 29 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма қарори билан Олий Мажлис ҳузуридаги **Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти** ташкил этилди. Ушбу тадқиқот институтининг асосий вазифаларидан бири этиб илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, қонунчиликни ривожлантиришнинг илмий концепцияларини ишлаб чиқиш белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, 2018 йилда институт томонидан 64 та қонун лойиҳаси, 5 та Олий Маж-

лис палаталарининг қарори лойиҳаси, 31 та қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари, 185 та ахборот-таҳлилий материаллар тайёрланди⁴. 2019 йилнинг олти ойи давомида эса, 44 та қонун лойиҳаси, 7 та Олий Мажлис палаталари қарорлари лойиҳалари, 19 та бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, 102 та ахборот-таҳлилий маълумотнома, таклиф ва тавсиялар тайёрланди. Ҳисобот даврида Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқилган 40 дан ортиқ қонун лойиҳалари илмий-ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди⁵.

Фикримизча, ушбу институт томонидан парламентга келиб тушаётган қонун лойиҳаларининг илмий-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг махсус тартиб-таомилларига алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки мамлакатимизда қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг бундай тури деярли ривожланмаган десак, тўғри бўлади.

Зеро, ҳуқуқшунос олим, академик Ш.З. Ўразаев таъкидлаганидек, «Қонунларни қабул қилиш жараёнида назарий сабаблар ва асослар ўта муҳим бўлиб, улар ижтимоий ривожланишнинг долзарб эҳтиёжларини аниқлаш ва улар тўғрисида хабардор қилиш, янги қонун қабул қилиш заруриятини иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан асослаш билан боғлиқ саволларга аниқ жавоб беради. Аммо ҳозирги вақтдаги қонун ижодкорлиги илмий асосланган, демократик фаолият белгиларига қайсидир жиҳатдан эга бўлиб улгурмади ёки уларни йўқотди. Кўпинча, шошилиш равишда билдирилган фикрни етарли асосларсиз ва пухта ишлов бермасдан қонун лойиҳаси сифатида “расмийлаштириш” таклиф этилади. Унинг асослантирилиши шошилиш равишда ва бунинг оқибатида биров юзаки тайёрланади, прогнозлаштириш, қонундаги нормаларни амалга ошириш оқибатларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш эса эътибордан четда қолади»⁶.

Амалдаги қонунчиликка кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасини амалга оширади. Бироқ, вазирлик қонун

² Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на первом заседании Законодательной палаты Олий Мажлиса. (<http://uza.uz/ru/politics/vystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziye-20-01-2020>).

³ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/right_to_development.shtml

⁴ <http://lpri.uz/uz/institutning-2018-jildagi-faoliyati-%d2%b3a%d2%9bida/>

⁵ <http://lpri.uz/uz/uzbekiston-respublikasi-olij-mazhlisi-%d2%b3uzuridagi-%d2%9bonunchilik-muammolari-va-parlament-tad%d2%9bi%d2%9botlari-institutining-2019-jilning-olti-oyi-davomidagi-faoliyati-tu%d2%93risida-malumat/>

⁶ Уразаев Ш.З. // Модель закона: Какой ей быть? // Т: Фан, 1990 – С. 11.

лойиҳаларининг илмий-ҳуқуқий экспертизасини амалга оширмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар 10 дан ортиқ турли даражадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Масалан, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасида қонун лойиҳаси устидаги иш тугалланганидан сўнг унинг сифатига баҳо бериш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг қарорига биноан лойиҳа ҳуқуқий ва бошқа хил (иктисодий, молиявий, илмий, экология коррупцияга қарши ва бошқа) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкинлиги белгиланган⁷ бўлсада, ҳуқуқий экспертизадан ташқари бошқа экспертиза турларини ўтказишнинг аниқ тартиби белгиланмаган. Бундан ташқари, қонун чиқарувчи ушбу экспертиза турларини ўтказишни мажбурият эмас, балки ҳуқуқ сифатида белгилаб берган. Бу эса, назаримизда, ҳуқуқий бўшлиқ бўлиб, амалиётда қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Назаримизда, етарли даражада асослантирилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётда турли ташкилий ва ҳуқуқий тўсиқларга олиб келади. Фақатгина илмий асосланган нормалар расмий ҳуқуқий нормаларда акс этиши лозим. Шу боис, қонун ижодкорлигининг муҳим тамойилларидан бири бу қонун лойиҳаларининг илмий асосланганлиги, яъни уларнинг объектив қонуниятларга мувофиқлиги ҳисобланади.

Айни пайтда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илмий жиҳатдан асослантириш – бу муаммоларни янги, илмий-назарий ишланмалар билан асослаш, фан ва техника ютуқларини ҳисобга олишни англатади. Ишлаб чиқиладиган қонунларда илмий-назарий унсурлар мавжуд бўлмас экан, уни ҳуқуқий давлатчилик асослари мезонларига тўғри келади деб айта олмаймиз. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун, бизнинг фикримизча, ҳуқуқшунос-олимларнинг қонунчилик ишларида иштирок этиш механизми ва шакллари кенг жорий этиш ва унинг ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаш зарур.

Шунда қонун лойиҳаларини тайёрлашга илмий муассасалар, тегишли илм-фан соҳаларининг вакиллари, шу жумладан назарий тайёргарликка ва етарли билимга эга бўлган ҳуқуқшунос-олимлар жалб қилинади.

Ўйлашимизча, бу қонун лойиҳаларини тайёрлашда олимларнинг бевосита иштирокидан ташқари, улар томонидан илмий хулосалар бериш, яъни қонун лойиҳаларининг илмий-ҳуқуқий экспертизасини ўтказишдаги иштирокини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Манбаларда келтирилишича, «экспертиза» сўзи латинча «expertus» – «тажрибали» сўздан келиб чиққан бўлиб, фан, техника, санъат ва бошқа соҳаларда махсус билимларни талаб қилувчи ҳар қандай масалаларни мутахассис (эксперт) томонидан ўрганилишини англатади⁸.

Ҳозирги вақтда экспертиза бошқарув ва ҳуқуқий қарорларни қўллаб-қувватлаш воситаси сифатида кенг қўлланилмоқда. Ушбу ҳолат бир нечта асослар билан изоҳланади. *Биринчидан*, экспертиза ҳуқуқни қўллаш ва бошқариш усуллари оптималлаштириш зарурияти ва бошқарувда ихтиёрий усуллардан воз кечиш ҳамда қарорларни қабул қилишнинг объектив мезонларини излашни англатади. *Иккинчидан*, замонавий илм-фан, техника ва технологияларнинг ютуқларидан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

Айтиш керакки, ушбу фаолият турини тартибга солишга, унинг норматив-ҳуқуқий базасини таъминлашга ва зарур ҳуқуқий мақомни белгилашга имкон берадиган мезонлар ва принциплар мавжуд бўлгандагина экспертизанинг самарадорлигига эришиш мумкин.

Яқин вақтгача экспертиза деганда аксарият ҳолларда жиноят ишлари ёки фуқаролик процесси назарияси доирасида суд жараёнининг вазифалари нуктаи назаридан кўриб чиқилган бўлса, бугунги кунда ушбу институтдан ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларида ҳам, гарчи уни ўтказишнинг умумий принциплари ва мезонлари ишлаб чиқилмаган бўлсада, кенг фойдаланилмоқда. Шу боис ҳам, фикримизча, экспертизани мустақил процессуал-ҳуқуқий институт сифатида тадқиқ этиш зарурияти мавжуд.

⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

⁸ ru.wikipedia.org/wiki/Экспертиза.

Изоҳли луғатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси терминига эксперт муассасаси ёки экспертнинг тадқиқот фаолияти⁹ дея таъриф берилади, шунингдек, А.В. Қудашкин таъкидлаганидек, «ҳуқуқий экспертиза биринчи навбатда тадқиқотнинг ўзига хос туридир ва махсус ваколатли шахс – эксперт томонидан амалга оширилади»¹⁰.

Шу боис, қонунчилик фаолиятини қатъий илмий асосга ўтказиш зарур. Парламент қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан келиб тушган қонун лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни қабул қилади. Кўриниб турибдики, қонун чиқарувчининг ҳаракатларида профессионал илмий асослантириш муаммосини ҳал қилиш энг муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир депутат у ёки бу масалани қонунчиликда ҳал этишда ўзини тўлиқ ваколатли ҳис қилиши, ўзининг профессионал нуқтаи назарига эга бўлиши, уни оқилона амалга ошириши учун электорат манфаатларини инобатга олиб ҳаракат қилиши лозим.

«Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида белгиланганидек, қонун лойиҳасини тайёрлаш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан ишчи гуруҳи (комиссияси) тузилиши мумкин. Ишчи гуруҳи (комиссияси) таркибига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти тегишли бўлинмаларининг вакиллари, вазирлик ва идораларнинг тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вакиллари, бошқа манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин¹¹.

Илмий экспертиза ўтказишда қонун нормалари ва қонун лойиҳаси қоидаларининг баъзи талабларга мувофиқлиги таҳлил қилинади: юқори турувчи қонун ҳужжатлари, ҳуқуқ тамойиллари, криминоген омилларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ва бошқалар. Эксперт тегишли матери-

аллар сифатида қонун лойиҳаси бўйича тушунтириш хатини ва агар мавжуд бўлса, қиёсий жадвални ўрганади¹².

Қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш – парламентнинг ҳозирги босқичдаги долзарб вазифасидир. Бугунги кунда қонун ижодкорлиги фаолиятининг асосий камчиликларидан бири шундаки, аксарият ҳолларда лойиҳалар тезкор равишда, шиддат билан ишлаб чиқилади. Бундай «юқори тезликда»ги қонун ижодкорлиги муаммони чуқур англашга, олимлар ва мутахассислар иштирокида қонунни маромига етказишга имкон бермайди. Олимлар назарий тадқиқотлар билан бир қаторда қонунчилик ишларида ҳам фаол бўлишлари лозим, шу жумладан экспертизалар ўтказиш орқали ҳам.

Шу муносабат билан, қонун ижодкорлиги жараёнида мустақил олимлар ва илмий муассасалар иштирок этишининг иккинчи, нисбатан янги шакли – қонун лойиҳалари бўйича илмий-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Юридик фанлар доктори Х.Хайитовнинг фикрича, «Қонун лойиҳалари экспертизаси – махсус билим ва малакага эга эксперт ёки экспертлар гуруҳининг қонун лойиҳалари юзасидан натижаси ҳулоса тарзида расмийлаштириладиган, уларда йўл қўйилган турли камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш, қонун лойиҳаларининг миллий қонунчилик тизими, халқаро ҳуқуқ нормалари, қонунчилик техникаси, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мақсадига қанчалик мувофиқлигини баҳолаш асосида асослантирилган тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган фаолият»¹³.

Илмий-ҳуқуқий экспертиза муаммоларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш бир қатор омилларга кўра жуда фойдали. *Биринчидан*, қонунчилик ҳужжатларини оптималлаштириш воситаси сифатида экспертизанинг тўғри ва бир хил тушунчаси белгиланади, лойиҳаларнинг об'ективлиги ва асослантирилганлиги оширилади. *Иккинчидан*, қонун

⁹ Антикоррупционная экспертиза нормативных правовых актов и их проектов: терминологический словарь / Авт.-сост.: В.Н. Агеев, О.В. Агеева, И.И. Бикеев, А.Э. Бикмухаметов, М.А. Гаврилов и др.; рук. авт. коллектива и науч. ред. д-р юрид. наук, проф. П.А. Кабанов. – Казань: Изд-во «Познание» Института экономики, управления и права, 2010. – С. 86.

¹⁰ Антикоррупционная экспертиза: теория и практика: науч.-практ. пособие / А.В. Қудашкин. – М.: Норма: ИНФА-М, 2012. – С. 26.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 222-модда.

¹² Қысыкова Г.Б.//Научная экспертиза проектов НПА и методы исследований//г. Астана: Журнал «Наука и современность» № 2013, 2013– С 274.

¹³ Х.Хайитов. Қонун ижодкорлигида экспертиза ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.: 2019, 27 б.

ижодкорлиги бўйича экспертизаларни ташкил этиш, ўтказиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишчи амалдаги ва янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унификация қилиш учун илмий асос яратилади. *Учинчидан*, экспертлар фаолияти ва унинг сифатини яхшилаш учун мақбул шарт-шароитлар таъминланади, экспертлик фаолиятининг нуфузи ошади ва қонун ижодкорлиги соҳасидаги экспертлик фаолияти иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми белгиланади.

Бундай шароитларда қонун чиқарувчи томонидан, аввало, юридик илм-фанга катта роль берилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 121-моддасида қўмиталарга зарур ҳолларда қонун лойиҳаларини илмий экспертизага юбориш, шунингдек, улар юзасидан мутахассисларнинг фикрини сўраб олиш ҳуқуқлари белгиланган. Шундай қилиб, республикада илмий-ҳуқуқий экспертиза ўтказишнинг қонунчиликда маълум базаси яратилган.

Демак, илмий-ҳуқуқий экспертиза ўзи нима? Фикримизча, **қонун лойиҳаларининг илмий-ҳуқуқий экспертизаси – бу қонун лойиҳасининг илмий асослантирилганлиги даражаси, мақсадлари ва қонунчилик тизимидаги ўрни, амал қилиш доирасини, шунингдек лойиҳанинг қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида махсус билим ва малакага (илмий даража) эга ҳуқуқшуносолимлар, юқори малакали мутахассислар ва юридик илмий муассасалар томонидан ўтказиладиган махсус тадқиқот (ўрганиш) фаолияти.**

Фикримизча, қонун лойиҳасининг парламентда илмий-ҳуқуқий экспертизада «ҳаракатланиш» жараёнини таснифлаш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, қонун лойиҳаларини илмий-ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш вақти бўйича уни дастлабки, бошланғич ва якуний экспертизаларга ажратиш мумкин.

Дастлабки экспертиза қонун лойиҳасини қонун чиқарувчи органга киритилишидан аввал, яъни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари доирасида ўтказилади. Ушбу босқичдаги илмий тадқиқот (ўрганиш) лойиҳалаштириладиган қонун тааллуқли бўлган ижтимоий муносабатларнинг амалдаги ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, қонунни қабул қилиш заруратинини вужудга кел-

тирувчи асослар, қонун лойиҳасининг асосий нормаларини ўрганиш ва янги қонунни қўллашнинг кутиладиган натижаларини прогноزلаштириш билан боғлиқ бўлади.

Бошланғич экспертиза, қоида тариқасида, лойиҳанинг дастлабки тарзда муҳокама қилиш босқичида амалга оширилиб, унинг амал қилиш доираси, мақсадлари ва қонунчилик тизимидаги ўрни, шунингдек унинг қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, илмий асослантирилганлиги ўрганилади. Яъни дастлабки экспертизада лойиҳа концептуал жиҳатдан ўрганилса, бошланғич экспертиза лойиҳани конкрет тарзда ўрганиш, унинг мазмунини ва илова қилинган материалларни баҳолашни назарда тутди.

Якуний экспертиза лойиҳани парламент мажлисларида муҳокама қилиш жараёнида ёки қабул қилиш пайтида амалга оширилиши мумкин. Якуний экспертизанинг ўзига хос жиҳати шундаки, у қонун лойиҳаси қўмита ва комиссияларда дастлабки тарзда муҳокама қилинганидан сўнг ўтказилади. Бунда, агар экспертларнинг аввалги хулосалари текширилишига асослар мавжуд бўлса, бошланғич экспертизадан ўтган қонун лойиҳалари ҳам якуний экспертизанинг объекти бўлиши мумкин. Бундай ўрганиш депутатлар орасида мунозараларга сабаб бўлган қонун лойиҳаларига нисбатан ҳамда қўмита ва комиссиялар бошланғич экспертиза хулосаларидан норози бўлган ҳолатларда амалга оширилади.

Қонун лойиҳасини қабул қилиш босқичида илмий-ҳуқуқий экспертиза депутатларнинг талабларига мувофиқ ўтказилиши мумкин. Вазиятни ҳисобга олган ҳолда бу турдаги экспертизани ўтказиш муддатлари қисқа бўлади. Олий Мажлис палаталари амалиётида бундай ҳолатлар учрамаганлиги қонун лойиҳаларининг чуқур таҳлил асосида ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг ҳар томонлама асослантирилганлигидандир. Шу билан бирга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига тегишли нормалар киритилиб, юқоридаги масалани ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Аввалроқ айтиб ўтилганидек, илмий-ҳуқуқий экспертизани қонун лойиҳасини тайёрлашга масъул бўлган орган (шу жумладан қонун чиқарувчи орган) ҳам, парламент ҳам тайинлаши мумкин. Экспертизани тайинлаш ҳуқуқига эга субъектлар бўйича шундай классификация келтирилади. Ил-

мий-ҳуқуқий экспертизанинг бошқа классификациялари ҳам мавжуд: ўрганиш ўтказувчи субъектлар бўйича, экспертизани ўтказиш муддати бўйича ва бошқалар.

Илмий-ҳуқуқий экспертизага берилган таърифга мувофиқ, уни ўтказувчи субъектлар ҳуқуқшунос-олимлар орасидан бўлган юқори малакали мутахассислар, шунингдек юридик илмий-тадқиқот ва илмий-ўқув муассасалари ҳисобланади.

Илмий-ҳуқуқий экспертизани ўтказишнинг иккинчи асосий жиҳати унинг мақсадларини белгилаб олиш билан боғлиқ. Экспертизага берилган таърифга кўра, уни ўтказишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- 1) қонун лойиҳасининг илмий асослангилганлиги даражасини аниқлаш;
- 2) қабул қилиниши таклиф этилаётган қонуннинг амал қилиш доираси ва унинг қонунчилик тизимидаги ўрнини аниқлаш;
- 3) лойиҳанинг қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини текшириш.

Биринчи мақсад ҳақида гапирилганда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, илм-фан амалиёт билан ҳамнафас бўлиши, айрим жойларда эса амалиётдан бир қадам олдинда бўлмоғи лозим. Фақат шундагина қонун ижодкорлиги соҳасида илмийлик принципи амал қилиши таъминланади, юридик назария ва амалиёт ўртасида яқин боғлиқлик кафолатланади.

Парламентнинг қонунчилик амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қабул қилинаётган қонунларда доимо уларнинг амал қилиш доираси, вақти, худиди, субъектлар кўлами ҳамда тегишли муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари ўз аксини топади.

Қонун лойиҳасининг қонунчилик тизимидаги ўрнини аниқлаш орқали унинг маълум бир ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясидаги ўрни белгиланади. Биламизки, ҳар қандай қонунчилик тизимига қонунлар ва қонуности ҳужжатларга бўлиниш хосдир. Олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлмиш қонунлар қонунчиликнинг у ёки бу соҳаси тизимида доимо алоҳида ўрин эгаллайди.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг натижаси бўлмиш қонунчиликнинг шаклланиши, ҳар бир қа-

бул қилинаётган қонуннинг амал қилиши ва сифатини таъминловчи процессуал шаклларга бевосита боғлиқдир. Процессуал шакллар қанчалик мукамал бўлса, улар жамиятнинг ҳуқуқий тизими шакллантирилишига шунчалик фаол таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан янада самарали қонунчиликка интилиш юридик техника қоидаларини қўллашни янада такомиллаштиришни талаб қилади. Айнан қонунчилик техникаси қоидаларини қўллаш қай аҳволдалиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда халқ иродаси акс эттирилиши ва тегишли юридик қоидалар сифатини белгилаб беради.

Фикримизча, **қонунчилик техникаси** деганда қонун лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул қилишда қўлланиладиган, янги ҳуқуқий тартибларнинг қонун чиқарувчининг иродасига максимал даражада тўлиқ ва аниқ мослигини таъминловчи қоидалар (воситалар), усуллар, шу жумладан қонун лойиҳаларига қўйилган асосий талаблар йиғиндиси тушунилади.

Шу билан биргаликда, қонунчилик техникаси қоидалари олимлар ва қонун ижодкорлиги соҳасида фаолият юритувчи амалиётчилар тавсияларида умумлаштирилган.

Воситалар, усуллар ва қоидалар қонунда мустаҳкамланиши мумкин ва мустаҳкамланиши ҳам керак. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонунида алоҳида боб қонунчилик техникаси қоидаларига бағишланган (Қонун лойиҳаларининг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар). Қонунчилик техникаси қоидаларининг моҳияти лойиҳанинг тузилиши ва мазмуни, унинг реквизитларида ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтганда, қонун лойиҳаларининг илмий экспертизасини ўтказиш Олий Мажлис палаталарини ахборот-таҳлилий таъминидаш фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида қонун лойиҳасининг илмий асослангилганлиги даражаси, мақсадлари ва қонунчилик тизимидаги ўрни, амал қилиш доирасини, шунингдек лойиҳанинг қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида махсус билим ва малакага (илмий даража) эга ҳуқуқшунос-олимлар, юқори малакали мутахассислар ва юридик илмий муассасалар томонидан ўтказиладиган махсус тадқиқотларда намоён бўлади.

ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Жўрабек РАСУЛОВ*

Аннотация. Мақолада мажбурий меҳнатдан, хусусан одам савдоси мақсадларида фойдаланганлик учун жавобгарликка оид халқаро ва минтақавий ҳужжатлар ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилиги, шунингдек меҳнат инспекцияси органларининг ўшбу жиноий ҳаракатларни таъқиб қилишдаги ваколатлари масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мажбурий меҳнат, одам савдоси, Халқаро меҳнат ташкилоти, конвенция, кодекс, қонун, Экспертлар қўмитаси, меҳнат инспекцияси, халқаро меҳнат стандартлари.

Аннотация. В статье анализируются международные и региональные правовые акты, законодательство зарубежных стран по вопросам ответственности за использование принудительного труда, в частности, в целях торговли людьми, а также полномочия органов инспекции труда по преследованию этих преступлений.

Ключевые слова: принудительный труд, торговля людьми, Международная организация труда, конвенция, кодекс, закон, Комитет экспертов, инспекция труда, международные трудовые стандарты.

Abstract. The article analyzes international and regional legal acts, the legislation of foreign countries on the issues of responsibility for the use of forced labor, in particular, for the purpose of human trafficking as well as the powers of labor inspection bodies to prosecute these crimes.

Key words: forced labor, human trafficking, International Labor Organization, convention, code, law, committee of experts, labor inspection, international labor standards.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида эътироф этганидек, “Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланимуда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди”¹. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, хусусан, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг оғир шакллари тугатиш бўйича самарали ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар давом этмокда. Мажбурий меҳнатни тугатиш юзасидан олиб

борилаётган ислохотлар ва ўзгаришлар халқаро ҳам-жамият томонидан эътироф этилмокда.

Мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ичида навбатдаги долзарб масала бундай ноқонуний амалиётдан фойдаланадиган шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, уларни аниқлаш ва таъқиб қилиш бўйича тузилмаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жавобгарлик масаласига оид халқаро ва минтақавий ҳужжатлар ҳамда хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг барча шакллари ва турлари тақиқланишига қарамасдан дунё миқёсида мазкур амалиёт жабрдийдаларининг аксарияти зарурий ёрдам олишдан махрум бўлиб

* Жўрабек Расулов – Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/3851>.

қолмоқда, ушбу жиной амалиётдан фойдаланаётган шахслар эса жазосиз фаолият кўрсатишда давом этишмоқда. Шу сабабли, нафақат жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва айбдорларни жазоловчи, балки эҳтимолий ҳуқуқбузарларнинг қонунларни бузишга бўлган интилишларидан сақловчи кучли ва самарали механизмни жорий этиш долзарб масала ҳисобланади.

Мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ва одам савдоси жинойтларини жинойт жавобгарликка тортиш ҳамда жазолаш принципи қўллаб халқаро ва минтақавий ҳужжатларда тан олинган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) “Мажбурий ёки зўраки меҳнат тўғрисида”ги конвенциясининг 25-моддаси талабига кўра, **“Зўраки ёки мажбурий меҳнатга ноқонуний жалб қилиш жинойт тартибда таъқиб қилинади ҳамда ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси қонунда кўрсатилган санкцияларнинг чинакам самарадорлигини ва уларга қатъий риоя қилинишини таъминлаши шарт”**². Ушбу масала юзасидан ХМТ Экспертлар қўмитасининг қайд этишича, жарима ёки қисқа муддатли қамоқ жазосини қўллашни назарда тутувчи санкциялар ҳуқуқбузарликнинг жиддийлигига мутаносиб келмайди ва уни содир этишдан тийиш хусусиятига эга эмас. Бундай ҳолларда, Экспертлар қўмитаси тегишли ҳукуматларга вазиятни тўғрилаш учун зарур чораларни кўришни тавсия қилади. Экспертлар қўмитаси бир неча маротаба қонунийликка риоя қилишни таъминлаш чораларини мустаҳкамлашнинг зарурлигини таъкидлади ва ушбу йўналишда аъзо-давлатлар томонидан амалга оширилган чоралар тўғрисида маълумотларни тақдим этишни сўради³.

ХМТнинг Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги 182-конвенцияси (7-модда, 1-банд) давлатлардан ушбу Конвенцияни амалга оширувчи қоидаларнинг самарали қўлланилиши ва уларга риоя этилишини таъминлаш учун зарур бўлган барча чораларни кўришни талаб қилади⁴.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса аёллар

ва болалар савдосининг олдини олиш ва уни бартараф этиш ҳамда унинг учун жазолаш тўғрисидаги протоколи (Палермо протоколи) мазкур протоколга аъзо-давлатлардан одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларни жазолашни талаб қилади⁵, БМТнинг Трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши конвенцияси (11-модда, 1-банд) эса ҳар қандай жинойтнинг хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда санкцияларни қўллашни назарда тутди⁶.

Минтақавий ҳужжатлар ҳам маълум бир ҳаракатларни жинойт жавобгарликка тортиладиган ҳаракатлар сифатида тан оладиган ўхшаш қоидаларни, шунингдек одам савдоси билан боғлиқ жинойтларни тергов қилиш ва бундай ҳаракатлар учун жинойт таъқиб қилиш тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади. Трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши конвенция сингари Европа Кенгашининг Одам савдоси тўғрисидаги конвенцияси (22-модда) ҳам давлатлардан компаниялар ва уюшмалар каби юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгилашни талаб қилади⁷.

Айрим халқаро ҳужжатларда давлат жинойт жазога тортиладиган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ўз юрисдикциясини ўрнатиши мумкин бўлган ҳолатлар кўриб чиқилади. БМТнинг Трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши конвенциясининг 15-моддаси ҳар бир иштирокчи-давлат ўз ҳудудида, ушбу давлат байроғи остида ҳаракатланадиган кемада ёки ўз қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтган самолёт бортида содир этилган жинойтлар устидан ўзининг юрисдикциясини ўрнатишини назарда тутди. Ҳар қандай иштирокчи давлат унинг фуқаросига нисбатан ёки унинг фуқароси томонидан ўз ҳудудидан ташқарида содир этилган одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай жинойтга нисбатан ўз юрисдикциясини ўрнатиши мумкин⁸.

Мажбурий меҳнатга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг етакчи ролини тан олган ҳолда, ХМТ Экспертлар қўмитаси меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини назорат қилиш ва мажбурий меҳнат билан боғлиқ амалиёт нуқтаи назаридан қонунбузарликларни аниқлаш ваколатларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат инспекцияси органларининг муҳимлигини таъкидлайди. Қўмита ҳукуматларга ушбу органларга ўз функцияларини бажариши

² <https://lex.uz/docs/1463679> - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

³ Активизировать действия, чтобы положить конец принудительному труду. Четвертый пункт повестки дня. Международная конференция труда. 103-я сессия, 2014 г. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms_218225.pdf.

⁴ <https://lex.uz/docs/1584624> - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

⁵ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/protocol1.shtml.

⁶ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/orgcrime.shtml.

⁷ <https://rm.coe.int/16805a937a>.

⁸ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/orgcrime.shtml.

учун етарли манбалар ва маблағ ажратилишини таъминлашни таклиф этади. Хусусан, Экспертлар қўмитасининг таъкидлашича, “меҳнат инспекторлари бутун мамлакат бўйлаб, шу жумладан ишчилар эксплуатация қилинадиган чекка ҳудудларда тезкорлик билан, тўсиқсиз ва хавфсиз ҳаракатланиши керак”⁹.

ХМТнинг Халқаро меҳнат конференцияси томонидан 2012 йилда қабул қилинган Ҳаракат дастури ҳукуматларни иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари билан маслаҳатлашувлар жараёнида мажбурий ва болалар меҳнати билан боғлиқ масалаларда “жиноий судлов органлари ва меҳнат муаммолари билан шуғулланувчи муассасалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масаласи юзасидан қўшимча равишда тегишли ёндашувни ишлаб чиқишга” ундайди. Ушбу Ҳаракат дастурида, шунингдек, иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари “ижтимоий мулоқот доирасида меҳнат инспекциясининг мустақил органлари ва меҳнат соҳасидаги асосий принциплар ва ҳуқуқлар нуқтаи назаридан ҳуқуқни қўллашни таъминловчи бошқа муассасаларга устувор масалалар ва амалий фаолият бўйича маслаҳатлар беришлари мумкинлиги”¹⁰ таъкидланган.

Нормаларнинг бажарилишини самарали таъминлаш, авваламбор, етарли ҳуқуқий асосларнинг мавжудлигига боғлиқ. ХМТнинг деярли барча аъзо-давлатларида мажбурий меҳнатни ёки у билан боғлиқ бўлган қулик, эркисиз ҳолатда бажариладиган меҳнат, одам савдоси ҳамда мажбуран боғланган меҳнат каби амалиётларни тақиқловчи конституциявий қоидалар ёки қонунчилик ҳужжатлари мавжуд.

Ҳиндистон ва Покистонда тегишлича 1976 ва 1992 йилларда қабул қилинган қонунларга асосан “мажбурий меҳнат тизими” тугатилиб, мажбуран боғланган ишчиларнинг тўланмаган қарздорлиги бекор қилинган ва уларнинг иш берувчиларига нисбатан жазо чоралари белгиланган¹¹.

Франция Жиноят кодексига мувофиқ, одам савдосининг ҳар қандай шакли тақиқланган ва заиф шароитдаги ишчиларга нисбатан инсон кадр-қимматига мос келмайдиган ишлаш шароитларини мажбуран жорий қилиш жиноят ҳисобланади¹². Шунга қарамайдан, айрим мамлакатларнинг қонунчилиги мажбурий меҳнат ва у билан боғлиқ бошқа ноқонуний

амалиётларнинг кенг қамровини кўзда тутмайди. Масалан, одам савдосини тақиқловчи бир қатор қонунлар фақат жинсий фойдаланиш мақсадида одам савдоси билан шуғулланиш ҳолатини назарда тутди. Шу билан бирга, Палермо протоколи 2003 йилда кучга кирганидан буён, миллий қонунчилик ҳужжатларида қўлланилган таърифлар доираси янада кенг қамровли бўла бошлади.

Масалан, Исроил 2006 йилда “Жиноят ҳуқуқи тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритиб, ушбу қонунни одам савдоси тушунчаси доирасида меҳнатга мажбурлаш ҳолатлари учун ҳам тааллуқли эканлигини белгилади. Парагвай ҳам 2009 йилда ўзининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиб, транс-миллий одам савдосига суиқасд қилишни меҳнатга мажбурлаш мақсадида амалга ошириладиган одам савдоси ҳолатлари учун ҳам тегишли эканлигини белгилаб қўйди¹³. Европа Парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг 2011 йил 5 апрелдаги Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жабрланганларни ҳимоя қилиш ва ЕИ Кенгашининг 2002/629/JHA-сон Рамкали қарорини ўзгартириш тўғрисидаги 2011/36/ЕС-сон директиваси (ЕИнинг 2011/36/ЕС-сон директиваси) “одамлардан фойдаланиш” тушунчасининг қамровини нафақат Палермо протоколида келтирилган фаолият соҳаларида, балки қўшимча равишда тиланчилик қилишга мажбурланиш ва жиноий фаолиятни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун ҳам тааллуқли эканлигини белгилаб, кенгайтди (2-модда, 3-банд)¹⁴.

Одам савдоси тушунчасини кенг маънода талқин қилишнинг бундай тенденциясига қарамайдан, дунёнинг барча мамлакатларида меҳнатда мажбуран фойдаланиш мақсадидаги одам савдоси ҳолатлари учун жиноий таъкиб қилиш ва суд ҳукмини чиқариш ҳолатлари жуда кам учрайди. Халқаро меҳнат конференциясининг 2014 йилдаги 103-сессиясида қилинган маърузада келтирилишича, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар учун чиқарилган суд ҳукмларининг умумий сони, 2007-2010 йиллар давомида UNODC (БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси) маълумотларига кўра йилига 5500 дан 7000 гача бўлган рақамларни ташкил қилган¹⁵.

Бошқа манбаларнинг таҳлили турли хил омилар

⁹ Активизировать действия, чтобы положить конец принудительному труду. 103-я сессия, 2014 г. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms_218225.pdf.

¹⁰ https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms_176537.pdf.

¹¹ Ўша жой.

¹² <http://law.edu.ru/norm/norm.asp?normID=1243018&subID=100104265,100104266,100104298,100105410#text>.

¹³ Активизировать действия, чтобы положить конец принудительному труду. 103-я сессия, 2014 г. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms_218225.pdf.

¹⁴ <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/en/TXT/?uri=CELEX%3A32011L0036>.

¹⁵ Активизировать действия, чтобы положить конец принудительному труду. 103-я сессия, 2014 г. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms_218225.pdf.

сабабли жинсий фойдаланиш мақсадидаги одам савдоси ҳолатларига қараганда меҳнатдан фойдаланиш мақсадидаги одам савдоси ҳолатларини аниқлаш ва уларни таъқиб қилиш қийинроқ эканлигини кўрсатади.

Суд тартибида самарали таъқибни таъминлаш мақсадида кўплаб мамлакатлар қонунчиликдаги ўзгартиришларни икки усулда амалга оширишди: биринчи усулда, мажбурий меҳнатни алоҳида жиноят сифатида тақиқлайдиган янги қонунлар қабул қилинди; иккинчи усулда эса, амалдаги қонун ҳужжатларига бевосита мажбурий меҳнатни тақиқлашни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритилди. Буюк Британияда мажбурий меҳнат ва қуллик билан боғлиқ жиноий тарзда таъқиб қилинадиган янги ҳуқуқбузарлик тури 2009 йилги “Коронерлар ва одил судлов тўғрисида”ги қонуннинг 71-моддасига биноан киритилди.

Худди шу тарзда, Австралия парламенти 2013 йил февраль ойида Жиноят кодексига меҳнатда фойдаланиш мақсадидаги одам савдоси учун жиноий жавобгарликка тортиш белгиланган янги алоҳида жиноят таркибини кўзда тутувчи ўзгартириш киритди. Ирландиянинг Жиноят қонунига тузатишлар тўғрисидаги 2013 йилги қонуни ХМТнинг 29-сон Конвенцияси қоидаларига мос келадиган “мажбурий меҳнат” тушунчасини ўз ичига олган бўлиб, шу сабабли мазкур қонуннинг мажбурий меҳнат ҳолатларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши белгиланган¹⁶.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мажбурий меҳнат ҳолатлари учун жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51-моддасида¹⁷ ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 1482-моддасида¹⁸ мустаҳкамланган бўлиб, мазкур моддаларнинг диспозиция қисми қуйидагича баён қилинган: “меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно”. Бундай ҳолатлар учун тегишлича маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Мазкур ҳолатдан кўриниб турибдики, мамлакатимиз қонунчилигида мажбурий меҳнатга фақат “маъмурий тарзда жалб қилинганлик” учун жавобгарлик белгиланган. Бу эса, мажбурий меҳнат кўринишлари сифатида баҳоланадиган аксарият ҳолатлар учун жавобгарликни белгилашда бўшлиқларни юзага келтириши мумкин. Амалиётда мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолатлари маъмурий таъсир кўрсатиш ваколатига эга бўлмаган шахслар томонидан ҳам со-

дир этилиши мумкинлигини инобатга олиш лозим.

Айрим мамлакатларнинг (Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Белорусь Республикаси, Грузия) жиноят қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, кўпчилик ҳолларда “шахсни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишни бажаришдан воз кечолмаслиги ҳолатида унинг меҳнатидан фойдаланганлик” учун жиноий жазо белгиланган. Россия Федерацияси, Қирғизистон ва Белорусь Республикаси жиноят қонунчилигида меҳнатдан бу тарзда фойдаланиш қуллик меҳнати деб номланган. Мазкур ҳолатда эса, шахсни меҳнатидан мажбурий фойдаланганлик учун жавобгарликка тортиладиган субъектлар доираси кенг белгиланган.

Самарали миллий қонунчилик асослари нафақат қонунга зид ҳаракатларни жазолаш мақсадида, балки ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни жилаб туриш учун ҳам тегишли санкцияларни жорий қилишни талаб қилади. Баъзи мамлакатларда мажбурий меҳнат учун меҳнат қонунчилигига асосан қўлланиладиган санкциялар жарима ёки жуда қисқа муддатли қамоқ жазосидан иборат. Бироқ айрим мамлакатларда жиддий жазо чоралари ҳам белгиланган. Масалан, Мавританияда қуллик учун жиноий жавобгарликка тортиш ва қулликка ўхшаш амалиёт учун жазолаш тўғрисидаги 2007/048-сонли қонунда бундай жиноят учун беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 500.000 дан 1 миллионгача мавритания угияси (тахминан 1 912дан 3 824 АҚШ долларигача) миқдорида жарима тўлаш назарда тутилган. Филиппинда одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар йигирма йил озодликдан маҳрум қилиш ва катта миқдордаги жарималар билан жазоланади. Шунингдек, кучайтирилган санкциялар ҳам кўзда тутилган бўлиб, ушбу санкциялар жиноий хатти-ҳаракатлар болаларга нисбатан, оғир жисмоний шикастланишлар билан, давлат хизматчилари иштирокида ва бошқа ҳолатларда содир этилса, қўлланилиши белгиланган¹⁹.

Эквадор, Кипр ва Бангладеш каби бир қатор мамлакатларда, жинсий фойдаланиш мақсадидаги одам савдоси ҳолати учун меҳнатда фойдаланиш мақсадидаги одам савдосига нисбатан оғирроқ жазолар қўлланилади.

Бразилияда “қулликка ўхшаш шароитлар”ни тақиқловчи қонун нормаларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида бир қатор қўшимча принцип-лардан фойдаланилади. Меҳнат ва бандлик вазир-

¹⁶ Ўша жой

¹⁷ <https://www.lex.uz/docs/97664#4718586> - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

¹⁸ <https://www.lex.uz/docs/111453#4713401> - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

¹⁹ Активизировать действия, чтобы положить конец принудительному труду. 103-я сессия, 2014 г. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms_218225.pdf.

лиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича котибиятнинг 02/2011 MTE/SDH-сонли Идоралараро қарорининг ижросини таъминлаш учун, мазкур ташкилотлар томонидан ишчиларни қуликка ўхшаш шароитларда ишлашга мажбур қиладиган хусусий ва юридик шахсларнинг давлат реестри бўлган “ифлос рўйхат” юритилади. Бирор шахс ушбу рўйхатга киритилиши билан, унга нисбатан икки йил давомида меҳнат инспекцияси томонидан қонун бузилишининг такрорланишига йўл қўймаслик учун кузатув тайинланади, давлат ва хусусий молия институтлари эса бундай шахслар ва субъектларга нисбатан кредитлар ажратишни рад этиш каби чекловларни қўяди²⁰.

Баъзи мамлакатларда одам савдоси учун судланганларнинг активлари ва мол-мулки мусодара этилиши ҳам кўзда тутилган. Мисрда 2010 йилги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунга асосан жиноий йўллар билан олинган барча даромадларнинг мусодара қилиниши кўзда тутилган. Руминияда одам савдоси билан шуғулланадиган шахсларнинг мол-мулки ва активлари 2001 йилда қабул қилинган “Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ мусодара қилиниши мумкин²¹.

ХМТ томонидан ўтказилган таҳлилларга қўра, жаҳон миқёсида мажбурий меҳнат ва одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноий жавобгарликка тортиш ва судлов ҳукмлари сонининг камлиги ҳуқуқни қўллашни таъминлаш нуктаи назаридан сезиларли бўшлиқлар мавжудлигидан далолат беради. Мавжуд маълумотлар шуни кўрсатадики, ушбу бўшлиқлар жинсий фойдаланиш мақсадидаги мажбурий меҳнатга нисбатан меҳнатда фойдаланиш мақсадидаги мажбурий меҳнат ҳолатларида янада кўпроқ намоён бўлади. Мажбурий меҳнатнинг асосан норасмий иктисодиётда ва қишлоқ хўжалигида, кўпинча яширин ва ноқонуний ишларда ёки хусусий хонадонларда қўлланилиши қонунийликни таъминлашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Мазкур ҳолат ҳуқуқни қўллаш чоралари борасида янгича ёндашувлар зарурлигини ва турли манфаатдор ҳокимият органларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни яна бир бор тасдиқлайди. Мажбурий меҳнат жабрдийдалари, шу жумладан қонуний миграция мақомидан маҳрум бўлганлар вазиятининг қалтислиги жабрдийдаларни ҳимоя қилишнинг кенг қамровли чоралари билан биргаликда олиб борила-

диган ҳуқуқни қўлловчи органларнинг ҳаракатлари муҳимлигини таъкидлайди.

Одам савдосига тааллуқли бўлган амалдаги халқаро ёки минтақавий шартномаларнинг ҳеч бирида одам савдосининг олдини олиш бўйича меҳнат инспекциясининг роли қатъий белгиланмаган ва амалиётда меҳнат масалаларини тартибга солувчи органлар одам савдосига қарши курашиш билан шуғулланувчи миллий мувофиқлаштирувчи тузилмалар фаолиятида камдан-кам ҳолларда иштирок этади. Меҳнат тузилмаларининг мажбурий меҳнат билан шуғулланадиган шунга ўхшаш тузилмаларга тез-тез жалб қилиниши ёки ҳатто бундай тузилмаларни бошқариши ҳолатлари кўпроқ учраса-да, меҳнат инспекцияси хизматлари мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва/ёки уларни тергов қилиш бўйича аниқ ваколатларга эга бўлмаслиги мумкин.

Мажбурий меҳнатни зўравонлик билан татбиқ қилиш оғир жиноят бўлиб, жиноий судлов органларининг қатъиятли ҳаракатларини талаб қиладди. Бироқ мажбурий меҳнат ҳолатларини тергов қилиш ва бундай ҳаракатлар учун жиноий таъқибни олиб боришнинг амалий қийинчиликлари шуни кўрсатадики, фақат жиноий таъқиб чораларига умид қилиш қутилган натижани бермаслиги мумкин. Аксинча, ҳам жиноий, ҳам меҳнат бўйича судлов тизимларини қамраб олувчи комплекс ёндашувни кенгайтириш зарур. Бунинг учун меҳнат масалаларини тартибга солувчи органлар ва меҳнат инспекцияларининг мажбурий меҳнатга ва шунга ўхшаш амалиётларга қарши курашда, шу жумладан уларнинг олдини олиш, жазолаш ва мажбурловчи ҳаракатларни амалга ошириш орқали тўлақонли иштирок этишлари учун аниқ ваколатларга, ходимларни тайёрлаш имкониятларига ва етарли манбаларга эга бўлишлари талаб қилинади.

Янги халқаро ҳужжат мажбурий меҳнатга ва у билан боғлиқ амалиётга қарши курашга йўналтирилган мажбурловчи ҳаракатлар доирасида меҳнат масалаларини тартибга солувчи органлар ва меҳнат инспекциялари ролини кучайтириш бўйича нормалар ва тавсиявий кўрсатмаларни тақдим этиши мумкин. Ушбу ҳужжатда жиноий ва меҳнат судлов тизимлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар принципларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришнинг қўшимча устуворлиги назарда тутилиши мумкин.

²⁰ Активизировать действия, чтобы положить конец принудительному труду. 103-я сессия, 2014 г. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms_218225.pdf.

²¹ Ўша жой.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОДИЛ СУДЛОВ БЎЙИЧА ҲУҚУҚЛАРИ

Фарида БЕГБУТАЕВА*

Аннотация. Мақолада ногиронлиги бўлган шахсларнинг одил судловдан фойдаланишлари таъминлаш тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, мақолада Ўрта асрларда ногиронлиги бор шахсларнинг бу борадаги ҳуқуқларига нисбатан Европа ва Ўрта Осиё давлатларида мавжуд муносабатлар ёритилган.

Калит сўзлар: ногиронлиги бўлган шахс, суд тизими, одил судлов, конвенция.

Abstract. The article discusses how to ensure disabled people to access to fair justice affairs. Moreover, it covers the attitude of disabled people to their rights in context of justice in the Middle Ages, as well as it covers attitude of Europe and Central Asia people's.

Keywords: person with disability, judicial system, justice, convention.

Аннотация. В статье обсуждается, как обеспечить лицам с ограниченными возможностями доступ к справедливому правосудию. Кроме того, освещается отношение людей с ограниченными возможностями к своим правам в контексте справедливости в средние века, а также отношение народов Европы и Центральной Азии.

Ключевые слова: инвалид, судебная система, правосудие, конвенция.

Бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоялашнинг ишончли кафолатини яратишга қаратилган ислохотлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Натижада судларнинг ваколати кенгайтирилиб, одил судловни амалга оширишда уларнинг ҳолислиги ва мустақиллиги кафолатлари мустаҳкамланмоқда.

Шу ўринда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг 2014 – 2020 йилларда амалга оширилган “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси¹ ҳақида тўхталиб ўтамиз. Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда фуқароларнинг суд тизимига нисбатан ишончини мустаҳкамлашдан иборат. Ушбу лойиҳа жорий йилнинг декабрь ойида ўз низоъига етади. Ундан кутилган натижалардан бири фуқаролар ва тадбиркорлар, шу жумладан, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг одил судловга тўсиқсиз эришишини таъминлашдир.

Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларидан бири – бу ногиронлиги бўлган шахслардир. Уларнинг одил

судловга тўсиқсиз эришиши борасида қандай ишлар амалга оширилиши зарурлиги тўғрисида гапиришдан олдин, Ўрта асрларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари қай даражада таъминланганига назар солсак.

Ўрта асрларда ногиронлиги бор инсонларга бўлган муносабатнинг шаклланишида диннинг таъсири кучаяди. Айниқса, Европада диний қарашлар ва руҳонийлар таъсири натижасида ногиронлиги бўлган одамлар “шайтон малайи” сифатида эътироф этилган. Уларнинг фикрича, “Ақли заифлик инсон онгининг ҳар хил ёвуз кучлар ёрдамида бошқарилиши натижасида юзага келади”. Шунинг учун танасида бирор иллати бор одамлар жодугарлар билан бир қаторда инквизиция суди қарорларига биноан оловда ёқиб ўлдирилган. Ҳатто имконияти чекланган шахсларни жамиятдан ажратувчи марказлар ташкил қилиниши оқибатида улар дайди ва ночор ҳаёт кечиришган. Париж, Венеция ва Штралзун театрларида ногиронлар ва кўзи ожизларни масҳара қиладиган ҳар хил томошалар уюштирилган. Шаҳарларда кўзи ожизлар ва ҳайвонлар ўртасида ҳар хил мусобақалар таш-

* Фарида Бегбутаева – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси таянч докторанти.

¹ <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/uz/home/projects/rule-of-law-partnership-in-uzbekistan>.

кил қилинган. Баъзида бундай мусобақалар кўзи ожизларнинг вафоти билан якунланган².

Қадимги Рим қонунчилигига биноан кўзи ожиз, кар-соқов ва юра олмайдиган болаларга мерос қолдирилмаган ва носоғлом наслнинг кўпайишининг олдини олиш мақсадида уларни турмуш қуриш ҳуқуқидан маҳрум қилишган³.

Ўрта асрнинг бошланиши бевосита диннинг қириб келиши билан характерланар экан, мусулмонларнинг илоҳий китоби “Қуръони Карим”да ногиронлиги бўлган шахсларга ғамхўрлик, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш жамоавийликка асосланганлигини кўришимиз мумкин. “Бақара” сурасида имконияти чекланган шахсларнинг мулкий муносабат доирасида ҳуқуқлари ҳам асослаб қўйилган ва шу асосда амалиётга татбиқ этилган. Масалан, “Эй мўминлар, бир-бирингиз билан қарз муомаласини қилсангиз ёзиб қўйинглар, орангизда бир котиб адолат билан ёзсин, агар зиммасида қарзи бўлган киши ақлсиз ё ожиз (ёш бола, ё жуда кекса) бўлса ёки, (кар-соқовлиги, ё тил билмаслиги сабабли) айтиб туриб ёздиришга қодир бўлмаса, унинг ҳомий вакили адолат билан ёздирсин. Ва сизлар рози бўладиган (адолатли гувоҳлардан икки эркак кишини, агар икки эркак киши топилмаса бир эркак ва икки аёлни (бири унутиб адашса, бири унга эслатади) гувоҳ қилинглари”⁴, дейилган. “Қуръони Карим” имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг мулк олди-берди шартномасидаги ҳуқуқларини таъминловчи биринчи юридик ҳужжат ҳисобланади.

Машҳур фақиҳ, Имом Бурҳониддин Али Ибн Абу Бакр Марғинонийнинг “Ҳидоя” номли асари фикҳ уламоларининг эътиборидаги асар бўлиб, мусулмон оламида кенг шўхрат қозонган. “Ҳидоя”га жуда кўплаб шарҳлар ёзилган. Бухоронинг Кирмон шаҳрида туғилган Маҳмуд ибн Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд “Ҳидоя”даги масалаларни шарҳлаб ёзган. Унинг “Викоятур ривоя фи масойимил ҳидоя” деб аталмиш китоби ҳам шулар жумласидандир. Маҳмуд ибн Убайдуллоҳнинг қардоши Убайдуллоҳ Ибн Масъуд эса “Викоятур ривоя”га шарҳ ёзган. “Мухтасар ул-виқоя” ўз номи билан мухтасар ихчам бўлиб, ёдлаш учун қулай усулда ёзилган шарҳ ҳисобланади.

Масалан, жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбланаётган жиноятчига ногиронлиги сабабли енгилликлар берилган. Унда айтилишича,

“Саъбийлик, хотинлик, қуллик, девоналик, қўрлик, ҳасталик, зимлийнинг кофирлик камчилиги қолса-да эътиборга олинмас, яъни саъбий (ёш бола)ни, болиғ киши, хотинни эркак киши, қулни озод киши, девонани соғ киши, қўрни кўзи очик киши, ҳаста (қўли ё оёғи кесик)ни ҳамма аъзоси бутун киши ўлдирса, барча ҳолатларда ўлдирувчи қасос қилинур (ўлдирилур). Юқоридаги ўлдирилишларнинг камчиликлари эътиборга олинмас”⁵.

Ва унда айтилишича, “Тилсиз кишининг ўзига хотин никоҳланиши, талоқ қилиниши, нарсасини сотиши, нарса сотиб олиши ва қасос ҳақидаги тушунарли ёзилиши ҳамда ишора қилиши тил билан сўзлаб баён этиши билан тенг кучда ҳисобланади. Аммо ёзув ёки ишора билан ўзига жазо вожиб бўладиган даражадаги ишга, масалан ҳақорат, зино, ичиш, ўғриликка иқрор бўлса, тилсиз кишига жазо берилмас, қўли кесилмас. Чунки иқрори шубҳадир. Шубҳа билан эса жазоланмас. Тили сўзлаша олмаслик даражасида дудук киши ҳақида уламолар айтганлар: “Агар тилнинг дудукланиши узокқа чўзилса ҳам ишоралари англанса никоҳ, талоқ, олди-сотди қабилада тасарруфлари ҳамда қасоснинг исботини ёзуви ҳам ишораси тилсиз киши неки эътиборга олингани каби эътиборга олинур”⁶.

Кўриб турганимиздек, Ўрта Осиёда Европадан фарқли равишда ислом дини ақидалари асосида ногиронлиги бор шахсларга нисбатан ғамхўрлик муносабати шаклланган. Бу эса, маънавий қадриятларимизнинг таркибий ва ажралмас қисми бўлиб келган.

Ўзбекистонда охириги статистик маълумотларга кўра 700 дан зиёд ногиронлиги бўлган шахслар истиқомат қилади. Улардан 57 фоизини, яъни 302 262 нафарини аёллар, 43 фоизини, яъни 407 582 нафарини эркаклар ташкил қилади⁷.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 3 декабрда қабул қилинган “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция 2008 йил 3 майда кучга кирди. Ўзбекистон ушбу Конвенцияни 2009 йил 27 феврал куни имзолади ва шу билан ушбу халқаро ҳужжатда белгиланган асосий мақсад ва тамойилларга рози эканлигини тасдиқлади. Аммо Конвенция Ўзбекистон Республикасига нисбатан мажбурий кучга эга бўлиши учун ратификация жараёнини тугатиш лозим.

Бугунги кунда юртимизда Конвенцияни ратификация қилишга тайёргарлик жараёнлари кетмоқда.

² Х.Ҳолиқова. Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати (1991-2014 йй.) Диссертация. Тошкент. 2018. Б.13.

³ Pritchard, James B. The Ancient Near East: Volume II. A New Anthology of Texts and Pictures. Princeton, NJ: Princeton University Press, 1958. –P.160–168.

⁴ Қуръони карим (Алоуддин Мансур таржимаси).–Тошкент:Чўлпон, 1992. Б.34.

⁵ Мухтасар. Шариат қонунларига қисқача шарҳ.– Тошкент: Чўлпон нашриёти, 1994. –Б 305-306.

⁶ Мухтасар. Шариат қонунларига қисқача шарҳ.– Тошкент: Чўлпон нашриёти, 1994. –Б 332.

⁷ “Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича юридик клиника” Syracuse University тадқиқотчиси Миржаҳон Турдиевнинг маърузасидан. Webinar. 2020 йил 16 сентябр.

Ўзбекистонда БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясини ратификация қилиш масаласига бағишланган Жамоатчилик эшитувида, “Ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш, уларнинг сиёсий иштироки ва индивидуал мобиллигини кенгайтириш борасида эришилган ютуқларга қарамай, қонунчилик базасини такомиллаштириш ва ногиронлар ўз ҳуқуқларидан фойдаланишларида мавжуд бўлган тўсиқларни бартараф қилиш учун қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши зарурлигини, ногиронлиги бўлган шахсларнинг адолатли судловга бўлган ҳуқуқларидан фойдаланиш масаласи ҳанузгача муаммо эканлигини”, таъкидлаган эди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Хелена Фрейзер хоним⁸.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг адолатли судловга бўлган ҳуқуқларидан фойдаланиш масаласи БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг 13-моддасида белгилаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар ва мажбуриятлар, шу жумладан, БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясига асосланган ҳолда ногиронлиги бўлган шахсларнинг одил судлов ҳуқуқидан фойдаланишлари тўғрисида қуйидаги бандларни⁹ келтириб ўтамиз:

1) давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқа фуқаролар билан баробар адолатдан фойдаланишларини таъминлайди, жумладан, юридик жараённинг барча босқичларида, тергов ва суддан олдинги жараёнларда ҳам ногиронлиги бўлган шахсларнинг бевосита ва билвосита иштирокчи, жумладан, гувоҳ сифатидаги вазифасини самарали бажаришини осонлаштирадиган процессуал ва ёшга кўра коррективларнинг назарда тутилиши;

2) кўриш бўйича ногиронлиги бўлган шахсларга давлат бюджети ҳисобидан суд ишлаб чиқаришининг барча босқичларида, жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларида, жумладан, тергов ва дастлабки тергов босқичларида ҳамроҳ, ўқиб берувчи кишилар ва овоз ёзиш аппарати хизматидан фойдаланиш имконияти тақдим этилиши;

3) эшитиши заиф ва қар-соқов ногиронларга давлат бюджети ҳисобидан суд ишлаб чиқаришининг барча босқичларида, жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларида, жумладан, тергов ва дастлабки тергов босқичларида профессионал сурдотаржимон хизматидан фойдаланиш имко-

нияти тақдим этилиши;

4) тергов ва дастлабки тергов жараёнида, шунингдек, судда жиноий иш кўрилатганда ногиронлиги бўлган шахсларга қўлга олиниши билан давлат бюджети ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилиши ва адвокат хизмати тақдим этилиши;

5) агар суд жараёнида иштирок этаётганлардан бири ногиронлиги бўлган шахс бўлса, суд мажлиси ногиронлиги бўлган шахс фойдаланиши мумкин бўлган бинода ўтказилиши;

6) ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг жамоатчилиги ташкилотлари барча суд жараёнларида давлат божига тўлашдан озод қилиниши;

7) пенитенциар муассасалардаги ногиронлиги бўлган шахсларга давлат томонидан ижтимоий, реабилитация ва тиббий хизматлар, жумладан, жисмоний муҳит оммабоплиги таъминлаб берилиши;

8) суд бинолари ва иморатлари ногиронлиги бўлган шахслар талабларини ҳисобга олган ва улар ҳаракатланишига мослаб жиҳозланган бўлиши;

9) суд ҳукмлари, қарорлари ва таърифлари ногиронлиги бўлган шахсларга тушунарли ва улар фойдаланиши мумкин бўлган шаклда бўлиши;

10) ногиронлиги бўлган шахслар жамоатчилиги ташкилотларининг вакиллари тергов, дастлабки тергов ва жиноят судларида ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ўз аъзоларининг жамоатчилиги ҳимоячилари сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши;

11) ногиронлиги бўлган шахслар жамоатчилиги ташкилотларининг вакиллари фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судларда ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ўз аъзоларининг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлиши.

Юқоридаги бандлар албатта бирор қонунда ҳали ўз аксини топмаган, аммо Конвенция ратификация қилинишида ушбу вазифаларнинг амалга ошиши ногиронлиги бўлган шахсларнинг одил судловдан фойдаланишларини таъминлаш борасида олдинга ташланган салмоқли қадам бўлиши, шубҳасиз.

Конвенцияни ратификация қилиш ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга имкон беради, бу эса ўз навбатида юртимизнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришишида прогрессив қадам бўлади.

⁸ www.un.org/uzb/news/display. Ўзбекистондаги БМТ вакиллиги/ Ўзбекистонда БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясини ратификация қилиш масаласига бағишланган Жамоатчилик эшитуви. 2019 йил 4 декабрь.

⁹ [Imkoniyat.uz/](http://imkoniyat.uz/) Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси сайтида эълон қилинган “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси. 2018 йил 14 апрел.

ЎЗБЕКИСТОН БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛДИ

2020 йил 13 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига уч йил муддатга – 2021-2023 йилларга сайланди. Мамлакатимиз учун БМТга аъзо 191 давлатдан 169 таси овоз берди.

Бу – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мақсад этиб белгилагандек ва ўзи орзу қилгандек яшашга интилаётган, Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб берилган ёруғ истакларига яраша янгидан-янги самараларга эришаётган янги Ўзбекистон халқи қўлга киритган яна бир оламшумул ютуқдир.

Бу – давлат раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ушбу соҳада давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантириш, халқаро майдонда мамлакат нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганининг ёрқин далолатидир.

Бу – Миллат Сардори раҳбарлигида Ўзбекистоннинг мутлақо янгиланган ташқи сиёсатини амалга ошириш, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан муносабатларни ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш масалаларига алоҳида урғу берилаётгани халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилгани ҳамда қўллаб-қувватланаётганининг ўзига хос ифодасидир.

Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, “**Жамиятни сиё-**

сий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган түс олди”.

Кейинги йилларда аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамияти институтларининг роли, оммавий ахборот воситаларининг таъсири тобора ошиб бормоқда. Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди.

БМТнинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига жавобан жорий йилнинг ўзида 50 минг юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Мамлакатимизда диний эркинлик борасида ҳам вазият кескин яхшиланди. Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик янада мустаҳкамланмоқда.

Судларнинг чинакам мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Коррупцияга қарши муросасиз кураш янги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон сўнгги йилларда эришган бу каби муҳим натижаларнинг барчаси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши асосий вазифалари билан уйғун ва ҳамоханг. Бинобарин, мазкур Кенгашнинг бош вазифаси – эркинлик, қонун устуворлиги ва адолатни тарғиб қилишдир.

Шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши жаҳон бўйлаб бу борадаги вазиятни назорат қилиб, ҳукуматларга кўрсатма ва тавсиялар бериб боради. Энг муҳими, мазкур Кенгашга аъзо ҳар бир давлат ўз мажбуриятларини ёдда тутиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ

мезонларга амал қилишда намуна бўлиши лозим.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг ана шу юқори халқаро органга аъзолик учун интилгани бежиз эмас. Бу самарадор саъй-ҳаракат давлатимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзосига юклатиладиган мажбуриятларни астойдил бажариш ва инсон ҳуқуқларини глобал миқёсда ҳимоя қилишга қатъий бел боғлаганидан далолатдир.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021-2023 йилларга сайланиши учун Ўзбекистон номзодини илгари суриш вазифаси давлатимиз раҳбари томонидан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгилаб берилганди. Шу асосда ўтган даврда комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва изчиллик билан амалга оширилди.

Хусусан, аввало, мавжуд тартиб-қоидаларга асосан номзодлик БМТ Бош Ассамблеяси рўйхатидан ўтказилди ва дипломатик саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

2019 йил октябрь ойида эса БМТ Бош Ассамблеясининг 60/251-сонли резолюциясига мувофиқ, БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021-2023 йилларда тақдим этиладиган Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар” хужжати тақдим этилди. Шунингдек, ушбу ваъдаларни қисқа таҳлил қилувчи яна 2 та хужжат (“Aide Memoire” ва “Position paper”) тайёрланди.

Мазкур хужжатлар БМТ Бош Ассамблеяси ва Инсон ҳуқуқлари кенгашида ҳамда Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари орқали аъзо-давлатлар ўртасида кенг тарқатилди.

Ўзбекистон тақдим этган “Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар”да (“Voluntary pledges and commitments”) мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида эришилган ютуқлар ва амалга оширилаётган ислохотлар билан бирга, бу борада келгусида бажариладиган вазифалар ҳам акс эттирилган. Халқаро, минтақавий ва миллий доираларда Ўзбекистоннинг истикболдаги мажбуриятлари ва режалари батафсил тақдим қилинган.

Ушбу мажбуриятларни 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартиби доирасида амалга

ошириш белгиланган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунга қадар режадаги айрим ихтиёрий мажбуриятларни бажаришга киришилган.

Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси бўлишидан қўзлаган мақсади эзгу ва холис. Биз мамлакатимизда ҳам, жаҳон миқёсида ҳам ҳуқуқ ва қонун устувор бўлиши, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳар томонлама таъминланиши, ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилиши тарафдоримиз.

Маълумот учун: БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши БМТ Бош Ассамблеясининг органи ҳисобланади. У ўз мажлисларини мунтазам, йилида камида уч марта ўтказида. Ушбу сессиялардан бири асосийси саналади ва унинг иши ўн ҳафта давом этади. Кенгаш аъзоларининг ўздан бир қисми талаби асосида, жумладан, муайян мамлакатлардаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ташвишли аҳволни ўрганиш мақсадида махсус фавқулодда сессиялар ҳам чақирилиши мумкин.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши қароргоҳи Женева шаҳрида жойлашган. Кенгашга 47 та давлат аъзодир.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолик учун бешта минтақадан давлатлар танланади. Яъни Осиё-Тинч океани, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидан – 13 аъзо, Африкадан – 13 аъзо, Шарқий Европадан – 6 аъзо, Лотин Америкаси ва Кариб давлатларидан – 8 аъзо, Ғарбий Европа ва бошқа минтақалар, жумладан, АҚШ, Канада ва Исроил давлатлари орасидан – 7 аъзо уч йил муддатга яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

БМТ Бош Ассамблеяси сессияси делегатлари куни кеча БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 15 та аъзо давлатни сайлади. Улар сафида Ўзбекистон, шунингдек Буюк Британия, Боливия, Хитой, Габон, Кот-д'Ивуар, Куба, Малави, Франция, Покистан, Мексика, Непал, Россия, Сенегал ва Украина бор. Янги аъзоларнинг ваколоти 2021 йил 1 январдан бошланади.

**Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий марказининг
матбуот хизмати¹**

¹ Журналнинг “Анжуманлар.Тадбирлар.Тақдимотлар” рукнида берилган маълумотлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг матбуот хизматидан олинди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ 75-СЕССИЯСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ

2020 йил 28 сентябрь куни Тошкент давлат юридик университетида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги ташаббуслари” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Видеоконференция алоқа шаклида ўтказилган тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси экспертлари, юртимиз олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этди.

Иштирокчилар давлатимиз раҳбарининг яқинда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-юбилей сессиясидаги нутқининг моҳияти ва аҳамиятини атрофлича таҳлил қилдилар.

Онлайн давра суҳбатида асосий маърузачи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов БМТ 75-сессиясида илгари сурилган Ўзбекистон ташаббусларининг асосий жиҳатларига тўхталди.

Давра суҳбатида, шунингдек БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси Хелена Фрейзер сўзга чиқиб, мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг нафақат тўлақонли субъекти, балки халқаро норма ижодкорлиги бўйича ташаббускорликда дунё миқёсида етакчи давлатлардан бирига айланганлиги қайд этилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг халқаро ҳамжамиятнинг энг олий минбаридан Пандемиялар шароитида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги кодекс қабул қилишга оид ташаббуси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани бу фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббусларни амалга оширишда олимлар, экспертлар ва кенг жамоатчиликнинг фикрини инобатга олиш муҳимлигини таъкидладилар. Мазкур муҳим ташаббусларни амалга оширишга оид саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва ўзаро фикр алмашиш мақсадида шу каби тадбирларни кўпроқ ташкил этишга келишиб олинди.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

2020 йил 6 октябрь куни “Миллий превентив механизм доирасида қийноқларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқий базани такомиллаштиришда парламентнинг роли” мавзусида халқаро онлайн-семинар бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия ижроси доирасида ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан Парламентлараро Иттифок, Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхонаси, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқаро ташкилотлар ва Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Халқаро экспертлар, жумладан, Парламентлараро Иттифок вакили Илья Новиков, Бристол университетининг Инсон ҳуқуқларини амалга ошириш маркази катта илмий ходими Дебра Лонг (Буюк Британия), БМТ Қийноққа қарши кичик қўмитаси раисининг ўринбосари Виктор Захария, БМТ Қийноққа қарши қўмитасининг собиқ аъзоси Георгий Тугуши, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг қийноқларнинг олдини олиш бўйича маслаҳатчиси Лаура Жефри сўзга чиқди. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси вакиллариининг маърузалари тингланди.

Тадбир якунида халқаро экспертлар Ўзбекистон томони билан амалий ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканлигини билдирди. Бунда, анжуман иштирокчилари эътибор қаратганидек, хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, Миллий превентив механизм доирасида қийноқларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш айниқса муҳим аҳамият касб этади.

DEMOCRATIZATION AND HUMAN RIGHTS

SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL MAGAZINE

4 (88) – 2020

Editor-in-chief:

Akmal SAIDOV

International Editorial Board:

Tanzila NARBAEVA,
(Uzbekistan)

Kudratilla RAFIKOV,
(Uzbekistan)

Aslan ABASHIDZE,
(Russian Federation)

Akira FUJIMOTO,
(Japan)

William BUTLER,
(USA)

Tadeusz BODIO,
(Republic of Poland)

Marghoob BUTT,
(Organization of Islamic Cooperation)

Rein MÜLLERSON,
(Republic of Estonia)

Tatiana MOSKALKOVA,
(Russian Federation)

Sergey UDARTSEV,
(Kazakhstan)

Editorial Board:

Mirzatillo Tillabaev – Doctor of
Law, Associate Professor

Halim Boboev – Doctor of Law,
(PhD), Professor, Honored Scientist
of the Republic of Uzbekistan

Omon Akyulov – Doctor of Law,
Professor, Honored Lawyer of
Uzbekistan

Askar Gafurov – Doctor of Law,
(PhD), Associate Professor

Muzaffar Mamasiddikov – Doctor
of Law, Professor

Mikhail Gasanov – Doctor of Law,
(PhD), Associate Professor

Elizabella Kutymbaeva – Doctor of
Law, Professor

Xaydarali Muxamedov – Candidate
of Law, Professor

Deputy Editor-in-chief:

Erkin ERNAZAROV

Executive Secretary:

Sevara ISHMURATOVA

FROM THE EDITORIAL BOARD

The country where human dignity thrives 92

SAMARKAND FORUM ON HUMAN RIGHTS

To the participants of the Samarkand forum on Human Rights
“Youth 2020: Global Solidarity, Sustainable Development and
Human Rights” 94

Video message to Samarkand forum on Human Rights by the
Secretary-General of the UN António Guterres 96

Video message to Samarkand forum on Human Rights by UN
high commissioner for Human Rights Michelle Bachelet 97

“Youth 2020: Global Solidarity, Sustainable Development and
Human Rights” 98

HUMAN AND LAW

Nodirakhon Pulatova. Strengthening the role of judicial documents
in the protection of Human Rights 100

Azizbek Quziev. On the issue of sanctioning
investigative and operational-search measures related
to the restriction of Human Rights 105

SOCIETY AND LAW

Sadulla Inoyatullaev. Ensuring the right of youth to education
by eliminating corruption in higher education 110

Tura Norboev. The fight against corruption is the fundamental basis
for the development of society 113

International experts: Uzbekistan is making breakthrough
steps in Human Rights 118

CONFERENCES. SEMINARS, PRESENTATIONS 120

FOUNDER:



NATIONAL CENTRE
OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN FOR
HUMAN RIGHTS

CO-FOUNDERS:



FEDERATION
OF TRADE UNIONS
OF UZBEKISTAN



OMBUDSMAN
OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN

FROM THE EDITORIAL BOARD

THE COUNTRY WHERE HUMAN DIGNITY THRIVES

In recent years, our country has entered a completely new stage of its development, and in this regard, the expression “New Uzbekistan” is being used more and more often all over the world. In his speech at the solemn meeting dedicated to the 29th anniversary of independence of the Republic of Uzbekistan, the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev noted: “in this regard, we can say that today, when the powerful potential of our people is fully realized, the foundation of a new Renaissance – the Third Renaissance – is being laid in Uzbekistan. After all, today's Uzbekistan is not yesterday's Uzbekistan. And our people are not the same as they were yesterday”¹.

In the time of coronavirus pandemic, our people have become a truly powerful force. Despite the spread of Covid-19, which threatens the entire world, the country consistently continues to launch large-scale work on the development of industry and agriculture, the creation of modern production facilities. This year, projects worth \$ 11 billion are being implemented in the industrial sector alone, and \$ 1.2 billion in agriculture.

Today, in our country, which has become a huge construction site, many new businesses and residential buildings, roads and bridges, infrastructure, education, science, health, culture and sports are being built. Currently, about 2.4 thousand objects are being built at an accelerated pace in the social sphere alone. New underground and ground lines of the Tashkent subway were put into operation, majestic complexes were built, such as Victory Park and Literary Avenue in the capital, and modern buildings for flood victims in Sardoba.

Guided by the principle of social justice, the state policy on supporting the population in need of assistance and reducing poverty has been raised to a new level. In particular, the number of those

who receive social benefits has increased by almost 1.5 times. A system of social protection, material assistance, and identification of families in need by household study has been formed. In total, 417 billion soums were allocated for financial assistance.

A lot of work is being done to further improve the judicial and legal system, liberalize criminal legislation, and return people who have lost their way to normal life.

The institution of pardoning persons serving sentences for crimes, widely used recently, is a practical expression of generosity and humanism inherent in our people. On the eve of the Independence Day, 73 people were released from penal institutions and returned to their families and loved ones, who sincerely repented of their deeds and firmly embarked on the path of correction. The terms of serving sentences were also reduced for 40 persons.

